

# Муҳаммад ЮСУФ

## ЁДИ...

### “ОҚШОМ”ДА КЕЧГАН ОҚШОМЛАР

Муҳаммаджон, Муҳаммад Юсуф “Тошкент оқшоми” газетасига 1982 йилнинг кузида ишга келган эди. Ўшанда мен меҳнат таътилида эдим. Сурхондарёдан қайтиб ишга чиққанимда, корректорлар хонасида саҳифа ўқиётган, қорачадан келган, озгин жуссали, сочлари қуюқ, ўта хомуш бегона йигитни кўриб ажаблангандай бўлдим. Қизларимиз жуда шаддод, шунга яраша мен ҳам ҳали ҳеч кимга кўринмайман, кутилмаганда уларнинг хонасига кириб, “Жануб қуёшидан сизларга салом!” дея қизларни мамнун этмоқчи эдим, лекин нотаниш йигитни кўриб таққа тўхтаб қолдим. Корректорларимиз маликаси Муҳаббатхон мен кўринганим заҳоти саҳифадан бош кўтариб: “Во-ой! Ана, Сирожиддин ҳам келди-ла!” дея одатдагидай хандон отиб, чарақдаб кетди, бегона йигит ҳам менга қараб ним табассум билан ўрнидан турди. Кўришдик. Маликамиз дарров бизларни таништириб қўйди:

- Танишинг: Муҳаммад ака Юсупов. Биза билан ишлаётти. Шеър ҳам ёзарканла...



Муҳаббатхоннинг “шеър ҳам ёзарканла” деган сўзлари тўппа-тўғри менга қаратилган эди, бу - “энди “Оқшом”да шеър ёзадиганлар икки киши бўлдинглар”, дегани эди.

Бизнинг Муҳаммаджон билан илк кўришувимиз шундоқ бошланган эди. Шу кундан эътиборан бирга ишлай бошладик, аста-аста бир-биримизни билиб, яқиндан танишиб бордик. Муҳаммаджонда мени ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам ҳамиша ҳайратлантирган ҳолат — унинг ҳаддан ташқари камгаплигию жимжитлиги, давраларга аралашмасдан, якка-ёлғиз ўй суриб юришлари эди. Ўйчанлик қуюқ қора сочларига, қошларининг тагига ин курган бир жуфт қушни эслатувчи мунгли кўзларини ажабтовур қадам ташлашларига жуда ҳам ярашар эди. Бу хомушлик баъзан суҳбатдошига эришдек туюлса-да, лекин оғир ботмасди.

*Сирожиддин САЙИД*

### БАРЧАНИ ЯХШИ КЎРАРДИ...

Ўлим — ҳақ.

Бу дунёга ҳеч ким устун бўлолмайди.

Аммо, барибир, шафқатсиз ажал ёш, қирчиллама йигитни ўзининг совуқ бағрига олса, кеч келган эрта кетса, одамнинг юрак-бағри хувиллаб қолади. Айни пайтда кишига бу ерда қандайдир адолатсизлик бўлгандек, недир хатолик юз бергандек туюлаверади... Бироқ, на илож, осмон узоқ, ер қаттиқ...

Биз Муҳаммад Юсуф билан ... у киши умрининг сўнгги уч-тўрт йили давомида бирга ишладик.

Муҳаммад ака Ёзувчилар уюшмамининг бевосита ёш ижодкорлар билан боғлиқ ишларига масъул бўлгани боисми, биз, “Ёшлик”чилар у кишини қайсидир маънода ўзимизга ҳаттўй устоз деб билардик.



“куратор”, масла-

Муҳаммад ака бағри кенг одам эди. Журналимизга онда-сонда бирон ёш ижодкорнинг машқларини тавсия қилиб қолар экан: “Шу боладан (ёки қиздан) бир нима чиқиб қолар”, дерди.

Афсуски, инсон эртага ёки индинга нима бўлишини билмайди. Бу унинг бахтидир ёки бахтсизлигидир. Ҳар нечук, Муҳаммад ака билан мулоқотларимиз узоқ давом этмаслигини, у киши билан кечаётган кунларимиз ганимат эканлигини ҳеч бўлмаса ҳис қилганимизда биз “Ёшлик”чилар улуг ширимизга бошқачароқ, дейлик, янада самимийроқ, янада иззат-эътибор билан муносабатда бўлармидик. Зеро, инсоннинг қадри, маҳобати, меҳри — таассуфлар бўлсинки — вафотидан сўнг янада ёрқинроқ намоён бўларкан. Ва адо бўлмас

кундалик тирикчилик ташвишларига шўнғиб кетган банда ўзга бир азиз банда дорил бақога рихлат этганидагина то сўнги дам ёнида юрган, ўзи билан ҳамнафас бўлган соддагина, жайдари бир инсоннинг аслида нақадар улуғ ва бетакрор бўлганлигини англай бошлайди...

Инсоннинг кимлиги кўпроқ сафарда билинади, дейишади. Ҳақ гап. Камина Муҳаммад Юсуф билан икки бора Зоминда ўтказилган ёш ижодкорлар семинарида иштирок этдим, бир марта Муқимий ва Чустий юбилейлари боис Қўқонга бирга бориб келдим. Қуйида ушбу сафарлардан ёдимда қолган икки лавҳанигина баён қилиб бермоқчиман.

### “ҚЎШИҚ ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРИШИ КЕРАК”

Раҳматли (бу сўзни тилга олиш нақадар оғир!) Йўлдош Сулаймон, Муҳаммад Юсуф учаламиз “Нексия”да Қўқонга кетаётгандик. Муҳаммад аканинг машқи пастроқ эди. Ангренда овқатлангандик, таомлардан номига тотиниб қўйди, холос.



Довон йўлида адабиётдан, шоирлардан гаплашиб кетаётгандик. Тўсатдан ҳайдовчи магнитофонда ўшлик ҳофиз Муҳаммадкарим Соипов ижросидаги “Осмон тўла ҳаволар, менга ҳаво етмайди” қўшиғини баланд қилиб қўйди. Беихтиёр “қулг” этиб югиниб олган Йўлдош ака:

— Шавкат Раҳмоннинг вило қўшиғи бу, — деди пичирлаб.

Олдинги ўриндикда ўтирган Муҳаммад ака қўлини юқори кўтариб “жим” ишорасини қилди.

Мунгли қўшиқ тугагунча машинада ҳеч ким “чурқ” этмади. Қўшиқ тугаган палла ёш боладай таъсирчан, кўнгли бўш Йўлдош ака:

— Оҳ, — деб юборди.

Шу лаҳза Муҳаммад Юсуф биз томон ўтирилди ва ҳеч бир муқаддимасиз, кириш сўзисиз, бир оғизгина:

— Эшитинглар, — деди-да... ёддан шеър ўқий кетди:

*Мендан нима қолар:  
Икки мисра шеър,  
Икки сандиқ китоб,  
Бир уюм тупроқ.  
Одамлар ортимдан  
Нима деса дер,  
Мен сени ўйлайман  
Ўзимдан кўпроқ —*

*Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ!..*

Тасаввур қилинг: довон йўли, машина сассиз елиб бормоқда, салонда эса бизга ўгирилиб олган Шоир кўзларини юмган кўйи ҳеч бир бақир-чақирсиз, оҳиста, бироқ изтироб ва алам билан, баайни юрак дардини айтиб бераётгандай шеър ўқимокда...

Шукрки, кўп шеър давраларида бўлганман, кўплаб шоирларнинг ўз асарларини маҳорат билан ўқиганлигини кўрганман. Аммо ҳалига довур ҳеч бир шоир ўз асарини бу қадар дард билан айтиб берганини эшитмагандим...

Шеър эса чиндан ҳам “даҳшат” эди... Томоғимга муштдай бир нима келиб тиқилгандай бўлди...

*Кўксим куйиб борар,  
Кўкрак ёнмоқда.  
Айтинг дўхтирларга,  
Ёришса ёрсин!  
Жисм ўз улфати —  
Жондан тонмоқда.  
Бечора жон энди  
Қаерга борсин.  
Энди осмон йироқ,  
Энди ер юмшоқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ!..*

Шеър тугади.

Қарасам, боладай бегубор, соддадил Йўлдош Сулаймон юм-юм йиғламоқда эди. Мен ҳам кўз ёшларимни тийиб туролмадим...

Орадан бир соатча вақт ўтди. Ҳўқанди латифга яқинлашганимиз маҳал бизга ўхшаб нечукдир маънос тортиб қолган ҳайдовчи таниш бир ҳофизнинг ижтимоий-роқ мавзуидаги бир қўшиғини қўйди. Ашуланинг бошланишини эшитган Муҳаммад ака қўл силтади:

— Бўлмайди... Қўшиқ халқни бирлаштириши керак. Бу бўлса... ўчиринг...

Қўқонда бизни кутиб олишиб, шинамгина далаҳовлидан жой қилиб беришди.

Тасодифан, Муҳаммад ака иккаламиз бир хонага тушиб қолдик.

Ана шунда мен шеър ёзиш баъзилар ўйлаганидай осон иш эмаслигини ўз кўзим билан кўрдим. Соат тунги бир бўлди, икки... уч... Муҳаммад ака ухламайди, кичкинагина хонамизни қадамлаб ўлчайди: хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келаверади, келаверади... Ҳазиллашган бўлдим:

— Тўлғоқ қийин кечаяпти шекилли...

Муҳаммад ака мийиғида жилмайиб қўйди:

— Вақти-соати етмагандир-да...

Қўқон шаҳар ҳокимияти таклифига кўра наҳорги ошга бордик. Қарасам, Муҳаммад ака мезбонлари, мухлислари даврасида худди кечаси тўйиб ухлаган, мириқиб ором олган одамдай яйраб ўтирибди.

Умуман, Муҳаммад ака — агар янглишмасам — водийга борганида яшнаб кетарди. Ўша сафар ҳам учрашувлардан сўнг у киши Тошкентга қайтиб ўтирмай, Андижонга жўнаркан:

— Онамни кўрмасам бўлмайди, — дегани кечагидай ёдимда...

Яна бир эътибор берган томоним: қаерга бормайлик, Муҳаммад ака бизни меҳмон билиб, мулозамат қилар, мезбонларга ҳам аввал бизни таништираркан, мақтовни сал кўпроқ қилар ва албатта:

— Мен бу болани яхши кўраман, — деб кўярди.

Бундай мақтовларга “Ёшлик”нинг барча ходимлари сазовор бўлишган...

### “ҲАММАСИГА ЎЗ МЕҲНАТИМ БИЛАН ЭРИШДИМ”

Зомин сафарларидан бирида Муҳаммад ака билан гурунглашиб қолдик. Гап орасида яқинда қайсидир бир

дам олиш газетасида чиққан шоир билан суҳбат “Машҳурликдан зерикдим” қабилида номланганини эслаб қолдим.

Муҳаммад аканинг қовоғи тушиб кетди.

— Кўрдим. Лекин бу бекор гап, буни мен айтмаганман. Мен нимагаки эришган бўлсам ўз меҳнатим билан эришдим, биров мени қўллаб тургани йўқ. Мен ишладим, қаттиқ ишладим. Оч қолдим, пулсизликдан қийналдим, лекин қаттиқ ишладим. Бугун мени халқ сал-пал таниган бўлса бу мен учун яхши эмасми... Нима учун ҳали машҳур бўлмай туриб машҳурликдан зерикишим керак экан...

Балки мухлисларнинг ёдида бордир. Ўша йили... август бошларида “Зарафшон” ресторанида шоирнинг эл таниган қатор ҳофизлар иштирокида ижодий кечаси бўлиши керак эди. Муҳаммад ака ижодий кеча сценарийсини ёзиб беришни каминадан илтимос қилиб қолди.

Тасодифни қарангки, айнан ўша пайтлари Муҳаммад Юсуфнинг “Шарқ” нашриётида чиққан “Сайланма”-сини ўқиб чиққан ва шу китоб таъсирида юрган эдим. Шу сабабли “Муҳаммад Юсуф аслида қўшиқчи шоир эмас, уни шундай деб атаганлар янглишадилар, Муҳаммад Юсуф дард-Шоир, унинг юрагида элига айтадиган гаплари бисёр...” мазмунида сценарий ёзиб кел-

дим. Сценарий Муҳаммад акага маъқул бўлибди, ҳатто у киши одатдагидай валломатлик қилиб:

— “Зарафшон”даги ижодий кечамда бир стол “Ёшлик” учун, — деб юборди.

Биз, журнал ходимлари хурсанд бўлиб, кун санаб юрган эдик. Кутилмаганда, саратонда ёққан қордай совуқ хабар келиб қолди...

Есениннинг “Ҳар нарса йироқдан кўринар аён”, деган мисраси бор. Тоғнинг салобатини ҳис қилмоқ учун ҳам унга йироқдан қараш лозим. Биз вақт ўтган сайин Муҳаммад Юсуф шеърятини, Муҳаммад Юсуф шахсини тобора теранроқ англаб бораётгандаймиз.

Бу дунёга кимлар келиб кетмайди. Неча-нечалар изсиз, сассиз йитадилар. Кимдан яхши ном қолади, кимдан бир оғизгина Сўз. Муҳаммад Юсуфдан “икки мисра” гина эмас, сандиқ-сандиқ китоб қолди. Муҳаммад Юсуфдан Шоир деган ном қолди...

Нима учундир мен ҳамон Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини ўқирканман, уни эсларканман, кўз олдимда дард куйчиси бўлган Шоир гавдаланади...

Сўнгсўз: Дарвоқе бизнинг бир-биримизга, устозларга, чинакам Истеъодларга эътиборсизлигимиз, лоқайдлигимиз баъзан ўзимизни ҳайратга соладиган даражага етиб қолади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган фотосурат ҳам биз шогирдларнинг эмас, устоз Муҳаммад Юсуфнинг ташаббуси билан пайдо бўлган. Бир дам олиш кунини Ёзувчилар уюшмаси биноси ёнидан ўтиб бораётсам, бино қаршисидаги майдонда ўй суриб юрган Муҳаммад ака мени кўриб



Азиза МАМАТОВА ишлаган сурат

қолиб, эринмасдан чақириб олди, сўнг фотосуратчи Абдугани акани чақириб, иккаламизни суратга тушириб қўйишни илтимос қиларкан:

— Эсдалик учун-да, — деб қўйди кулимсираб...

Ҳолбуки, эсдалик суратларни у киши эмас, биз ўйлашимиз керак эмасмиди...

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ



# ТЕРРОРЧИНИНГ УЙИ КУЙСИН!

Март ойининг сўнггида Ромитан тумани ва Тошкент шаҳрида содир этилган турли даражадаги муҳим террорчилик ҳаракатларини эшитиб ва телевизор орқали кўриб биз ўқувчилар ниҳоятда ғазабга миндик.

Ахир шунақаси ҳам бўладими?

Полвонлар қурашда четдан ушлагани фирром санаб майдондан ҳайдайдилар. Буларники уйдан ҳам ошиб тушди. Ҳеч қутилмаганда ўзиниям, сениям портлатиб юборишга тайёрланиб хезланиб турса-я!

Бу ҳаётнинг муқаддаслиги шундаки, у Оллоҳ томонидан берилган вақтинчалик омонатдир. Ўзини ўлдириш шу омонатга хиёнат ҳисобланади. Шу билан бирга бировнинг, тинчгина ўз ҳаётини яшаб турган кишининг умрига зомин бўлиш хиёнат устига хиёнат, балки жиноятдир. Энг ёмони энди уни жазолаб ҳам, сўроқ қилиб ҳам бўлмайти. Чунки у ўлди. Боболаримиз “тўнғиз қавмида кетди”, “ит ўлимни топди”, “уят ўлим бўлди” деганларида мана шундай ўзига ва бошқаларга шармандалик келтирган ўлимни назарда тутишгандир. Бежизга ўз жонига қасд қилганларга жаноза раво кўрилмагандир.

Шуларни ўйлаб бу ҳодисаларнинг маъносини ҳечам тушунмайман. Хўш, бундан ким манфаат топди? На ўзи, на биров, на дин.

Дарвоқе, муқаддас ислом динида тириклик дунёси эзгу ишларни амалга ошириш учун берилгани, жиҳоднинг энг каттаси ўз нафсинг устидан ғалаба қилишинг экани уқтирилади. Шу боис террорчининг қилаётган бу иши авваламбор исломга қаршидир.

Агар, хўш, шу иш дин учун, унинг мустаҳкамлиги учун қилинаётган экан, айгинг-чи, дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган бундай хиёнаткорона хуруж ва портлашлардан сўнг кимнинг бу динга ихлоси ошиб қолди? Ақли бутун одам бундай хатти-ҳаракатдан албатта нафратланади ва бу эътиқод учун асло хизмат қилмаслиги, аксинча ундан тўшишни тушуниб туради. Бу борада уламоларимиз ҳам ўз вақтида жўяли муносабат билдириб туришгани янада яхши.

Айни кезде улуг шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари ниҳоятда ҳозиржавоблик ва донолик билан битилгандир:

*Дунёга яшай деб келади Инсон,  
Яшамоқлик учун ахтарар имкон.  
Сен-ку бу дунёдан тўйган экансан,  
Бошқаларни нега қийнайсан, нодон?!*

Ростдан ҳам бу нодон, ақли расо бўлмаган кимсаларнинг иши.

Дунёнинг турли бурчакларида адолат, озодлик талаб қилиб чиқаётган намоёнчиларни, баъзан талаби қондирилмаса очлик эълон қилаётганларни кўрамиз. Уларнинг талаби, шартли аниқ. Лекин террорчининг талаби нима? Бизнинг жамиятимизни барбод қилиш, ўрнига халифалик ўрнатишми? Буни ҳам аглаш қийин. Ва агар шундай ўйласалар хомтама бўладилар. Бу улкан оқар уммон ичида бошқа ўзан яратилмаган кулгули ва мантқиқсиз ишдир. Қолаверса, жамият мутаассиблар, бидъатчилар орқасидан эмас, соғлом ақл орқасидан эргашади.

Беғуноҳ одамнинг ҳаётига зомин бўлиш ибрат бўладими? Муҳим воқеани эшитган одамнинг этини жунжиктиради, ўзлари ҳам ёввойи, олабўжи, тўнғиздай таассурот қолдиради. Одамларнинг ғазабини қўзитади, холос.

Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, агар Худо уларни қўлаганида Ромитанда 9 нафар террорчи ўзлари ясаган портловчи моддидан ўзлари портлаб ер билан яксон бўлиб кетармиди? Чунки улар беғуноҳ одамларни қурбон қилишдек жирканч, ҳаром ишни режалаштираётган эдилар.

Яқинда “Минг бир ҳадис” китобини ўқиб қолдим. Унда “Агар бир мусулмон киши иккинчи биродарига қурол ўқталса, то қуролини қўйганча фаришталар унга лаънат айтиб туради” деган ҳадис бор экан. Бу пайғамбаримиз сўзлари бўлгани туфайли ҳужжатдир. Унга биноан бесабаб қурол кўтариб беғуноҳ одамларнинг қонини тўкишга шайланган кимса лаънатидир.

Яна бир ҳадиси шарифда “Мусулмонни ўлдириш – кофирлик, сўқиш – фосиқликдир” дейлади. Энди шундан келиб чиқиб у кимсалар ҳусусида ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

Бундай фожиалардан сўнг айниқса Ғарб матбуотининг тили жуда бурро бўлиб кетади. Айбни осонгина фалончи ё пистончига ёшиштириб қўяқолишади. Айтишларича, биз қурбон бўлган фуқаролар сонини яшраётган эмишимиз. “Танаси бошқа дард билмас” деганлари аслида шу.

Бу жафокаш халқнинг бошига тушган кўргуликларни очик айтишга йўл қўймаганлар, тарихимизни ҳам хасислашга уриниб, мазлум ўзбек халқини етмиш йил давомида “бахтиёр” қилиб кўрсатиб келган ўшалар ва ўшаларнинг акалари эмасмиди? Ўша замонда хайрихоҳ бўлмаган одамлар энди биз учун жони ачийдиган, холис кишиларга айланиб қолибдими? Рўй-рост айтганда бу бошқа бир халқнинг, миллатнинг, давлатнинг тақдирига, тараққиётига бепасандлик ёки очикдан-очик кўролмаслик белгисидир.

Кези келганда афсус ва надоматлар билан таъкидлашимиз жоизки, бизнинг бепарволимиз, ўта хотиржамлигимиз, сезгир ва хушёр бўлмаганимиз яна бир карра ўзимизга пайд берди. Хўш, террорчиларнинг оғалари, бошлиқлари чет давлатда экан, уларнинг ўзлари шу ерда, орамизда экан-ку. Бу бизнинг кўпинча ўз ташвишимиз билан ўзимиз овора бўлиб ушлаб ўтирган бошимизга тушган бир тўқмоқдир. Осойишта турмушимизга қарши мунтазам тиш қайраб турган душманлар ҳамон ҳаракатда эканини кўрсатувчи бир бонгдир балки.

Худбин бўлмаслигимиз, бошқаларга ҳам ўзимизга назар солгандек мудом очик кўз билан қарашимиз, керагида дадил, тап тортмай ҳаракат қилишимиз зарур экан.

Душманликдан бир кини талофат кўрмайди. Унинг оқибатлари шировардида ҳар биримизга оғир юк бўлиб тушиши мумкин. Ватанини кўзда эмас, қалбда севар эканмиз, хушёрлигимиз ҳам, хатти-ҳаракатимиз ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим.

*Абдувоҳид ЎНАРОВ,  
Алишер Навоий номидаги  
Нафис санъат лицейининг ўқувчиси.*



Фарида АФРЎЗ

# СЎЗ ИШҚИДА

# ЖОННИМ ҲАЛАК



\* \* \*

Рух шамоли танни қақшатди,  
Чақмоқ вужуд олов сачратди,  
Кеча ёққан ёмғир чарчатди,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ўтган куним надомат, армон,  
Ором билмас саргардон бу жон,  
Эсиз, умр ўртада сарсон,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Азал жонга завол андеша,  
Бу дунёда ёлғиз ишқ пеша.  
Айрилмоққа ўчмиз ҳамеша,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ўпиб турса сочларингни нур,  
Бахт нелигин капалакдан сўр,  
Не бўлса ҳам тур, ўрнингдан, тур,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Ахир сени кўрганам тушмас,  
Хаёлингиз хушларим хушмас,  
Осмон синиб заминга тушмас,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Бир хўрсинсам қайтиб келар сой,  
Айт, тилагинг айт, деб келар сой,  
Қайтиб жонни қаердан олай,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

Тонгим балки армонларга соз,  
Ишқ қисмати иккимизга рост,  
Мен энтикиб чорладим, холос,  
Кел, бугунни байрам қилайлик.

\* \* \*

Аёлни сев,  
Аёлга ёлбор,  
Минг бир кеча эртақларинг айт,  
Алпомишлар туғиб беради.

Аёлни сев,  
Остонасин ўп,  
Қаср қурма, кўнглини сўра,  
Бало келса туриб беради.

Аёлни сев,  
Ўламан дегил,  
Ишқ яратган нарвардигордан,  
Сенга умр сўраб беради.

\* \* \*

Бир талпинсам сизга егаман,  
Бир зарб билан эшик очилур.  
Аммо нечун,  
Ташлаб кетаман,  
Сизни десам юрак сочилур.

Бир талпинсам, бахтни кучасиз,  
Бир хўрсинсам қайтар дарёлар.  
Аммо нечун,  
Дарё бўлолмам,  
Умр ўтар, ўтар дунёлар.

Бир талпинсам, олам гулистон,  
Бир шахд билан гина тўкилур.  
Аммо нечун,  
Сиртмоқдир алам,  
Оёғимга кишандир ғурур.

Бир талпинсам, меникидирсиз,  
Ўзим экиб, ўзим ўрганам.  
Бу шабистон  
Қисматлар аро,  
Кўзим очиб, кўзим кўрганам.

Бир талпинсам, юрак ҳам тўхтар,  
Қумга сингтар, умр тўлқини.  
Одам бўлиб,  
Одам бўлмадик,  
Учрашармиз рух бўлган кун.

\* \* \*

Севган киши хор бўлмайди,  
Меҳр излаб зор бўлмайди.  
Дунё кўзга тор бўлмайди.  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ошиқликда тароват бор,  
Азобиди ҳаловат бор,  
Мурувват бор, шафоат бор,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ёмғир бўлсам, чўл қолмагай,  
Борса келмас йўл қолмагай,  
Сенга мендек қул қолмагай,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Билиб туриб чўелар босдим,  
Ишқ тоқига туғлар осдим,  
Ўз ҳадимдан, ўзим ошдим,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?

Ҳаммасидан ҳижрон ёмон,  
Бу жон сенга, балоғардон,  
Ўлдирмаса бўлди армон,  
Кўнглим, сенинг ҳолинг нечук?



\* \* \*

Жоним маним,  
қошим маним,  
кўзим маним.  
Томоғимда минг йил ёнган сўзим маним,  
Довуллару оташларга бардош бериб,  
Бир нафасдан ловуллаган юзим маним.

Қошим маним,  
кўзим маним,  
жоним маним,  
Ғариблиқда топган мулку шоним маним,  
Гоҳ йиғлатиб, гоҳи сархуш, девонавор,  
Томиримда кўшиқ айтган қоним маним.

Жоним маним,  
Кўзим маним,  
қошим маним,  
Кипригимда тўкилмаган ёшим маним,  
Айланиб ҳам,  
ўргилиб ҳам  
ичолмаган,  
Ғанимларим заҳар қўшган ошим маним.

\* \* \*

Бу кунлар ҳам ғанимат,  
Қорлар эриб битмоқда.  
Келса, баҳор омонат,  
Ўтса, умр ўтмоқда —  
Кел, эй, менинг менсизим.  
Сабр — олма гулади,  
Пишса тилинг ёради.  
Тош юракка киргунча  
Пешоналар қонади —  
Кел, эй, менинг менсизим.  
Бу қандай ажиб савдо —  
Боши берқдир, йўлим йўқ,  
Йиғлай десам чиқар жон.  
Чорлай десам тилим йўқ —  
Кел, эй, менинг менсизим.

Ҳар тонг қайтиб гуллайди  
Чақин урган хотирим.  
Оти бору ўзи йўқ,  
Эртақдаги ботириш —  
Кел, эй, менинг менсизим.

Дунё асли чархпалак,  
Тонса, ўздан тонар-да.  
Сени бериб худойим;  
Олса, жоним олар-да,  
Кел, эй менинг менсизим.

\* \* \*

Келсанг, келгин ёки хайр-хўш,  
Томоғимда йиғлайди бир қуш.  
Чақмоқ бўлсанг осмонингдан туш,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

Яёв десанг дунё кезаман,  
Даштларингни гулгун безарман.  
Қоқи гулдай сенсиз тўзарман,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

Етар ҳаддим тоққа, ирмоққа,  
Ўғлон бўлиб жангта кирмоққа,  
Фироқ инди сочдин тирноққа,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

Кеч кузакнинг шамоли — фотих,  
Қамолдан заволи ортиқ.  
Осмон йироқ, ер эса қаттиқ,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

Куйдирмажон — куйдирма, қирқим,  
Умидлари уйдирма, қирқим.  
На қилсанг ҳам суйдирма, қирқим,  
Соғинмоққа ҳолим қолмади.

\* \* \*

Бизни соғинганлар омон бўлсинлар,  
Бизни унутгани унутмоқ керак.  
Майли, феълимизни ёмон десинлар,  
Бизни кутмагани кутмоқ не керак?

Бизни соғинганга тилаймиз тўзим,  
Ва бир тонг елармиз шаббода бўлиб.  
Томоғимда бўзим, тирноқда бўзим,  
Дардлар ҳам ситилгай бир куртақ бўлиб.

Бизни унутгани унутдик биз ҳам,  
Гарчи хоҳласак-да, келмас ҳушларга.  
Ҳатто кўз гавҳари бўлолмас малҳам,  
Етти ухласак-да, кирмас тушларга.

Унутмоқ матонат, унутмоқ азоб,  
Хотира умидлар жангида талаш.  
Фақат бизга бахтдир, бизга изтироб,  
Бизга ичикканга ичикиб яшаш.

\* \* \*

Узоқ йўлдан келдик иккимиз,  
Мен туфроқни қирқ ёрган чечак.  
Бир-бировга етмас илкимиз,  
Сен ёмғирсан — жонлари ҳалак.

Хотиралар харобот, элас,  
Жуда оғир ул сўзни айтмоқ.  
Осон эмас, йўқ, осон эмас,  
Борса келмас йўллардан қайтмоқ.

Икки йўлдан келдик иккимиз,  
Икки дарвеш, икки ишқталаб.  
Бир мазорга бирга чўкдик биз,  
Бир юракка бирга ўт қалаб.

Ажратай, деб, гирдубод талар,  
Чарс ёрай, деб, чарсиллар чақмоқ.  
Фақат жаллод қўлидан келар  
Бир вужудни иккига бўлмоқ.

\* \* \*

Токи осмон бош узра паноҳ,  
Токи руҳдир нур ичра огоҳ,  
Қолгунича бир нафас, бир оҳ,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи шабнам гул яноғида,  
Токи исминг дил титроғида,  
Кўзинг нури кўз қароғида,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи томчи тошга интизор,  
Токи юлдуз кўкдаги гулзор,  
Ойни қучиб тушлари бедор,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.  
Токи сирга тўла куртақлар,  
Токи хаёл сенга етаклар.  
Минг бир кеча айтиб эртақлар,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи танда жон эрур омон,  
Токи ишқдир жон ичра жонон,  
Кел ёнимга, эй, Шайхи Санъон,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

\* \* \*

Кечиринг,  
Дуторим узилди тори,  
Баайни авжида, қўшиқ авжида.  
Эҳтимол,  
Ишқ умри шугина бори,  
Эҳтимол, дур йўқдир, кўнгил ганжида.





Кечиринг,  
Тоғларнинг тоши кулади,  
Кийиклар яйрамас, хуркади энди.  
Эҳтимол,  
Булоқлар қўзи кўр бўлди,  
Эҳтимол, кўзёшдай тупроққа инди.  
Кечиринг,  
Қилчнинг дами кескирдир,  
Бошини қўйганлар қолмаслар омон.  
Эҳтимол,  
Бир сўзнинг тиғи тақдирдир,  
Эҳтимол, беқисмат яшамоқ осон!

\* \* \*

Тиғласак,  
жонни биз, ёр деб тиғладик,  
Дунёни бедаво, дор, деб илғадик,  
Нафсимиз йўлида гул бўлмадик, йўқ,  
Хазон бўлдик, аммо, ор деб  
Йиғладик.

Йиғладик,  
Биз қилни қирқларга ёрдик,  
Чорласа, ҳар хору зорларга бордик,  
Кўнглимиз кўчасин тошларин териб,  
Гуллар эдик, гулзорларга  
Бордик.

Бордик,  
Эҳ, кадримиз беқадр бўлди,  
Ишқимиз ўздию беқабр бўлди,  
Бу дунё сайлини қилдик бесамар,  
Ақл шошди, юрак бесабр  
Бўлди.

Бўлди,  
Пешонамиз тошга урилди,  
Ҳар қадам ташладик, жарга бурилди,  
Қирқ кеча, қирқ кундуз ибодат узра,  
Армонлар ўлдилар, алам  
Тирилди.

Тирилди,  
Оҳ дилда тугёнлар, салом,  
Қонимиз елпиган бўронлар, салом,  
Айт, кимнинг кўксидан итаргайдир ишқ,  
Бизни деган ёру гирёнлар,  
Салом.

Тиғласак, жонни биз ёр деб тиғладик...

Эй дўст,  
Нима десанг, дегил, шу бугун  
Юрагингда қолмасин тугун,  
Армон узун, надомат узун,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!  
Айт, айтақол, айтавер, шошил,  
Тўкил бугун, тарикдай сочил,  
Фафлат қотил, пушаймон қотил,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!

Эй ёр!  
Айтарингни тутмагил пинҳон,  
Севаман, де, ёлборгин нолон.  
Ишқдан бошқа ҳаммаси ёлғон,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!  
Ҳижолатнинг умри қуроқдир,  
Гумондорнинг жони қийноқдир,  
Андишанинг оти қўрқоқдир,  
Эртага бугунни топиб бўларму? !  
Эй дўст!

Кел, ёнимга гул очса чирой,  
Этакларинг қўзимга сурай,  
Сен келмасанг, мен ўзим борай,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!  
Кел, елкада тоғинг билан кел,  
Ҳазонрезги боғинг билан кел,  
Дилда ҳасрат, доғинг билан кел,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!  
Эй ёр!

Ҳар коримиз тақдир азалдир,  
Лабингда қон ёхуд асалдир,  
Тамшанганинг балки ажалдир,  
Эртага бугунни топиб бўларму?!

Фарид Афрўз, бугунингни куч,  
Ҳар лаҳзага туголгин ҳовуч,  
Бугун яша, топа олгин куч,  
Эртага бугунни топиб бўларму? !

### ЭЙ ДУНЁ

Камайиб қоларми дунёйинг,  
Бир қизинг яйраса-ййрабди!  
Кўзидан йўқ ўзга гуноҳи  
Дил қуши сайраса-сайрабди.

Фалакнинг занжири тўзарми,  
Бир кўнгил бандлари ечилса.  
Узилиб кўк ерга тушарми,  
Ҳиёнат, бошларинг янчилса.

Бир гирён ишқ дея, фарёдким,  
Оввора ҳам шоҳу ҳам гадо.  
Қиёмат рўй берар, наҳотки,  
Жонига жо бўлсам, эй Худо!

Не топсанг оллодан, оллога,  
У берса ололмас ҳеч кимса.  
Бандаси нобакор, ночордир,  
Мангумас ҳеч кимса, ҳеч нарса.

\* \* \*

Қизим ГУЛНОРАБЕГИМга

Сени дарёга отдим мен,  
қўлимдаги гулим - қизим,  
Умр ёлғизоёқ йўлдир,  
Тирик юрсам йўлим - қизим.

Бозор борсанг, бозор – дунё,  
Мозор борсанг, озор – дунё,  
Аямайди, озор дунё,  
Саботимга қўним - қизим.

Йиғласам мен чин йиғладим,  
Тиғласам жон, жон тиғладим,  
Ҳеч ўзимга, ҳеч сизмадим,  
Тўфонимда тўзим - қизим.

Сени дарёга отдим мен,  
Оқар бўлдинг, сузар бўлдинг,  
Битта сўздан тўзар бўлдинг,  
Қуяримда ўзим - қизим.

Сўз ишқиди онанг ҳалак,  
Гир айланар чархифалак.  
Замон ҳалак, даврон ҳалак,  
Тил учинда сўзим - қизим.

Хатоларнинг қурбони мен,  
Адоларнинг сарбони мен,  
Бу шабистон кўчаларда  
Нурим-қизим, кўзим - қизим.



Жаббор ЭШОНҚУЛ

# КАФКА ВА БИЗ



Мен бизда том маънода модернистик асарлар ёзилиб, уларнинг мактаблари шаклланди деган тасаввурдан тамоман йироқман. Бироқ ҳар қандай бадиий асар турлича нуқтаи назардан таҳлил этилиши лозим. Бир пайтлар устоз Талъат Солиҳов Одил Ёқубовнинг “Улугбек хазиначиси” романи ҳақида сўз юритиб, уни Фрейд ва Кафка асарлари билан боғлаб таҳлил қилишга ҳаракат қилганди (ЎзАС 1991 йил 1 февраль, 3-бет). Бир қарашда ўзбек романидаги Абдуллатиф образи билан Кафка асарлари қаҳрамони ўртасида ўхшашлик борлиги бир оз ҳақиқатдан узокдай туюлади. Лекин инсоннинг руҳий кечинмалари ҳақида сўз борар экан, ўхшашлик бўлиши ҳам табиий.

Бироқ, шу ўринда мен Кафка ўзи ким, унинг ижоди бизда бот-бот таъкидлашаётгандай “зарарли”ми деган саволга жавоб бериб ўтиш лозим деб ўйлайман. Ҳақиқатдан ҳам биз Кафкани қанчалик биламиз? Менимча, бу саволга жавоб бериш Кафканинг ижоди каби анчайин мушкул ва мураккаб. Кафкани англашнинг бир қанча муаммолари бор. Биринчидан, айрим кичик ҳикояларини ҳисобга олмаганда унинг асарлари ҳали тилимизга тўлақонли таржима қилингани йўқ. Иккинчидан, Кафка ижоди махсус ўрганилмаган ва умуман унинг асарлари таҳлилига бағишланган тадқиқотлар деярли йўқ ҳисоби. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак Кафка бизга ҳамон “беғона” лигича қолмоқда.

Кейинги пайтларда Кафка сингари ёзувчиларнинг ижодини ўрганиш шарт эмас, бизнинг ахлоқимизга ёт ва улар ўрганишга арзимади, деган “ҳукм”лар ҳам янграмоқда. Менинг назаримда аввало унинг арзимаслигини аниқлаш учун ҳам, аввал уни ўрганиш зарур. Ростини айтганда биз ҳамон ғарб адабиётига нисбатан “совуқ уруш” муносабатидан нарига ўта олмаяпмиз. Буни шундай ҳолат билан изоҳлаш мумкин: биз ҳануз социалистик реализм деган тафаккур доирасидан четга чиқа олмаяпмиз. Ҳалигача ғарб адабиётини яхшироқ билмаймиз ва билишга ҳаракат ҳам қилмаяпмиз. Қизиқ, ўргансак кимга фойда-ю, кимга зиён?

Кафка ёхуд бошқа ғарб ёзувчиларини ўрганиш биринчи навбатда бизнинг ўзимизга керак. Унинг ижодини ўрганар эканмиз у яшаган давр ва у мансуб оқим ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишимиз шарт. Қийин оилавий шароит, жамиятдаги парокандалик, маънавий таназул—булар барчаси ёзувчининг бадиий дунёсига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун Кафка асарларида инсонларнинг жонсиз, ҳиссиз мавжудотларга айланиб қолиш хавотири биринчи даражали аҳамият касб этади.

Кафка ижодини ўрганишда икки жиҳатга эътибор қаратиш зарур: булар ёзувчининг кундаликлари ва афоризмлари. Кафканинг йирик асарлари калити аслида

унинг кундаликлари ҳамда афоризмларида сақланиб қолган. Нега? Чунки Кафканинг афоризмлари унинг йирик асарларининг юзага келишига замин бўлган. Янаям тўғриси, Кафка олами унинг афоризмларидан бошланади.

Кафканинг афоризмлари ҳаёт ҳақидаги кескин хулосаларидир. Бу хулосалар қанчалик аччиқ бўлмасин, у ҳақиқатдир. Адиб ўз асарларида гўё динни инкор қилаётгандай туюлади. Роман ва повеллаларида гуноҳга ботган инсон қисматини бор бўйи басти билан тасвирлайди. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар Кафкани атиест сифатида тадқиқ этишга ҳаракат қиладилар. Бу фақат юзаки қараганда шундай. Кафка афоризмларида Илоҳий сўзга ишонч бор. У сўз инсонни халос қилишига ишонади. Бу йўлда эътиқод муҳим эканига алоҳида урғу беради.

*Инкор ва Иқрор.* Кафка ижодини мана шу икки тушунча бирлаштириб туради. Ҳатто буни “Отамага мактуб”ларида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзига бўлган ноодил муносабатдан қанчалик азият чеккан бўлмасин, сиз унда Кафканинг отасига бўлган меҳр-муҳаббатини ҳис этасиз. У ўзининг бошқа асарларида ҳам алал оқибат Инкордан сўнг Иқрор келишини таъкидлайди. “Ҳамма ҳам ҳақиқатни кўра олмаслиги мумкин, бироқ ҳар бир инсон ҳақиқатга айлана олади” дейди у. “Ижодкорлик, - деб ёзади бир ўринда у, - бу эътиқодда синалишдир”.

Ибодат- ижодга чоғланган инсон бу энг аввало ўзини ўзгартиришга, биринчи навбатда қалб ва руҳият мусаффолигига шайланган инсондир. Ижод-ибодатдан сўнг у ўзгармас, қайсидир даражада янгиланмас экан, демак унинг ибодати самимий эмас, қолган барча гаплар беҳуда ва ортиқча гаплар бўлиб қолаверади.

Кафка сўниб бораётган ишонч ва умидлар харобасидан чинакам эътиқод излайди. Ўзидаги иккиланишлардан, шубҳа - гумонлардан, ожизликдан азият чекади. Бироқ у: “Ижод бу ибодатдир” деган қатъий бир хулосага келадиги, бу унинг ижодининг ядросини ташкил қилади. Кафка ижоди, бадиияти, тилда, услубда ўзига хослиги, мазмун —моҳияти билан исбот талаб қилмайди.

Кафка фашизм балосини кўришга улгурмади. Бироқ у шундай хавф борлигини олдиндан ҳис этди. Ҳар қандай ёвузлик замирида эгоизм- манманлик туришини у ўз асарларида бадиий тасвирлаб берди.

Кўпчилик тадқиқотчилар Кафкани пессимист сифатида таърифлашади. Шу ўринда Шарқ мутасаввуфларининг таълимоти ёдга тушади. Хўш уларнинг асарларини ҳам биз пессимистик кайфият маҳсули дея оламизми? Йўқ албатта. Менимча, улар чуқур руҳий жараённинг кўринишларидир.

Кафка асарларида кўпроқ Зулмат, Кўрқув, Бўшлик ва номаълумликнинг манзаралари тасвирланади. Мақсад



инсонни даҳшатга солиш эмас, балки инсоннинг ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборатдир. Инсонга, унинг қалби ва руҳиятига бўлган ишонч Кафка ижодининг асоси ҳисобланади.

Адашиш инсонга қисматдир. Адашиш ва қийинчиликлар аро ўзига йўл топиш инсоннинг вазифаси ва бурчидир. Инсон ҳеч ким ва ҳеч нарса олдида бош эгмаслиги зарур. Мағрурлик инсон эркинлигининг кафолатидир. Бироқ мағрурлик ва манманлик бошқа-бошқа тушунчалардир. Манманлик инсонни мутелик сари етаклайди, мағрурлик эса юксакликка.

Бир вақтлар “Ёшлик” журналида чоп этилган Кафканинг “Ҳазо колонияси” ҳикоясида инсон ўзи яратган машина олдида қулдир. Сиртдан қараганда инсон ўзи яратган қурилма олдида ожиздек туюлади. Ҳақиқатдан ҳам инсон ўзи яратган кашфиётлари билан ўз келажагини ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйди. Бироқ у ўз ақли ва қалбига бўйсунса ҳар қандай тўсиқни ҳам енгишга қодирдир. Ўз қалбига қулоқ солмас экан ўзи яратган машина-фожеанинг қурбони бўлиши тайин. Бироқ Кафкада инсон қудратига бўлган асов бир ишонч сезилиб туради. “Очлик устаси”, “Ҳазо колонияси”, “Эврилиш” — булар энг аввало инсон бардошининг синовларидир.

“Эврилиш”да ғайриоддий воқеа ҳикоя қилинади. Ўқувчи бошида унчалик ишонгиси ҳам келмайди. Бироқ ҳикояни ўқиш давомида ёзувчи услуби тобора ўзига мафтун этади ва сизни воқеликка ишонтира олади. Ҳикоя қаҳрамони Грегор Замза эрталаб уйғониб ўзининг ҳашоратга айланиб қолганини кўради. Адиб бу ғайриоддий воқеани шунчалар маҳорат билан ҳикоя қиладики, ундаги арзимаган кичик бир нуқта ёки ҳаракат ҳам эътибордан четда қолмайди. Грегор Замзани кўпроқ унинг мана шундай ҳолати эмас, балки ишхонадаги хўжайини қандай деб тушуниши қизиқтиради. Эшикнинг ёпиқлиги, Ташқаридагиларнинг, ота-онаси, сингилларининг унинг тилига тушунмаслиги барча-барчаси рамзий маъно кашф этади.

Бу асар кўпроқ қадим эртақ ва мифларни ёдимизга солади. Эҳтимол шунинг шунинг учун ҳам эртақ ва мифлар Кафка асарларига калит топиб бериши бежиз эмасдир? Зеро “Эврилиш”даги воқелик эртақлардаги воқеликка ўхшаб кетади. Қайсидир таъбуни бузганлиги учун махлуққа айланиб қолган йигитни фақат бир нарса: ў инсон севгиси-муҳаббат кутқара олади. Кафка ҳам ўз асарларида инсонларнинг бир-биридан узоқлашиши ҳалокатли эканини ургулайди.

“Жараён”да бу муносабатлар янада ҳалокатли эканлиги, бунинг учун инсон ўз қалби ва виждони олдида жавобгар эканлиги таъкидланади.

Йозеф К. ҳашоратга айланмаган. Бироқ унинг ҳаёти ҳеч бир аҳамиятга эга эмас. Тушунуқсиз. Чунки у ҳам бошқаларни англашга, тушунишига қодир эмас. Атрофидаги олам-одамлар билан унинг яқинлик риштала-

ри узилиб, бегонага айланган. Роман сўнгида ўлими олдида қаҳрамон “худди ит каби” ўлим топганини эътироф этади. Яъни у беъмизун ҳаёт кечирганини, на дўст, на бирор аёл билан самимий муносабати бўлмаганини, севги-муҳаббат тушунчалари унга буткул бегона эканлигини англаб етгандек бўлади.

Албер Камю “Жараён” ҳақида фикр юритиб, “Ақл фожеаси воқеликка кўчирилганини» таъкидлайди.

Кафканинг бошқа асарларида даҳшатли суд жараёни қаламга олинади. Бу жараён энг аввало инсон ўзлигини унутган дақиқалардан бошланганига эътибор қаратади. Инсон ўзлигини, қалбини унутганда у фожеалар гирдобига қолади. “Тўйга тайёргарлик”да суд, ҳукм ҳақида гап йўқ. Лекин қўрқув ва ваҳшат сахнаси унда ҳукмронлик қилади. Бу сахна “Ҳукм”га ўтиш учун таёргарлик, бўсага вазифасини ўтайди.

“Ҳукм”да ўз фожеасини англаган қаҳрамон ўзига ўзи

ҳукм ўқийди. Тўғрироғи, Ҳақиқатга юзма-юз келганда у ҳукмини қабул қилишдан бошқа чораси қолмайди. Инсон олпий мақсад ва эзгу туйғулар билан яшайди. Мақсад йўқолган кундан бошлаб унинг ўлими — ҳалокати ҳам бошланади. Ёлғон-яшиқлар қанчалик улғу бўлмасин у ҳалокатни яширишга қодир эмас. Бу азалий ҳукмдир. Ҳикоя қаҳрамони хорижда яшаётган дўсти борлигига, у билан ҳаёт ёзишиб турганига қайлиғини ҳам, отасини ҳам ишонтирмоқчи бўлади. Бироқ отаси ҳаммасидан — дўстининг уч йил олдин вафот этганидан хабордор эди. Фожеа шундаки, у ўзини ўзи алдаб яшаб юрган, аллақачон отаси учун ҳам, дўсти ва бошқалар учун — бегонага айланиб бўлган, тўғрироғи у ўзига ўзи аллақачон ҳукм ўқиб қўйганди.

“Жараён”да Йозеф К. ўзини нима учун суд қилаётганини тушунмайди. Тўғрироғи, у бунга интилмайди ҳам. Муҳит уни ана шундай қараёт қилиб қўйган. У ҳеч ким-

ни севишга ҳам қодир эмас. Унинг Бюрстнер хонимга бўлган муносабати ҳам тушунуқсиз. Овқаталана туриб тасодифан уч йилдан буён онасини кўрмаганлигини эслаши, ҳаётидаги мана шундай тушунуқсиз, маънисизлик ва совуқ муносабат унинг фожеасидир. Аслида бундан-да улканроқ фожеа бўлиши мумкин ҳам эмасди. Кафка ўзини қийнаган, ўзида ҳис этаётган туйғуларни қаламга олган, инсонларнинг бир-бирига бегоналашувидан-да улканроқ фожеанинг ўзи йўқлигини бадий идрок этишга ҳаракат қилган эди.

Кафка асарларидаги яна бир хусусият у худди туш кўраётганга ўхшайди. “Жараён”да ҳам, “Қўрғон”да ҳам қаҳрамон гўё туш кўраётгандай, ҳозир беҳос уйғониб кетадигандай туюлади. Худди тушдагидек бу асарларда ҳам макон ҳам, замон ҳам, реал воқелик ҳам йўқ. Барчаси худди тушдаги каби рамзий мазмун кашф этади. Кафка асарларига тушлар йўл очиб беради.

Эрих Фромм “Жараён”ни таҳлил қилар экан, унга худди туш каби тимсоғлар тилида ёзилган, улкан бадий



асар дея баҳо беради ва “Бу романи тушунуш учун, - дея давом этади у, - худди макон ва замондан ҳоли бўлган узун, мураккаб тушни кўраётгандай тасаввур қилиш керак”.

Альбер Камю Кафка асарлари ҳақида фикр юритиб: “Жараён”да адиб тахлис кўйида, “Кўрғон”да эса уни даволайди, дейди. Ҳақиқатдан ҳам “Жараён”да К. умрининг охиригача ўзининг жамиятга ётлигини илғашга қодир эмас. “Кўрғон”да эса К. биринчи навбатда ўзи бегона бўлган жамият билан тил топишга ҳаракат қилади. Кафка асарларидаги совуқ, қарахт персонажлар асида ўзларидаги инсоний туйғулардан масуво бўлган кишилардир.

Ҳар бир асар бу ижодкорнинг дунёга янгича нигоҳидир. Бу нигоҳ қанчалик теран ва сержило бўлса, шунча яхшидир. Кафка ўз асарларида ҳаётдаги оддий ва ғайриоддий, мантиқли ва номантиқли, умумий ва хусусий, қулгили ва фожеавий ҳолатларни қиёсий планда берадики, бу ҳолат Камю айтганидек Кафка асарларига ўзига хос оҳанг ва мазмун бағишлайди.

“Кўрғон”да ғайриоддий воқеалар эмас, кўпроқ кундалик воқеалар биринчи планда тасвирлангандек туюлади. Барибир иш юритувчи К.нинг кўрғонни излаши, бу йўлда унинг самарасиз ҳатти-ҳаракатлари ҳикояга ғайриоддийлик бағишлайди.

“Кўрғон”да асар қаҳрамони иш юритувчи К. махсус топшириқ, яъни кўрғондаги ишларни юритиш учун ташриф буюрган. У “кўрғон” яқинидаги унга нотаниш бўлган овлоқ бир қишлоққа тунда етиб келади ва ноилож шу ерда тунаб қолишга мажбур бўлади. Унинг вазифаси кўрғонга етиб бориб, ўз ишига киришиш. У бир неча бор шу қишлоқда туриб кўрғондагилар билан телефон орқали гаплашади, улардан кўрсатмалар олади. Бирок ҳар қанча уринмасин у кўрғонга йўл тополмайди. Унинг ҳар галги ҳаракати бесамар кетади. У бундан тушқунликка тушмайди. У ўзида яна ва яна куч топиб, мақсад сари интилаверади. Охирида маълум бўладики, қишлоқдагилардан ҳеч ким кўрғонни кўрмаган, умуман кўрғонда ҳеч қанақа телефон ҳам бўлмаган.

К. ҳар тонг кўрғонни топиш илинжида йўлга чиқиб, кечқурун яна ўша жойдан чиқади. Эртасига у яна шу тахлит изланишларни давом эттиради. Дастлаб бегонасираган, ундан ётсираган қишлоқ аҳли тобора унга яқинлашиб, оқибатда уни ўзларининг одамлари сифатида ҳисоблай бошлашади. К. инсонлар билан муносабатни тиклашга, ўртадаги бегоналикни йўқотишга ҳаракат қилади. Зеро у кўрғонга йўл қишлоқдаги инсонлар қалби орқали боришини билади. Бора-бора К. шу қишлоқдан кўнним топиб, ҳамма одамлар билан бақамти яшашни орзу қилади. Шу сабабли ҳам “Жараён”даги Йозеф К.дан фарқли ўлароқ унинг қишлоқ аёлларига, айниқса Фридага бўлган муносабати самимий. У қалбида Фридага улкан бир Соғинччи ҳис этади. Кафка наздида инсон умрининг мазмунини мана шундай соғинч, оддий инсоний муносабатлар ташкил этади.

Кафка ким эди? Кўпгина ижодкорларда бўлганидек, ҳаётда бошқа, ижодда бошқа қиёфада эдими? Ижодкор Кафка билан шахс Кафка ўртасида тафовут бормиди

деган саволнинг туғилиши табиий. Кафка қандай яшаган бўлса, ижодда ҳам шундай бўлишга ҳаракат қилди. Унинг ҳаёти ҳам, ижоди ҳам қанчалик мураккаб бўлмасин ёлғондан ҳоли эди. У шахс сифатида атрофидаги зулмга, зўрликка, адолатсизликка қарши тура олди, ўз ақидалари ва ўз виждонига содиқ қолди. Кафка ўз ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини курашиб, енгиб олди.

Вақт – тараққиёт ҳаммаша улкан машинага айланиб, инсондаги эзгу хислатларни янчиб ташлашга ҳаракат қилади. Хўш, инсон қандай ўзини сақлаб қолиши мумкин? Кафка асарларида бунга жавоб бор—Инсон бир-бирига меҳр-муҳаббатли бўлиши, инсоний туйғуларни йўқотмаслиги лозим.

*Ёрим тўши беқасам,*

*Ёқасига гул солсам, -*

дейлади ўзбек халқ кўшиқларидан бирида. Хўш, бу кўшиқнинг Кафка асарларига қанчалик алоқаси бор? Юзаки қараганда ҳеч қандай. Лекин моҳият эътибори билан ушбу ва бошқа кўйлаб кўшиқларимиздаги мазмун билан Кафка асарларидаги мазмун бир-бирига яқин эканлигини кўрамиз. Биринчидан, ҳар икки ҳолатда ҳам моҳият рамзлар тилида баён этилган. Рамзлар тили эса Фромм айтганидек, барча халқлар учун хос ва ҳамма билиши шарт бўлган умумий тилдир. Қолаверса кўшиқдаги куйланаётган гул оддий гул эмас, ёрини бало-қазолардан асрайдиган ҳомий- қалқондир. Шунинг учун ҳам эртаси ва дostonларимизда гул кўп куйланган. Гул нафақат фольклорда, умуман адабиётда энг мукаммал поэтик образдир. Гул ҳаммаша поэтик матида аёлнинг эквивалентидир, аёл ҳаммаша қаҳрамоннинг муроди, қалби, руҳияти, ўзлиги, “мен”лигининг тимсолидир.

“Эру хотин кўш хўкиз” деган мақол бор халқимизда. Нақадар содда ва чуқур фалсафий мазмунга эга. Гап бу ерда нафақат турмушнинг оғир ва енгилликларига барабар жавобгарлик, балки энг аввало жуфтлик бу Мавжудликнинг биринчи шартидир, тараққиёт қонунидир. Фожеалар эса шу жуфтлик қонунияти бузилган жойдан бошланади. Эракнинг аёлдан узоқлашуви, яъни азалий жуфтдан айрилиши бу унинг келажигидан, “ўзлиги”дан айрилишидир. Бу жамиятдаги парокандаликнинг бошланишидир. Инсонларнинг бир-бирдан узоқлашиб, ётлашувидан кўра улканроқ фожеанинги ўзи йўқ.

Кафка асарларига шу тахлит ёндашсак ундан маҳумлик пардалари кўтарилиб, бизга тобора тушунари бўла боради. Ҳатто буни бирор бир ғарб ёзувчиси ёзганига ишонгингиз келмай қолади. Гўё халқимизнинг қадим мифларини бизга Кафка XX аср воқелигига кўчириб қайта тақдим этаётгандай туюлади.

Кафкани натуралист, модернист, экзистенциалист, реалист сифатида ҳам таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Кафка ижодининг серқирраллиги ҳам шундаки, у турлича нуқтаи назарлардан таҳлил қилиш имконини беради. Кафка қанча ўрганилмасин, у яна сирлиликча, жозибдорликча қолаверади. Сехрли бир оҳанрабодек китобхонларни ўзига чорлаб, инсон матонати, буюклиги ва теранлигидан сабоқ беради.



Баҳора БАҲРИДДИН ҚИЗИ

# СИЗНИ ДЕСАМ ЮРАГИМДА МЕҲР ТОШАДИ



Баҳора Баҳридин қизи (Шодмонова) 1972 йилда Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги ҳозирги Дўстлик жамоа ҳўжалигида туғилган. 1997 йилда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтини битирган. “Баҳорга талпинган юрак” номли шеърлар тўплами “Зарафиюн” нашриётида чоп этилган. “Ёшлик”да илк бор чиқиши.

## ЖОМБОЙ

Юрт соғинчи кўксимда тўлиб,  
Балқиганда кўзимда чирой.  
Олислардан сенга термулиб,  
Қучоғинга интилдим, Жомбой.

Кўчаларда отам изи бор,  
Онажоним алласи унда.  
Эй, мен учун қадрдон диёр,  
Рухим сенда, вужудим сенда.

Гўдаклигим, шўхлигим саси,  
Гул атридай таратар бўйин.  
Сенда меҳр, оқ сут нафаси,  
Сенда, юртим, хаёл ва ўйим.

Узновулнинг боғлари аро,  
Болалигим кезиб юради.  
Тушларида ҳауз Баҳора  
Баланд шохда олма теради.

Полвон ариқ бўйларидаги  
Булоқларни кўмсайди дилим.  
Қани яна ёш бола бўлиб,  
Булоқ кўзин очиб кўйсайдим.

Мен бағрингда ўсган бир гнёҳ,  
Талшанаман сенга, эй чаман.  
Несиқ бағринг соғиндим, қишлоқ,  
Кўчаларинг соғиндим, Ватан.

## БАҲОР СОҒИНЧИ

Дала узра изғирин, бўрон,  
Юрагимни совуқ ялайди.  
Танам узра-озурда бу жон,  
Баҳор гулларини кўмсайди.

Дарахтлар ҳам хаёл суради,  
Бошларини чайқатиб тез-тез.  
Тушларимга баҳор киради,  
Эриб кетиб табиатда муз.

Ана, ана, ям-яшил гилам,  
Гул-қўқатлар ястаниб ётар.  
Сувнинг ширин жилдираши ҳам  
Юракда шеър, қўшиқ уйғотар.

Сочларига гул-чечак қадаб,  
Пиданалар терибди қизим.  
Саватчасин менга узатиб  
Турган дамда уйғониб кетдим.

Далаларда изғирин, бўрон...

## ПАЛАХМОН ТОШ

Туғилган ўз юртида мазори бор йилитнинг,  
Элу хеши уруғи, бозори бор йилитнинг.  
Қалбингизни қоралаб айтай дардли сўзларни,  
Юрти, мазори қаер узатилган қизларининг?

Лоғли кўча қадрдон, йилит қалбада йўқ армон.  
Хоҳласа эли учун икки кўлида эҳсон.  
Ўзга жойда, ўзга уй, ўзга кўнгилни топиб,  
Ў, ўз уйи бўлгунча қизлар юрар мунғайиб.

Дийдор тортса вақтида яқинларин соғиниб,  
Бориб кўролмасалар кўнгли қолар оғриниб,  
Учратганда юртдошин улар қандай суюнар,  
Азиз қадирдонини кўргандайин туюлар.

Ҳатто ўзгартирмаслар тил-шеवासин нечаси,  
Само билан сирлашар ой тўлишган кечаси.  
Оғайинлар йўқлангиз улар қутар сизларни,  
Унутмангиз олисдаги “Палахмон тош” қизларни.

## БЕГИМ

Севги ҳаё, сеvgи вафо, орму ўзи,  
Бу юрагим ишқингизга зорми ўзи.  
Сиз бепарво, мен бепарво юргандаймиз,  
Бегим, сизни мендай севган борми ўзи?

Сизни десам юрагимда меҳрим тошар,  
Ҳали-ҳали ақлим шошар, ҳушим шошар.  
Сирингиз ҳам, бегим, сизга ҳўб ярашар  
Бегим, сизни мендай севган борми ўзи.

Кўнглим гулдир, солланди ундан фиरोқ  
Орзуларим нурдай ёрқин, қордай оппоқ.  
Хлиёнатни кўтаролмас кўнглим бироқ,  
Бегим, сизни мендай севган борми ўзи.

Тилганимдан аччиқ-чучук сўзим учди,  
Юрагимга меҳр тушди, армон кўчди.  
Гул ниғоҳим сизга тушди, сизга тушди,  
Бегим, сизни мендай севган борми ўзи.

## ОНАЖОН

Юрак соғинчлардан қийналган замон,  
Титраб кетар экан ҳаттоки осмон,  
Қадрингиз ўртади қалбимни ёмон,  
Кўргим келиб кетди сизни, онажон.

Кичкина жуссангиз бағримга босиб,  
Меҳрим ҳада этсам тўлиб ва тошиб,  
Сиз томон чопади хаёлим шошиб,  
Кўргим келиб кетди сизни, онажон.

Талпинган қаёбам сиз, давлатим, шоним,  
Бўйимда туморим, тандаги жоним,  
Энг катта қувончим ҳам ифтихорим,  
Кўргим келиб кетди сизни, онажон.

“Узновул - қишлоқ номи

Уйғун РЎЗИЕВ



# ҚАДР КЕЧАСИ

Қисса\*

Яйловга етгач, чанг босилди. Эшагини сигирлар орасига қўшиб, ўзи пиёда келган Баҳром бир-икки депсиниб, уст-бошини қоқди. Камзулини ечиб, ҳали шуринги парланиб улгурмаган ўтлар устига уриб, чангини тозалади. Эшакнинг устига ортилган хуржунни олиб келиб, ундан муздеккина сув тўлдирилган бидончани чиқарди-да, бир-икки қултум сув ичиб қониқди. Сўнг ўтлоққа узала тушиб, хуржунга ёнбошлади.

Тонг қуёши нур сочар, ҳар замонда кўкда сузиб юрган паға-паға оқ булутлар кўзга ташланиб қоларди.

Чўпонлик қийин иш эмас-у, аммо одамларнинг паст назар билан қараши ёмон-да.

Молбоқар бўлиш Баҳромнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Карим оқсоқол қўймади.

— Уйда йиғлаб қоладиган ёш боланг борми? — деди оқсоқол шартта-шартта кесиб. — Шундоғам бекор юрибсан. На ўзингнинг топиш-тутишингда тайин бор, на хотинингнинг. Қишлоқнинг молини боқсанг, рўзгоринг беминнат ўтиб туради. Зориқмасанг, ҳеч кимдан кам бўлмайсан.

Карим оқсоқол бир нарсани билмаса гапирмайдиганлар хилидан. Баҳром иккилана-иккилана чўпонлик таёғини қўлига олгач, ҳамёни бирозгина пул кўргандай бўлди. Бир неча йилдан бери иши юришмай, рўзгоридан барака кўтарилиб, ғарибликда кун кечирганидан ўзини анча олдириб қўйган эди. Эр-хотин бир сўм пулни қаердан топишни билмай бошлари қотар эди. Кўй-эчкилар билан бирга уйдаги бир нечта буюмларни ҳам сотиб юборишди. Биттаю-битта сигирини Малоҳатнинг оёқ тираб туриб олиши туфайлигина сақлаб қолишди.

Кун бўйи поданинг орқасидан чанга қоришиб юришни эътиборга олмаганда чўпонлик ёмон эмас, ҳар ҳолда камбағалнинг рўзгор тебратишига ярайди. Бутун қишлоқдаги одамлар эрта тонгда сигирларини подага қўшиб кетишади. Баҳром уларни кечгача яйловда ўтла-

тиб қайтиб келади. Қишлоққа қайтгач, сигирлар ўз уйлари топиб боришади.

Аммо бу иш Малоҳатга сира ёқмади. Дод солиб йиғлаб ҳам олди:

— Мен эрга тегаётганимда қаёқдаги бир чўпонга тегаман, деб ҳеч ўйламаган эдим. Раҳматлик отангиз сизни кўкларга кўтариб мақтаган эди ўшанда. “Ёлғиз ўғлим, ҳали катта-катта ўқишларда ўқитиб олим қиламан. Вақти соати келиб бошида шляпа, бўйнида галстук, остида машина бўлади, ҳамма унга эгилиб салом берадиган бўлади. Кўлидан ҳамма иш келади. Рассомликни ҳам қойиллатиб қўяди”, деган эди. Мен ҳам, онам ҳам чиппачин ишонибмиз. Қани ўша шляпа, галстук? Машина тугул эшак ҳам олганингиз йўқ-ку. Манави эшак ҳам қўшнинг омонати. Отангиздан қолган биргина велосипед бўлса жингалаги ёрилиб ётибди. Битта жингалакни эпловмайсиз. “Одамлар эгилиб салом беради” эмиш. Эгилиб салом берсангиз алик олишмайди-ю. Отасиз ўстан бўлсам ҳам ҳеч нарсдан зориқиб яшамаган эдим.

Асаблари таранглашган Баҳром ҳам ёрила кетди: — ? Бошқа замон эди. Қимматчилик бўлмаган. Энди замон бошқа. Галстук тақаманми, бўйнимга икки қулоч арқон боғлаб юраманми, биров сен авлиё экансан демайди. Агар жудаям ўша армонинг ушалишини хоҳлаётган бўлсанг, майли, эртагаёқ бозордан шляпа билан галстук сотиб оламиз. Қўлтиққа қизил папкани қистириб олиб, эшакнинг устида подани ҳайдаб кетаверамиз-да. Папканда нима бор, дейишса, сигирларнинг руйхати бор, дейман. Оқ қўйлагимни ҳам яхшилаб ювиб қўй.

Малоҳатнинг аламзада бўлиб, ўпкаси тўлиб келётганини сезиб, Баҳром овозини пастлатди.

— Биламан, сенга совчи қўйганлар кўп эди. Уларнинг айримлари ҳозир гижинлаган “Нексия” ҳам миниб юришибди. Балки уларни кўрганда, негаям ўшаларга тегмабман, деб афсусланиб ҳам юргандирсан. Аммо вақти келиб биз ҳам яхши яшаб кетсак керак. Энди “отанг

\*Журнал варианты



бозор, онанг бозор бўлиб қолди. Бу шароитга мослашиб олишга улгурган эгичилларнинг ошиги олчи, Биз ҳам мослашиб кетамиз. Отанг тирик бўлганида эҳтимол олим ҳам булардим.

Яна эски ашуланизи бошладингиз. Нима, ух-лаясизми? Эки миангиз тухтаб қолганми? Қачон миангиз ишлаб кетади-ю, қачон яхши яшаймиз? Майли, булар иш бўлди. Пешонамга сиз езилган экансиз, сизга тегдим, уша пайтларда ҳалеб пул ҳақида суриштириш, уйлашга одамлар уялар эди. Аммо бугун пул ҳақида уйламай буларканми. Ошиб-тошиб, тиллага кумилиб яшайлик демайман. Кеч бўлмаса рўзборни тебратиб туриши-миз керак-ку. У қўшнидан бир тобора ун қарздорман, бу қўшнидан туз, унисидан гуғурт... қачонгача қарзга, бировларнинг ҳисобига, қисниб, зориқиб яшаймиз?

Шунинг учун ҳам чўпонлик қилишга мажбур бўлдим-да.

Хозирча майли, мол боқиб туринг-у, аммо тезроқ уйлаб кўриб, кийимларингиздан тунг ҳиди анқимайдиган, одамлар бурнини жиририб, жирканиб, наст назар билан қарамайдиган бирорга тозароқ бошимизни тик кутариб юрадиган юмуш топинг. Сардор ҳам катта ишти бўлиб қолди. Олтинчи синбда уқияпти. Сиз уйлаб уйингизга етунингизча вояга етиб қўяди. Уйлантириш таралдуига тушиб қоламиз. Чўпоннинг унлига ким қизи-ни беради. Ҳеч бўлмаса шу енгиз улимизни обрўли одам қилайлик. Ахир, Қўлингиздан ҳамма иш келади-ку. Биноидеккина расмлар чизиб, мактабларни, кучаларни безаб, мақолимий, алланималарни матога езиб пул топар эдингиз-ку.

Ушанда ҳам баданингиздан буюк ҳиди анқияпти, деб норози булар эдинг.

Қўверинг энди норози бўлмайман, тунг ҳиди-дан буюк ҳиди анча яхшироқ экан. Молбоқардан кура чизмақаш деганлари маъқул экан энди билсам.

Моллар утлаб юриб, анча узоқлаб кетибди. Баҳром эринибгина урндан турди-да, елкасига хуржунини ташлаб, уша томонга юрди. Подага яқин бориб, яна майса-лар устига чўзилди. Камзулининг чўнтагидаги радиопр-емникнинг кўлогини бураб, майса юлмоқчи бўлган эди, бехосдан чўмониларга кўзи тушди. Иккита чўмон бир-бирига ола оёқларини кутариб, гуё кураш тушмоқчи-дек ҳаракат қилишарди. Улар нима қилишаяпти? Жан-жаллашаяптими? Йулдан қоч, деб бир-бирини дўппос-лаётгандир-да? Қаранг, шу беподен дунёга иккита чў-мони сигмай қолибди. Шошма-чи, балки улар эр-хотин-дир? Уст-бошиндан тунг ҳиди келаяпти, деб хотини жирканаётгандир-да.

Баҳромнинг яна боши гувиллади. Хаёлидан Мало-хатнинг ҳар кўни эрталаб мингиллаши, кеч қурун тоғо-раю челақларни асабий тарақлатиб, қарганиши кет-май қолди. "Хамманинг хотини шундай қилармикан-а? Нега Малоҳат фақат совуқ тапиралдиган бўлиб қолди? Илгари бунақа эмасди-ку. Эки мен сезмаганмидим? Фа-қат ширин таплашар эдик шекилли. Қаёқданам чўпон бўлдим. Шу ишим унга ёқмади-ёқмади-да. Озроқ чидаб турса булармиди! Хўрлиги келади-да. Ахир, у қишлоқ-нинг энг гузал қизларидан эди, харидори озмунча эди-ми... Чўпонлик вақтинча эрмак. Тезроқ турмушини унглашинг бирор чорасини топишим зарур"

Баҳромнинг оёқлари эзилди. Шундоққина ҳовли су-пураётганида тупроқнинг тагидан синган ойна бўлаги қиқиб қолди. Олиб бир четга отиб юбормоқчи бўлди-ю, бехосдан унда уз аксини кўриб, тикилиб қолди. Қўйла-гининг этаги билан ойнани эҳтиётлаб артди-да, юзига яқинроқ олиб келди. Қари аёлга кўзи тушгандек сеска-ниб кетди. Шунда тошойна олдига бормаганига ҳам анча вақт бўлганлиги эсита тушди. Синиқ кўзгунга бир четга

Малоҳатнинг юраги эзилди. Шундоққина ҳовли су-пураётганида тупроқнинг тагидан синган ойна бўлаги қиқиб қолди. Олиб бир четга отиб юбормоқчи бўлди-ю, бехосдан унда уз аксини кўриб, тикилиб қолди. Қўйла-гининг этаги билан ойнани эҳтиётлаб артди-да, юзига яқинроқ олиб келди. Қари аёлга кўзи тушгандек сеска-ниб кетди. Шунда тошойна олдига бормаганига ҳам анча вақт бўлганлиги эсита тушди. Синиқ кўзгунга бир четга

ташлади-да, унга кириб, деворда босимлик турган кўзгу-га яқин борди. Гуё ҳозир уни биров кўрқитиб юборадиган-дек эҳтиёткорлик билан кўзгунга тикилиди. Қовоқлари остига ажин урмалабди. Румолини ечган эди, сочлари ҳам рангини йуқотгаддек туюлди. Хўрлиги келиб кетди. Ахир, умр шафқатсизларча утиб бораётти! Кечанинг па-рилардек қалди қомати. Ҳусни-лабофати билан қанча-қанча ийигларни тентак қилиб юрган эди. Турмуш юки бошига тушганига ҳам ун тўрт йилча бўлиб қолди. Ҳам-ма нарса утқинчи эҳайлигини у энди тушунга бошлади.

Малоҳат ойнага тикилганча уйланиб қолди. Хаёли-да сочларини чиройли турмақлаб, диқ билан пардоз қил-ган бўлди. Қошлари терилган, кўзларида сурма лаб-лари бўлган, қўлоқларида кичкинагина, жимжимдор-гина тилла зирак товланиб турибди. Аввалидан ҳам туза! Уни қурган эркакларнинг эси оғиб қолгани таяни. Баҳ-ром-чи? Баҳром акага нима бўлиб қолди-а? Уйлади Малоҳат. Ҳали куч-тайрани, ақл-фаросати бор олам чўпон бўлиб юрибди. Эки менга ошиқ бўлиб, етишол-маганларнинг бирортаси фолбитга уқитиб, дубоибад қилиб ташлашимикан? Уйимизда ҳам юзимизда ҳам байз қуринмай қолди. Оқ сочу ажиллар насл-насабинини ҳам, исми шарифинини ҳам суриштириб утирмай бир-бир қунаверар экан-ку. Қўзон товоқ кутариб ҳам, поданинг орқасидан суралиб ҳам умрни утказиб юборавериш мумкин. Лекин қаергача борамиз, ишамокдан мазмун нима?

Зулайхо келиб қолди, шарақлаб қулиб юборма-нида ким билди. Малоҳат ойна олдида яна қанча ту-рар эди. Қўннисининг кўлисидан чўчиб тушган Мало-хат ёқасига туф-туфлаб қўйди.

— Хой, Малоҳат, эшитингизми? Сайраш кетди Зулайхо. Қўмриларнинг уйи қушибди.

— Қайси Қўмри, нега қушибди?

Қўлман такафурушининг келини-чи. Эсингизлами, туй-мавракага борса ҳам Қўмрининг оёғидан тешик шиппаги тушмас эди. Ушанинг эри утган кўзда бирла-нига бойиб кетган эди. Ҳаммага, утиншика йиқитаёт-ган толимизнинг тагидан бир ҳовуч тилла топиб олдик, деган эди. Ана тилла си чиқиб қолди-ку. Қанақа тил-ланиги ана энди ҳаммага ошкор бўлди. Вой, нашафу-рушлик қилиб юрган экан! Мана оқибати кеч қўлга тушибди. Қўмрихоннинг кийгани зар бўлиб қолган эди. Энди ҳаммасини сотаётган эмиш! Пули борнинг ҳамма-си ушаларникига чопаётган экан, тоза нарсагарини сотиб оламиз деб. Нашанинг пули бир кунда келиб, бир кунда кетади-да, айланай. Ана энди Қўмрихонга эски тешик шиппаги ҳам қолмайдиган бўлди. Қанчадир пул олиб келиб берсанлар жазосини биров енгилатамиз, дейишган эмиш. Вой, улай, ҳовлисиния! Сотармиш! Ҳах, эсизгина-я. Ота қасбинини қилсанг, белинг синадими? Отанг дуппа-дурут такафуруш эди. Бозордан така олиб, така сотар эди. Баъзиларини сўйиб, қўй тушти деб ша-харликларга сотиб келарди. Чумчуқ сўйса ҳам қассб сўйсин. Такафурушнинг нашафурушлик қилишига бало борми. Э, сиз билан меники яхши, оч қорини тинч қўлогим. Зар қўйлагимиз бўлмаса ҳам, ўзимизга буюр-ган ҳовли-жойимиз бор. Тер тўксак номимиз таёёр. Ҳай, картошкаларга суғ тараб келган эдим, бошиб ҳам кет-гандир. Ойнага қараб утиравермай бизникига чиқинг, тапхалталаримизни бунатиб оламиз.

Зулайхо бошидаги ранги утиб кетган румолини бо-шқадан урай-урай чопиб кетгач, Малоҳат енгил уф турди. Қорнинг оч бўлеа ҳам куннинг тинч бўлсин, ўз уйинг оиланг бўлишга нима етсин. Катта бойлик вафо қилмас экан-да. Лекин барибир...

Уғилрой шақ-шақнинг сифри подага қушилади-ю, Баҳромнинг ҳам, Йулбарснинг ҳам тинчи йуқолди. Мол

эгасига ўхшамаса харом ўлади, деганларича бор экан. Ўғилой шақ-шақ ҳаммага отнинг қашқасидек маълум. Балойи азимнинг ўзгинаси, қўлидан ҳамма ёмонлик келади. Бирон гап бўлиб у билан тортишиб қолгудек бўлсангиз, аямасдан юзингизга чанг солиб қолиши турган гап. Қочиб қутилиб бўлмас. Ўзингизни сувга отсангиз, орқангиздан сувга сакрайди. Томга чиқсангиз, томга чиқади. Ертўлага бекиниб кўринг-чи, керак бўлса трактор билан кавлаб олади. Юзингизнинг бир қават терисини шилдириб, тавба-тазарру қилиб, яна қўйнига ул-бул солиб қутилсангиз, шунга ҳам шукур қилинг.

Агар бирорта фалончи фалончиевич билмасдан худо уриб унга салгина калондимоғлик билан пўписа қилиб қўя қолса борми, ўлдим дейиши турган гап. Ўғилой уни юмдалабгина қолмасдан ишхонасига бориб шармандасини чиқаради. Ўз кийимларини ўзи йиртиб, у ёқ-бу ёғини бирон нарса билан уриб кўкартириб, мени фалончи фалончиевич урди, деб тегишли идораларга кириб бораверади. Устига-устига яна тумандаги донгдор ёзғувчиларга ҳам бориб, фалончи фалончиевичнинг устидан юқори идораларга хат ёздирди. Ёзувчилар қаерга ёзишни, қандай ёзишни яхши билишади-да. Қишлоқ фаоллари тўпланиб, кўприкни сув олиб кетганлиги ёки мактаб биноси яқинда қулаб қолиши ҳақида хат ёзишса ҳадеганда биров қизиқармаслиги мумкин, аммо ёзғувчилар бировнинг устидан ёзишса, гарчи игвомо бўлган бўлса ҳам албатта текширувчилар етиб келишади.

Ишнинг кўзини биладиган абжирлар биронта идорада иши битиши қийинроқ кечса, дарров совға-салом кўтариб Ўғилойниқига боришади. Шундан кейин битмаган ишлар битиб кетади. Ўғилой шу ишларни керак бўлса қўйлагини йиртиб битиради.

Ўғилой шақшақ асли онадан тажанг бўлиб туғилмаган, ҳаётнинг аччиқ-чучуги, азоб-уқубатлар уни шу қўйга солиб қўйган эди. Айтганча, унинг “турмачи” деган лақаби ҳам бор. Одамлар бу лақабни орқаворатдан айрим пайларда ишлатишади. Чунки Ўғилой бир неча йиллар қамоқларда юриб, тошга айланиб келган эди-да.

Ушанда у ёш келинчак эди. Ювош, оқила, ширинсўз эди. Бўй етган синглиси бир куни кеч кирар маҳали подадан қайтмаган молини қидириб қирга бориб қолади. Ўша куни қўшни қишлоқлик бир тўда бўз йигитлар қирга ҳам олишга чиқишган экан. Кун бўйи улфатчилик қилиб, ширакайф бўлиб қайтаётган йигитлар овлоқ далада ёлғиз юрган бу қизни кўриб қолиб, шўхликлари тутди. Ҳайдар исмли олифта йигит бошқаларга ўзини кўрсатиб қўймоқчи бўлиб, қизга ташланади ва номусига тегади.

Коронғуда эшикни тақиллатган синглисини сочлари тўзгиган, юзлари тимдаланган, бўйинлари тишланган, қўйлаклари йиртилган бир ҳолатда кўрган Ўғилойнинг юраги қинидан чиқиб кетади. Синглиси бор гапни Ўғилойга тўкиб-сочади. Ўғилой синглисига қўшилиб йиғлайди ва кейин уни юпатиб, уйларига юборади. Эртаси куни эса синглиси ўз жонига қасд қилади. Ака-укаси, биронта ҳимоячиси йўқлигидан, биттаю-битта синглисидан ҳам ажралиб қолганидан аламзада бўлиб, Ўғилой кўмирдай қуйиб кетади.

Ўйлай-ўйлай охири синглиси учун қасос олиш, ўғил бўлиб туғилмаган бўлсада, бировнинг умрига зомин бўлиб ялло қилиб юрган олифта билан ўғил боладай ҳисоб-китоб қилиб қўйиш қўлидан келишини ич-ичидан ҳис этади. Бир куни эрига ҳам билдирмасдан қўйнига пичоқ солиб қўшни қишлоққа боради ва Ҳайдарнинг уйига бостириб қиради. Бахтга қарши Ҳайдар ҳам, ота-онаси ҳам уйда йўқ экан. Уйда Ҳайдарнинг бўй етган синглиси ёлғиз кашга тикиб ўтирарди. Ўғилой дод солиб Ҳайдарни қидира бошлади. Қиз қочишга улгуролмади. Кўзи қонга тўлган Ўғилой алам устида қизни бўғизлаб ташлади.

Шундан сўнг Ўғилой қамалиб кетди. Тоштурмалар-

нинг азобларини кўравериб, орадан йиллар ўтгандан кейин ўзи ҳам юраги тошга айланиб турмадан қайтиб келди. Бу йиллар ичида Ҳайдарнинг оиласи унинг келиб қолиб қасос олишидан чўчиб, ҳеч ким билмайдиган томонларга кўчиб кетган, Ўғилойнинг эри эса бошқа аёлга уйланиб кетган эди. Ўғилой ҳаммасидан қўлини ювиб, қўлтиққа урди. Шаддодлиги оламга ёйилди. Салгина адолатсизлик қиладиган одамни кўрса ёқасидан оладиган бўлди. Эркалардай бўлиб қолган бу аёл билан турмуш қуришга ҳеч кимнинг юраги бетламайди.

Ана шу жангари аёлнинг сигири ҳам ўзига ўхшаган экан. Бир қарасанг, тинчгина ўтлаб юрган сигир қутилмаганда биронта камбағалнинг сигирини сузиб қолади. Сигир бечора қутилмаган зарбадан ё қорни ёрилади, ёки йиқилиб тушади. Камбағалнинг сигири эканлиги авзойидан маълум. Озгин, нимжон бўлади. Бойларнинг сигирини унча-мунча ҳўкизлар ҳам сузишга ҳайқарди. Чунки улар нисбатан бақувват, қаққон бўлади. Ҳартугул кечқурун подадан қайтгандан кейин оғилда уларга қунжара ёки бошқа емишлар ҳам тайёр туради-да. Шунинг учун Ўғилойнинг сигири сигирларни танлаб сузади. Эрталаб пода қишлоқдан чиқиб олгунча-ку бир бало. Ўғилойнинг дардисари ҳали у ҳовлига кириб кетади, ҳали бу ҳовлига ўзини уради. Бир куни Ҳошим қассобнинг ҳовлиси ёнидан ўта туриб, қассобнинг ювиб дорга илиб қўйган чойшабларини, қўйлақларини ямлаб ташлабди. Қассоб бор заҳрини Баҳромга сочди. Ҳалиям Ўғилой шақшақнинг сигири эканлигини билгач, тилини тишлади. Бошқанинг сигири бўлганида бўғзига пичоқ тортиб юбориши ҳеч гап эмасди.

Ҳавонинг авзойи бузилиб келаётгани Баҳромнинг кўнглига гулгула сола бошлади. Ҳали подани қайтаришга икки соатча вақт бор. Баҳром ўқиётган китобини аста ёпди-да, хуржунга солди. Ўрнидан туриб керишди. Ўтлаб юрган сигирларга, кейин осмонга тикилди. Пешонасига теккан муздай томчидан чўчиб тушди. Подани ҳайдаб қишлоқдан анча олислаб кетганидан афсусланди.

Чақмоқ осмонни олмосдай кесиб ўтди. Момақалди-роқ бошланди. Сигирлар ҳам бошларини қишлоқ томонга буришди. Йўлбарс подани айланиб чопа бошлади. Баҳром хуржунни эшакнинг устига жойлади-да, пода тамонга юрди. Томчилаб турган ёмғир энди шаррос қуя бошлади. Баҳром худди бирорта панароқ жой учраб қоладигандай атрофга алангалади. Бепоев қир-адирда пана жой нима қилсин. Шу пайтда унга ҳам, подага ҳам сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди. Баҳром югуриб эшакнинг олди-га борди-да, эгарнинг устига эҳтиётшартдан ташлаб қўйган эски чопонини олиб кийди. Подани тезлатиб қишлоққа ҳайдай бошлади. Этигининг йиртиқлиги панд берди, пайтавалари жиққа ҳўл бўлди. Ёмғир зўрайгандан зўрайди. Сигирлар ҳам, Йўлбарс ҳам, эшак ҳам сувда чўмилгандай кетишар эди. Баҳромнинг бутун танаси жиққа ҳўл бўлиб кетганидан кийимлари зил-замбилдай оғирлашиб қолди. Энди чопонни кийиб юришнинг фойдадан кўра зиёни кўпроқ эканлигини билиб, уни ечиб, эгарнинг устига ташлади. Таёғини ҳавода сермаб, ҳўш-ҳўшлаб подани ҳайдарди. Момақалди-роқ тегирмон тошини ташлаб юборадигандек ваҳимали гулдирар эди. Чақмоқ эса ҳозиргина ҳаммани бирваракайига қуйдириб юборадигандек шундоққина Баҳромнинг боши устида чақнайверди. Ўғилойнинг сигири шу паллада ҳам йўл-йўлақай бошқа сигирларни сузиб-сузиб чопмоқда.

Нима бўлганда ҳам сел келиб қолмасидан подани тезроқ далани кесиб ўтган сойдан ҳам, фалокатларнинг макони бўлган Ўликжардан ҳам эсон-омон ҳайдаб ўтишга улгуриш керак. Сигирлар жарга яқин бормаса бўлгани. Аммо Ўғилой шақшақнинг шайтони Баҳромнинг юрагига хавотир солиб келарди. Ахир, Ўликжардан ҳамма кўрқади. У жуда баланд жарлик бўлиб, ёнидан ўтган ҳар қандай жанзотни домига тортмоқчи бўлаве-

ради. Қанча одамлар машинада кетатуриб у ерга тушиб кетишган. Қайсидир йили одам билан лиқ тўла бир автобус ҳам тушиб кетган эди. Ўшанда биронта одам тирик қолмаган. Адашиб қолган мол-ҳол ҳам, одамлар ҳам шу жарнинг қурбонига айланади. Шунинг учун Ўликжарнинг номини эшитганда ҳамма ваҳимага тушади. Унинг ёнидан ўтишга тўғри келиб қолса, калима қайтариб, эҳтиёт бўлиб ўтишади. Бу беҳосият жарликда ўлим кўп бўлавергани учун одамлар унинг номини Ўликжар деб қўйишган.

Хайрият, ҳали сел келмаган экан. Сигирлар сойдан ўтиб олди. Кейин Ўликжардан ҳам эсон-омон ўтишди. Буёғи энди ўнқир-чўнқир дўнгликлардан ўтсак, қишлоққа етиб олиш мумкин. Осмонни қалин қора булут қоплаб, жала қуяётганлиги учунми, бугун ҳар галгидан эртарақ қоронғи туша бошлади. Бир маҳал сигирлар нимадандир қаттиқ ҳуркиб кетди. Ҳаҳ, ҳаром ўлгур, шақшақнинг сигири яна бирорта ишқал чиқарди шекилли, деб уйлади Баҳром. Ҳа, ишқал бўлгандаям оғирроқ ишқал чиқаргани рост экан. У поданинг ўртасида чопиб кетаётган Жўра тақачининг сигирининг биқиниға сузиб юборган, тақачининг сигири ўзини бошқаролмай қолиб, устига-устак юмронқозикнинг уясиға оёғи кириб қолганидан йиқилиб тушибди. Бечоранинг оёғи синиб, ўрнидан туролмай типирчилар эди.

Баҳром сигирни ўрнидан турғизишга уриниб кўрди. Сигир оёққа турди ҳам, юрмоқчи бўлган эди, синган олдинги оёғи судрала бошлади. Соғ оёғи эса лойда сирпаниб кетиб, яна гурсиллаб ағнаб тушди. Ҳаммаёғи лойға беланди. Ёмғир эса ҳамон челақлаб қуймоқда. Момақалди роқдан кўрқиб чопаетган пода тобора узоклашиб борарди.

Хувиллаган далада ёмғир сели остида чўлоқ сигир билан қолаётган Баҳром ҳадемай қоронғу тушиб қолишидан кўрқиб, асаблари таранглашди. У яна сигирни турғазига чиранди. Сигир ўрнидан турди. Баҳром сигирнинг биқинидан оқаетган қонға эйтибор бермаган экан. Қон лойға қоришиб баданға ёқилиб кетгач, ваҳимали кўринаркан. Баҳром зўрға ўрнидан туриб олган сигирни яна йиқилиб кетмасин учун бўйнидан кучоқлаб олди. Сигир муздай ёмғир баданини тешиб ўтгудек бўлаётганиданми, синган оёғидаги оғриқ зўрайганиданми қалтирар, қийналса ҳам оқсоқлана-оқсоқлана олға интилар эди.

Пода узоклашиб кетди. Ёмғирнинг тинишидан дарак йўқ. Атроф қоронғилашиб қолди. Бир маҳал сигир яна мункиб кетди. Оёғи тойиб, яна йиқилиб тушди. Сигирга қўшилиб Баҳром ҳам сирпаниб йиқилди. Баҳром оёғи сигирнинг остида қолганидан додлаб юборди: “Ай-й, оёқнинг бошиға етдинг-ку, номард. Ўзингнинг оёғинг сингани етмасми? Ўтакетган палакат мол экансан-ку, касофат”. У қайрилган оёғини сигирнинг остидан амаллаб суғуриб олди-ю, соғ оёғи билан унинг жағига тепди. Кейин ўзи шундоғам қийналаётган сигирни тепганига афсусланди.

Бу аҳволда узок туриб бўлмасди. Нима бўлса ҳам тезроқ уйға етиб бориш керак. Ўрнидан турган эди, қайрилган оёғи тетик юришга қўймаслиги аниқ бўлди. Ёмғир бутун баданиға сингиб, уст-боши лойға беланиб кетганидан ва кечки салқиндан у совқотиб, қалтирай бошлади. Сигирни ташлаб кетай деса, эртаға қишлоқда балога қолади. У сигирни қулоғидан ушлаб судрамоқчи бўлди. Қўллари сирпаниб кетди. Кейин думидан ушлаб тортиб кўрди. Озгин сигир бўлгани билан зил-замбилдек оғир экан. Уни судрашнинг иложи йўқ. Баҳром яна ниқтаб-ниқтаб сигирни ўрнидан турғизди. Турғизишдан мақсад юргизиш эканлигини тушунган жонивор яна олға ҳаракат қилди. Баҳром оёғининг оғриғиға ҳам парво қилмасдан, сигирни оқсаётган томонидан суяб юргиза кетди. Сигирнинг оқсоқланиб бўлса ҳам чаққон

одимлаётганидан Баҳром бироз суянди.

...Бу пайтда Малоҳат билан Сардор зим-зимистон уйда юракларини ҳовучлаб, хавотирланиб ўтиришар эди. Ўзи кеч қирай деганда Малоҳатнинг кўнглиға шубҳа оралаган эди-я. Сигир ҳам, Йўлбарс ҳам, эшак ҳам ёмғирда шалаббо бўлиб келди. Эшакнинг устида чопон ҳам турган эди. Аммо Баҳром келмади. Малоҳат аввалиға уни ҳовлима-ҳовли юриб молларнинг ойлик тўловларини йиғиб чиқаетгандир-да, деб ўйлаган эди. Аммо оқшом чўккандан кейин ҳам дарағи бўлавермагач, бошида турли хаёллар чарх ура бошлади. Энди дақиқалар ўтган сайин хавотири зўраймоқда: “Ахир, сойларда пишқариб сел оқаяпти. Устига-устак у киши ҳар куни молларни Ўликжар томонға ҳайдаб боради. Жарға йиқилиб ёки селда оқиб кетмадимикан?! Йўғ-е, кап-катта одам ҳам индамай оқиб кетаверадими? Ишқилиб тинчлик бўлсин-да”.

У зимистон уйда баттар гужанак бўлиб олди. Кўрқинчли хаёллардан боши гувиллаб, юрағи тез-тез ура бошлади. Сардор, уйқуси келди шекилли, астагина узала тушди. Малоҳат буни сезди:

— Ҳой, Сардор, юрагим ёрилай деб турганда ухлаб қолиб мени баттар кўрқитмоқчимисан? — деди. — Гапириб турсанг бўлмайми? Кўзимиз кўр, қулоғимиз қар бўлиб ўтирибмиз. Отангдан эса дарак йўқ.

Сардор уйқуси келаетган бўлса ҳам чўккалаб ўтирди. Аммо гапирмасдан жим тураверди.

— Бу туришда икковимиз ҳам ухлаб қоламиз. Ёмғир ҳам секинлаб қолди. Тур, курткангни кий. Атрофларни излаймиз. Отангни топиб келмасак бўлмайди. Бирон жойда йиқилиб қолган бўлмасин тагин.

У ўрнидан сапчиб туриб, шоша-пиша халатини кийди. Она-бола эҳтиётшартдан қўлларига хода ушлаб, кўчаға отланишди. Қоронғи кўчалар бўйлаб ҳар куни пода ҳайдаб кетиладиган томонға боришар эди. Малоҳат қоронғуда сезмасдан ёмғирдан тўпланиб қолган қўлмакка оёқ босиб олди. Оёқлари жиққа ҳўл бўлди. Бу ҳам ҳолва экан. Лой кечиб юриш осон эмасди. Калишлари лойға ёпишиб, оёғидан тушиб қолганида оёқланг лойни босиб олар, яна амаллаб калишини топиб кияр эди. Сардорнинг ҳам калиши сувға тўлганлиги ҳар қадам ташлаганида “шилп-шилп” товуш чиқаришидан сезиларди.

Она-бола юракларини ҳовучлаган қўйи ҳансираганча қишлоқ чеккасиға келиб қолишди. Энди нима қилиш керак? Ўликжарни мўлжалға олиб кетавериш керакми?

Малоҳат гугуртни уйда қолдириб келганиға афсусланди. Аслида қўшнилardan суриштириб биронта фонар олиб чиққанда бўлармиди.

— Ая, энди қаёққа борамиз? — деди Сардор калишидаги сувни тўкатуриб.

— Билмасам, — йиғламсираб жавоб берди Малоҳат.

Шу пайт узокдан “хўш-хўш” деганға ўхшаш овоз элас-элас эшитилди. Малоҳатнинг ҳам, Сардорнинг ҳам қулоқлари динг бўлди. Товуш яна такрорланди. Она-бола бир-бирининг қўлидан ушлаб ўша томонға шошилишди. Товуш тобора яқинлашаётгандек эди.

— Ота! — йўл-йўлақай қичқирди Сардор.

— “Хўш-хўш” деган товуш давом этаверди.

— Ота! — энди янада баландроқ қичқирди Сардор.

— Сардор, Сардор! — бўғилиб-бўғилиб қичқирди Баҳром.

Малоҳат билан Сардор тошларға сурина-сурина овоз келган томонға югура кетишди.

— Эҳ-ей, келдингларми? — деди Баҳром худди уйиға етиб олган одамдек севиниб. Қоронғида кўринмайди деб бемалол кўзидан ёш қуйилаётган бўлса-да, аламға тўлиб йиғлаётгани овозидан сал-пал сезилиб турарди.

— Қаёқларда қолиб кетдингиз? — деди Малоҳат ҳансираб. — Битта сигирни деб шунчами? Ўзи нима жин урибди бунга?

— Э, битта бўлса ҳам мол-да. Жўра тақачининг си-

гири. Даштда чопатуриб оёғини синдириб олди. Ташлаб келай десам, тиригидан ўлиги қимматга тушади бунинг. Тақачи нақ пешонамга тақа қоқиб юборди-да. Ҳаром ўлгур жудаям нокас мол экан. Оёғини худди мен синдириб қўйгандай бор гавдасини менга юқлаб олди. Ҳар ўн кадам юрганда ўн минут ётиб олади. Зап келдинлар-да. Ўзим ҳам сизлардан хавотир олиб келаётган эдим. Қани, ҳайда-чи, ўғлим. Малоҳат, кел, сигирни бу томонида суяб борамиз.

Учовлон сигирни ўртага олиб, йўлда давом этишди. Қишлоққа кириб боришганда ҳаммаёқ зим-зиё, лип этган ёруғлик кўринмас эди. Йўлда бир неча марта ўмбо-лоқ тушиб келган сигир қишлоқ ҳавосини сезгач, энди инсофга келиб, буёғига тихирлик қилмай қўйди. Тўғри тақачининг ҳовлисига боришгач, Баҳром этиги билан дарвозани бир-икки тепди. Ҳалеганда жавоб бўлаверма-гач, яна тепди. Ҳовли ичкарасидан уй эшигининг гичир-лаб очилгани, тоғоранинг тарақлаб тепилгани ва тақачининг гулдираб сўкингани эшитилди:

– Ким у?  
– Мен, Баҳромман.  
– Қайси Баҳром?  
– Ҳақини бермасангиз ҳам сигирингизни боқиб юрган Баҳром.  
– Ярим тунда ҳақингни сўраб келдингми?  
– Йўқ, сигирингизни олиб келдим.  
– Э, ҳа айтганча, бугун сигир подадан қайтмаган эди-я. Ўзимам эрталаб сеникига бормоқчи бўлиб турган эдим.

Тақачи шоша-пиша дарвозани очди. Қўлидаги фон-арни ёқиб, кўзларини ишқалаб, сигирга ва уни етак-лаб келганларга қаради-да, бироз муддат ҳайрон бўлиб турди.

– Ие, Баҳром, нима бало, подани бутун оиланг билан бирга боқаясанми?

– Йўқ, мен даштдан ҳозир келаяпман. Булар хаво-тирланиб мени қидириб чиқибган экан. Хуллас, сиги-рингизнинг оёғи синиб қолди. Бу ерга олиб келгунча уни елкамда кўтариб келгандан ҳам баттар бўлдим.

– Нега синади? Ўзидан-ўзи синаверадими? Сўлоқ-мондай таёғинг билан аямай ургандирсан-да.

– Нима учун урар эканман, ўзи ёмғир қуйганида чопатуриб оёғи юмронқозиқнинг инига тушиб кетибди.

– Тан олавер, ургансан. Бўлмасам бутун бошли пода соппа-соғ-у, биргина менинг сигиримнинг оёғи синиб қоладими? Юмронқозиқнинг ини битта эканми? Ҳақини тўламади деб ургансан-да. Берардим ўша тешибчиққир ҳақингни. Шунга деб молни майиб қилиш шартмиди?

– Ҳақингиз ўзингизга сийлов,- жаҳл билан гапира-кетди Баҳром ҳам. – Бўхтон қилсангиз каттароғидан қилинг. Олинг омонатингизни. Садқаи яхшилик кетинг-е.

Баҳром ортиқ гапиришга тоқат қилолмади. Шартга бурилди-ю, оқсоқланганича уйи томон кетди. Хотини ва ўғли ҳам жимгина унга эргашди. Тақачи минғирлаб сўкиниб қолди.

Зимистон кўчалардан юриб, бир амаллаб уйга етиб олгач, Баҳром офтобадан юз-қўлини чалагина ювиб қўйди. Малоҳат чаққонгина уйга кирди-да, гугуртни ёқиб, ивирсиб нималарнидир ахтарди. Баҳром уйга киргач, гугуртни чақиб, унинг қўлига бир тўда кийимларни ту-тқазди:

– Шалаббо бўлган ҳамма уст-бошингизни ечинг-да, тезда мана буларни кийиб олинг.

– Ота, оёғингизга нима қилди, оқсаёпсиз? – деди Сардор.

– Сигир босиб олди, – деди Баҳром нариги хонада кийимларини алмаштираётиб. – Бир ўзи чўлоқ бўлиб юришдан кўрқди шекилли, кўролмасликдан мени ҳам оқсаёпсиз қўйди. Жонимиз оғриси ҳам икки ёрти бир бу-тун бўлиб қишлоққа етиб олди. Қайрилган оёғим роса

оғрипти. Устига устак этик ҳам уриб ташлади.

Баҳром қоронғида пайпасланиб кейинги хонага ўтиб, хонтахта ёнига ёнбошлади. Малоҳат гугурт чақиб, совуган чойни хонтахта устига келтириб қўйди. Баҳром чойнакни кўтарган қўйи чойни мириқиб симирди.

– Дарсларингни тайёрладингми, ўғлим?

– Ҳа дарсларимни кундузи тайёрлаб қўяпман.

– Баракалла ўғлим. Сен ўқийвер, яхши ўқи. Ҳамма умидимиз сендан. Яхши ўқимасанг менга ўхшаб чўпон бўлиб қоласан. Яхши ўқисанг мартабанг улуг бўлади. Кейин сенинг соянгда қариганда биз ҳам қийналмай-миз.

– Озгина мошкичири пиширган эдим. Совуб қолса ҳам олиб келаверайинми? – деди Малоҳат.

– Майли, – деди Баҳром унча хушламагандай. – Ток қачон ўчди?

– Ҳар кунгидай, кеч кирмай ўчган эди.

– Мойчиروқни ёқасанми деб боядан бери кутаман. Сен бўлсанг дамбадам гугурт чақишдан чарчамаяпсан?

– Фамлаб қўйган бочка-бочка керосинларингизни тежаяпман, – деди Малоҳат киноя қилиб.

– Керосин тугаган бўлса, Салим мойфурушдан олиб келиб қўйсанг бўлмасмиди?

– Тиланганга бермас экан.

Баҳром чуқур уф тортиди.

– Ўзи монтерни ўлдириш керак, – деди ёстиқни муштлаб. – Атайлаб ўчиради. Одамлар электрдан бена-сиб бўлсин, дейди. Телевизор кўролмасин, газета ўқиёл-масин, болалар китоб varaқламасин, ҳамма дунёдан узилиб, бесавод бўлсин, дейди. Бу шумниятларнинг пешонасидан отиш керак. Ҳамма уйга сим кириб борган-у, ток бўлмаса. Ҳа, унда симларингизни йиғиштириб кет. Йўқ электрга уялмай ҳақ сўраб келади тагин улар. Уларни тергайдиган одам қолмади-да. Тергайдиганлар-нинг уйлари ҳаммиша ёруғ. Ҳеч бўлмаганда уйларида ток берадиган моторлари бор. Бизга ўхшаган бечораларнинг аҳволи билан ким қизиқарди.

Баҳром хўрсинди ва оғриётган оёғини уқалаб уф тортиб қўйди. Уни хаёллар етаклаб кетди. Баҳром мак-табда энг аълочи ўқувчилардан эди. Мактабни сал бўлма-са олтин медал билан тугатар эди. Нима бўлди-ю, ме-далга илинолмади. Ота-бола Самарқандга бориб, муал-лимлар тайёрлайдиган институтни қидириб топишди. Баҳром ҳамма имтиҳонларни топширди. Аммо ўқишга қабул қилинмади. Бал етмай қолган эмиш. Кейинги йили яна уринди, яна шу аҳвол. Охири институтда ишлайди-ган қошлари қуюқ, салобатидан арслон ҳайиқадиган, бир домла Баҳромни четга тортиб: “Сени икки йилдан бери кузатаман. Ҳаракатинг яхши. Аммо бу юришинг бефойда. Отанга айт, молни кўпайтирсин. Тўртта новвос боқмаса сени бу ерларга олиб келиб юрмасин”, – деди.

Отаси тўртта новвосни боққунча тўрт йил ўтиб кетди. Қараса, Баҳромни уйлантирадиган пайт ҳам етиб қолди. Отанинг эса соғлиги кундан-кунга ёмонлашиб борди. Кўзим тириклигида уйлантириб, қарзимдан қуту-либ қўяй, ўқиш кейинроқ бир гап бўлар, деб отаси Баҳ-ромни Малоҳатга уйлантирди. Новвослар тўйга насиб қилган экан.

Энди ўқиш ҳақида ўйлаш беҳуда эди. Ҳамма умид энди Сардордан. Уни албатта ўқитиши, Баҳром ўзи етол-маган орзуларига ўғлини етказиши шарт.

\* \* \*

Баҳром кечаси билан алаҳсираб, оёқларининг зир-қираб оғришидан инграб чиқди. Эрталаб қайрилган чап оёғининг шишиб кетганини кўрди. Унг оёғининг ҳам этик урган жойларида сувли пуфакчалар пайдо бўлибди. Ўрни-дан турмоқчи бўлган эди, оёқлари зирқираб оғриди. Де-ворга суяниб, оқсоқланиб юра бошлади. Ҳали энди тонг ёришаётган палла эди. Сардор пишиллаб ухлаб ётар,





Малоҳат сигирни соғиш учун аллақачон оғилхонага кетган эди.

Баҳром ҳовлини айланиб юрди. Оёғининг чигали бироз ёзилди. Бироқ чап оёғининг оғриғи қолмади. Эшакка ҳам иш топилиди деб ўйлади у. Ахир, ҳар кун иш эшак фақат хуржунни кўтариб юрар, Баҳром уни деярли минмас эди. Энди бўлса, ўз оёғи кўтаролмаётган гавдасини эшакка юклаб юришга мажбур. У юзини силаган эди, этлари ёпишиб кетган иягидаги соқоллари қўлига тикандек қадалди. Соқоли ўсиб кетгани эсига тушди. “Қиртишлаш шартми? Тўйга бораётганим йўқ-ку. Олмасам кимга зиёни тегаяпти” деб ўйларди у. Оёғи шу зайлда оғрийдиган бўлса, бугун подани ҳайдаб чиқмагани ҳам маъқулроқмиди. Карим оқсоқолга айтса бирорта бекорчи бир-икки кун подани боқиб турар.

Малоҳат челақ кўтариб оғилхонадан чиқиб келди.

— Оёғингиз тузалдими? — сўради у. — Кечаси билан алаҳсираб чиқдингиз. Тушингизда ҳам пода ҳайдайдиган бўлиб қолибсиз. Битта сигирни деб ўзингизга азоб беришингиз зарил келганмиди? Барибир раҳмат ўрнига тўхмат олдингиз-ку тақачилан.

— Оёғим шишибди. Суяги чиққанми, нимабало.

— Чиққандирда. Ҳалима холаникига борайлик, чиққан бўлса жойига солади. Ул-бул суртиб даволайди ҳам. Қанақа малҳам қўйишини яхши билади.

Баҳром юз-қўлини ювиб, оқсоқлашиб эшикка тамон юрди.

— Эҳе, юришга қийналаяпсиз. Бу аҳволда даштга кетолмайсиз. Ётиб оёғингизни тузатинг, — деди Малоҳат ва яна нимадир демоқчи бўлиб атрофга айёронга қараб олди. — Анави автобус ҳайдайдиган Холматнинг-чи, шаҳарда ҳам хотини бор экан. Нимадир бўлиб Холмат бир ҳафта уникига бормаган экан, ўша хотин автобуснинг олдига чиқибди. Муҳаррам бозорчи шаҳардан ул-бул олиб келиш учун ўша автобусда борган экан. Ўша кўрган эмиш. Ўзиям роса шадлод аёл дейишади. Холматни юмдалаб ташлай дебди.

— Сенга қим айтди?

— Боягина Зулайҳо опа айтиб кетди.

— Тонг отмасдан гийбат экан-да. Холмат эсон-омон қайтибдими ишқилиб?

— Қайтиш қаёқда, шаҳарда қолган эмиш.

— Муҳаррам-чи, нега қайтиб қўйибди? Разведкани охиригача давом эттирмабди-да. Изма-из пойлаб борганида бўлармиди. Уларнинг қаерга бориши, нималарни гапириши, қандай ёғиши, ҳаммасини билиб оларди. Сўнгра бугун қишлоққа гийбат тарқатиб обрў қозонар эди. Бу хабари чала бўлибди, унга уч баҳо. Айтишлар, бундан кейин хабарларни пишиқ-пишиқ тайёрласин. Хом-хаталаси қоринни оғритади.

Малоҳат Баҳромнинг киноя қилаётганини тушунди.

— Ҳа энди элнинг оғзидаги гап-да, — деди у ҳамон ошхонада ивирсиб. — Бундай олганда, эплаганлар тўрт-бешталаб ҳам хотин олиб қўяяпти-ку.

У қошлари тагидан Баҳромга маъноли қараб қўйди. Баҳром сочиқни эшик дастагига илиб, уйга кириб кетди. Чой ичгач, даштга кетишга қарор қилди. Бу ер қишлоқ эмас, нақ гийбатнинг уяси. Бир кун уйда ўтирса, қўни-қўшни уни ҳам гийбатлар гирдобидан четда қолдирмайди. Бу ерда ётиб мияси ёрилгунча даштда юриб товони ёрилгани маъқулроқдек эди. У бир амаллаб этигини қийдида, оғилдан сигир билан эшакни ҳайдаб чиқди. Йўлбарс ҳам одати бўйича унинг ёнига келди. Сардор эшакнинг эгар-жабудқларини тортиб боғлади ва Баҳромнинг эшакка минишига қўмаклашди.

— Муаллимларинг ишқилиб сендан хафа бўлишмаяптим, ўғлим? — деди Баҳром эгарга ўрнашиб ўтираркан.

— Синфда энг аълочиман, дедим-ку.

— Баракалла, ҳамини шундай бўл. Мен сени Сама-

рқанда эмас, Америкада ўқитаман. Сен фақат яхши ўқийвер. Қолган ташвишлар менинг гарданимга.

Баҳром эшакни ниқтади. Олдинда сигир билан Йўлбарс. Малоҳатнинг қистови билан йўл-йўлакай Ҳалима кампирнинг уйига киришди. Кампир Баҳромнинг оёқларини кўрди, шишган оёғини бироз уқалади. Кейин иккала оёғига ҳам қандайдир мой суртди. Товуқнинг туҳумини чақиб, бир парча пахтага суртди ва уни шишган оёғига дока билан боғлаб қўйди. Боғланган оёқ этикка сиғмади. Шунинг учун этикнинг бир пойини Баҳром хуржунга солиб қўйди. У подани яйловга ҳайдаб келди.

Яйлов нақадар гўзал. Айниқса, кечки ёмғирдан кейин жамики гўборлар ювилган. Ўт-ўланлар баргидаги шудринглар эндигина бош кўтараётган куёш нурида товланиб, кўзни қамаштиради. Ҳавонинг мусаффолигини айтмайсизми. Баҳром шахтадан чиқиб келган одамдек тўйиб-тўйиб нафас олди. “Қани эди бир умр шунақа ҳаводан нафас олиб яшасанг, деди у. Имкони бўлса-ю, шу ҳавони бочкаларга жойлаб, уйга ҳам олиб кетсанг. Мойчироқ тутунидан дуд ҳиди анқиб қолган уйда ёстиққа ёнбошлаб, шу бочкадан нафас олиб ётсанг. Қишлоқнинг ҳам ҳар бир кўчасига, бозорларга, чойхоналарга, Юсуф виночининг дўкони ёнига ҳам шундай ҳаводан бочка-бочка олиб бориб қўйилса. Аломат иш бўларди-да. Бу ерларда поданинг ҳам чанги чиқмайди. Ўт-ўлан излаб атрофга сочилиб ҳам кетмайди. Шақ-шақнинг сигири ҳам ҳадеб депсинавермайди. Йўлбарс ҳам подани қайтариш учун тили осилиб чопмайди. Мириқиб ўйнайди, хоҳласа ётиб дам олади. Эшак ҳам ўтлоқда қорин тўйдириб, кейин мириқиб ағанайди. Шундай кезларда Баҳромга дунё ҳад-ҳудудсиз кенг ва мусаффо бўлиб кўринади. Уйнинг диққинафас ҳавоси, гийбату маломатлар буткул унут бўлади.

Айниқса, китоб ўқиш нақадар маза.

\* \* \*

Баҳорнинг охири серёғин келди. Энди Баҳром ҳар кун чўнтак радиосини тинглаб, кунлик об-ҳаво қандай бўлишини билар, узоқдан булут-кўриниши билан у қайси пайт етиб келиб, қачон ёмғир ёғишини олдиндан тахмин қила олар эди. Бундай пайтларда у подани узоққа ҳайдамас, яқин атрофдаги яйловларда боқар эди. Йўлбарс ҳам ёмғирнинг дарагини сезса безовталаниб қоларди. Буларнинг ҳаммасини кузатавериб Баҳром об-ҳаво бўйича мутахассис бўлиб кетди.

Ёғингарчилик кўп бўлгани оқибатида Баҳромнинг оғилхонаси бузилди. Келиб-келиб оғилнинг кўча томондаги девори йиқилибди. Баҳром кечкурун уйга қайтганида буни кўриб кайфияти тушди. Шундоғам даштдан чарчаб келаётган эди. Сигир билан эшакни оғилга боғламаса бўлмайди. Кечаси ёмғир ёғиб қолиши мумкин. Ундай қилса албатта деворни тиклаши керак. Ҳозир нима кўп-ўғри кўп. Оғилнинг бузилганини эшитишса шу биргина сигирини ҳам кўп кўришлари мумкин. Баҳром силласи қуриганига қарамасдан энг шимариб лой қоринга тушиб кетди. Малоҳат билан Сардор ҳам кулаган деворнинг гуваларини териб, Баҳромга узатиб туришди. Баҳром гувалалар орасига лой қўйиб девор кура бошлади. Кун бўйи ёнмаган электр чироқ қоронги тушганда ёниб қолди. “Пирмат монтерга Худо инсоф берди” деди Баҳром. Ҳовлидаги чироқнинг ёғдусидан оғил атрофи ёришиб турди. Улар қора терга ботиб шиддат билан ишлашди. Аммо девор яримлаган пайтида чироқ ўчиб, атроф қоп-қоронги бўлиб қолди. Хайрият, деди Малоҳат белини уқалаб. Баҳром кулиб юборди:

— Чироқнинг ўчишини Худодан тилаб ўтирган экансан-да. Лекин зўр ишладик, баракалла. Учовлон бир бўлсак ҳар қандай иш биздан қочиб қутулолмас экан. Бугунча етар, қолганини эртага битказамиз. Унғача Йўлбарсга юмуш топилди. Зерикмасдан кўриқлаб ётади.

Йўлбарснинг овқат ейдиган тоғорасини оғилнинг ёнига келтириб қўйишди. Эсли ит дарров тушуниб, оғилнинг ёнига келиб ётди.

Сардор қаттиқ чарчабди шекилли, кечки овқатдан кейин дарров ухлаб қолди. Баҳромни ҳам уйқу элтиди. Қоп-қоронғида ухладан бошқа нима ҳам қиларди. Малоҳат ўринларни солгач, тўшакка чўзилди.

– Бироз уёқ-буёқдан гапирсангиз бўлармиди, – деди Малоҳат.

– Нима, уйқунг келмайтими? – деди Баҳром эс-наб.

– Ҳа энди...

– Нимани ҳам гапирай. Подани ҳайдаб яйловга бордик, учовимиз бир-биримизга елкадош бўлиб: мен, ит ва эшак. Кенг, бепоён дала. Егулик ҳозирча мўл. Тоза ҳаво, атроф гўзал. Мана шу ўтлоқ сенларники, кўрқмасдан, тўйгунларингча энглар, деганингдан кейин пода қаёққа боради. Пода тўйса, елинини тўлдириб сут беради. Ҳар бир уйда мўл-мўл сут, қатик, қаймоқ бўлади. Чўпонни, унинг ити ва эшагини ҳам ҳамма дуо қилади. Яйловга жўнаганимда тонг отаётган эди, қайтиб келсам кун ботибди. Бор гап шу. Менда бошқа нима ҳам гап бўларди. Ҳеч кимни кўрмасам, чорва билан тиллашиб бўлмас.

– Ҳадемай тиллаша оладиган бўлиб кетасиз. Лекин одамлар билан тиллашишни мутлақо унутиб юборсангиз керак, – деди Малоҳат тескари ўгирилиб ётаркан.

– Мени гапиртириб нима қиласан. Ўзинг гапирасан. Қишлоқда нималар бўлапти? Хотинлар нималарни гапиришяпти?

– Ниманиям гапиришсин. Айтганча, Холча холанинг келини яна туғибди. Келин бўлиб тушганига энди-гина уч йил бўлди-ю, бешта бола туғди-я. Бало экан тушмагур.

– Ия, Холча холанинг ўғли мушук-пушукдан уйланмаганими?

– Э, гапингизни қаранг, эплаганини айтмайсизми. Бир уй тўла бешик экан. Битта бешикни тебратса, унга боғланган бошқа бешиклар ҳам тебранар экан. Эгизаклар бири қўйиб бири йиғлашар экан. Битта кўкрак қайси бирига етсин.

– Келиннинг битта кўкраги бор эканми?

– Ундай деётганим йўқ.

– Ҳа, ҳаммасига Пирмат сабабчи. Одамлар кун бўйи бекорчиликдан дўкон ёнида вино ичиб кунни кеч қилишади. Чироқ ёқиб турса-ку кечаси қартами, нардами ўйнаб тонг оттиришарди. Электр бўлмагандан кейин қоронғида ошиқ-мошиқ ўйнашдан бошқа нимани ҳам эрмак қилишсин. Ана шу эрмак туфайли энди хотинлар ҳар йили туғаверади. Туққанда ҳам эгиз-эгиз туғаверишади. Қишлоғимизда бугун ўн минг одам яшаса, келгуси йил ўн икки мингтагача етади. Кейин ўн бешминг, йигирма, ўттиз мингта. Эҳ-ҳе, бу аҳволда Юсуф виночининг дўкони атрофига одам сизмай кетади-ку.

Шу пайт деразадан ҳовлидаги чироқнинг ёғдуси тушди.

– Вой, яна ток беришди. Ташқаридаги чироқни боя ўчириб қўймаган эканмиз-да. Ўчириб келсаммикан, – деди Малоҳат.

– Қўявер, ярим соатдан кейин яна токни узишади. Ўзи ёнар ёр-ёр, ўзи ўчар ёр-ёр.

Орага бироз жимлик чўкди.

– Ҳа, ҳар ҳолда одамлар бекор қолишмайди. Иш топилмай зерикаверишса, ҳеч курса нимани эрмак қилиб туришни яхши билишади, – деди Малоҳат ва чуқур хўрсиниб, кўзларини юмди.

Бироздан сўнг Йўлбарснинг тинимсиз вовуллаши эшитилди. Малоҳат хавотирланиб бошини кўтарди:

– Ҳой, сигиримизга ўғри келди шекилли. Дарров ҳидини олишибди-да бетамизлар.

– Ҳа, менга эрмак топилмай турганини сезишгандир-да. Эрмак дегани энди топилди.

Баҳром озорланиб ўрнидан турди-да, эгнига чопонини ташлаб, ташқарига чиқди. Аксига олиб шу пайт ҳовлидаги чироқ липиллаб ўчиб қолди. Йўлбарс ниманидир кўргандек тинмай хурарди. Баҳром оғилхона талмон юрди. Девор тагида етганида кўчада гўнғир-гўнғир овозларни эшитди. Нарироқда ётган яшиқни олиб келиб оёғи тагига қўйди-да, девор оша кўчага қаради. Зимистонда ҳеч нарсани кўриб бўлмас эди. Аммо овозлар энди аниқ-тиниқ эшитилар, чунки гаплашаётган икки киши шундоққина девор тубига келиб ўтириб олишган ва ҳасратлашаётган эди. Алмойи-алжойи гапларига қараганда, ширакайф эканлиги билиниб турарди. Баҳром уларни овозларидан таниди. Бири ён қўшниси Хуррам тракторчи, иккинчиси беш-олти ҳовли нарида турадиган Ҳасан эзма. Винога бўкиб олишибди-да.

Икковлон бир-бирига суяниб, уйлари томон кетишарди. Бироздан сўнг Хуррамнинг ҳовлисида бақирчақир овозлар эшитилди. Хуррам хотинини дўппослаётган, болалари уларни ажратолмай чинқирришаётган эди. Хуррам бўкириб калтақларди.

Баҳром эшик устидан аста тушиб, уй томон бурилди. Салгина юргач, қоронғида кимдир мунғайиб ўтиргандек туюлди. Шарпага яқинроқ боргач, Малоҳат эканлигини сезди.

– Нима қилиб ўтирибсан?

– Сизга қоровуллик қилаялман. Хавотир олдим. Чақирсам эшитмадингиз. Кейин кутиб ўтиравердим.

– Юр бўлмаса, томоша тугади. Давомини кўраман десанг Хуррам аканинг ҳовлисига бор, эрталабгача томоша қизийди.

– Ҳар куни бир хил томошани кўравериш одамнинг жонига тегаркан.

– Унда ётақолганимиз маъқул.

\* \* \*

Ёзнинг жазирама кунлари бошланди. Аммо ёмғир ҳадеганда баҳор билан бирга кетиб қолшини истамас эди. Ҳаво дим бўлганиданми, эртасига чошгоҳда булут ёпирилиб келди. Момақалдироғу селдан юраги безиллаб қолган Баҳром подани ҳар кунгидан эртароқ қишлоққа қайтарди. Ёмғир роса қўйди.

Уйда диққинафас бўлиб ўтиравериш зерикарли. Баҳром қишлоқ кутубхонасидан олган бир-иккита китобларини қўлтиғига қистириб, кўчага отланди. Кутубхона қишлоқнинг қоқ ўртасида. Унга бориш учун вино дўкони ёнидан ўтиш керак. Дўкон атрофи гавжум экан. Винохўрлар дўконнинг узун айвони тагида, қамишдан ясалган яна бир қанча айвончалар тагида ёмғир тинишини кутиб, вино ичиб ўтиришар эди. Бир-икки тенгқурлари Баҳромни ҳам айвон тагида имлаб чақирришди. Баҳром уларни кўрмагандек ўтиб кетди. Хохологан, хи-хилаган қўйқирриқлар баралла эшитилди.

Баҳром дўконни узокроқдан айланиб ўтиб, кутубхонага етиб олди. Хайрият, очиқ экан. Ўзи ҳар доим шундай. Одам кам келса ҳам кутубхоначи Ҳалим бобо эрталабдан қоронғу тушгунча шу ерда ивирсиб ўтиради. Бу ердаги китобларнинг ҳаммасини ўқиб бўлган, керак бўлса қайси саҳифада қандай гап ёзилганигача айтиб бера олади. Шунинг учун зерикиб қолмайин, деб ҳар куни жавонларни қайта-қайта артар, китобларни бугун чап томонга суяб тахлаб чиқса, эртасига ўнг томонга суяб тахлаб чиқар эди.

Баҳромни кўриши билан чолнинг юзига табассум югурди. Қўлидаги латгани стол устига ташлаб, кучоқ очиб кўришди.

– Кел, болам, кел. Камнамо бўлиб кетдинг, яйлов ёқиб қолдим дейман. Эсон-омон юрибсанми ишқилиб?



– Раҳмат, Ҳалим бобо. Уззу-кун даштда юраман. Эрталаб кетиб, қуёш ботаётганда қайтаман. Кечқурун келганим билан сиз кетиб қолган бўласиз, деб бу ерга келишга ҳеч имкон тополмайман.

– Э, келавермайсанми, ўғлим, келавермайсанми. Қоронғу тушиб қолгунча шу ерда ўтираман.

Буни қара, нима аҳвол бу-а? Ёмғир ёғди дегунча томдан томчи ўтаверади. Бир амаллаб мана бу брезентларни топиб келдим. Етганича китобларнинг устига ёпаяпман. Ҳар йили ёзда томни сувайман. Районга борган эдим, мудирга учрашдим. Томни туноқа биланми, шифер биланми, тўл билан бўлса ҳам ёпиб бер, дедим. Пул бўлса ёпиб бераман, дейди. Қачон пул тушади-ю, қачон ёпади. Унгача китоблар моғорлаб кетмасин, деб ҳар куни бирма-бир шамоллатиб турибман. – Чол эзмаланиб кетганини ўзи ҳам сезиб, мақсадга ўтди. – Бугун қайси китобни олиб кетсан?

– Бирорта қизиқроқ китоб берсангиз. Янги китоблар ҳам келганми?

Чол юзини буриштириб, қўлини силтади.

– Бизга келадиган янгилари мана булар. – Чол Баҳромга уч-тўртта дафтарга ўхшаш китобларни кўрсатди. – Мана бунисини қўшни хўжаликнинг бригадири ёзган. Мана бу афандиусха ёзувлар райондаги ғалла омборининг мудириники. Буни бозорнинг директори ёзган.

– Ие, ҳамма шеър ёзадиган бўлиб кетибди-да.

– Шоир кўп, лекин шеър кам.

– Ишқилиб ўзлари ёзганмикан?

– Ўзлари ёзганга ўхшайди. Агар ўзлари ёзмай, ёзувчизувдан хабари бор бирорта шоирваччага ёздирганида ичида ҳеч кўрсатма биттагина тугуриқли сатр топилар эди.

Баҳром бир неча китобни қўлига қистириб, ташқарига чиқди. Ёмғир тинган, қоронғи туша бошлаган эди. Вино дўконининг атрофида ҳам одам сийраклашибди. Битта-иккита пиёнистага дуч келиб қолмаслик учун Баҳром тез-тез юриб уйига шошилди.

\* \* \*

Ғалла ўрими бошлангани Баҳромга байрамдек бўлди. Подани узоқ дашт-далага ҳайдаб бориш зарур бўлмай қолди. Қишлоқ атрофидаги бугдойзорларда комбайнлар арслондек кезишади. Бугдойи ўриб олинган майдонларга Баҳром подани ҳайдайди. Сомонни еб сигирлар ҳам қоринлари мешдек бўлиб уйга қайтади. Кейин қишлоқдаги товуқларга ҳам байрам бўлиб кетади. Улар гўнгни худди тилла терган зарагардек эринмасдан титкилашар, орасидан ҳали янчилмаган бўлиқ донларни топиб, ҳузур қилишар эди.

Баҳромни айниқса қувонтиргани, бепоён яйловда бир ўзи санқмайди. Подани сомонга қўйиб, ўзи ғалла ўримида келган бригада ишчилари олдига бориб ўтирадиган бўлди. Бу ерда у зерикмасди. Гурунглашиб ўтирса кун тез ўтаркан. Айниқса темирни ҳам эритиб юборай деб турган иссиқдан жон сақлаш учун бу ер янада қулай экан. Ишчиларнинг ашқол-дашқолини, кўрпа-тўшакларини ташиб юрадиган вагон соясига ҳамма дам олиш пайтида тизилиб ўтириб олишади. Комбайнлар навбатма-навбат майдонни айланиб келади. Бункерлари бугдойга тўлгач, ташишга шай турган юк машиналарига тўкишади.

Баҳром вагон соясига муздеккина сув ичиб, ишчиларнинг гурунгига қулоқ тутиб ўтирарди. Шермат тегирмончи келиб, Ўктам бригадир билан қўл бериб кўришди. Бошқалар билан оғзаки салом-алик қилди-да, Баҳромга ўқрайиб қаради.

– Бугдой ўрилган жойга дарров подани қўйиб юбормагин-да, ука. Одамлар тўкилган бошоқларни териб олишлари керак. Бошоқдан тозаланган ерларга, майли, подангни қанча боқсанг боқавер. Тўғрими, брига-

дир ака?-у гапини тасдиқлатмоқчи бўлиб Ўктамга қаради. Ўктам тасдиқлагандек салгина бош ирғаб қўйди.

– Пода бошоғи терилмаган майдонга кираётгани йўқ. Ҳўв анави изғиб юрганларни кўзда тутиб айтаётган бўлсангиз, улар пода эмас, менга тегишли ҳам эмас. Агар тўкилган бошоқларга кўриқчи бўлсангиз, бориб ўзингиз ҳайдаб чиқара қолинг уларни, –деди Баҳром бамай-лихотир ўтириб.

Ҳақиқатдан ҳам Баҳромнинг сигирлари икки-уч кун аввал ўрилган эски майдонда қолган-қутган сомонларни еб юрарди. Шунинг ўзи уларга етиб ортади ҳам. Комбайнлар ўриб олган майдонда эса белларига этак таққан одамлар тўда-тўда бўлиб, ерда тўкилган бошоқларни теришаётган эди. Одамлар бошоқ терса қайтанга Шермат ва шунга ўхшаган қишлоқда тегирмон куриб олган уч-тўрт тадбиркорларга яхши. Тегирмон айланиб туради-да. Одамлар терган бошоқларини уйларига янчиб, сомонни совуришади. Кейин бугдойни тегирмонга олиб бориб ун қилдириб олишади. Шунинг учун чумолига ўхшаб ўрим мавсумида қишлигини йиғиб олиш умидида кўпчилик бутун оиласи билан далада изғийди.

Шермат уларга ишора қилишни хаёлига ҳам келтирмаган, аслида бошоқ терувчиларга хайрихоҳ эканлигини кўрсатмоқчи бўлган эди-ю, бироқ Баҳромга қилган калондимоғлигига жавобан яхшигина дакки еб қолгани алам қилиб, юзлари чўгдек қизариб кетди.

– Оддий бир чўпон бўлсанг ҳам гапга чечансан-а. Тилинг заҳар, тагдор қилиб гапирасан-е,-деб Шермат лаблари титраб гапирди ва шахт бурилиб ортига қайтиб кетди.

Союда чой ҳўплаб ўтирганлар қиқир-қиқир кулиб қолишди ва боппладинг, дегандек Баҳромга қараб қўйишди.

Шу пайт ҳаммаёққа чанг тўзигитиб бир машина келиб тўхтади. Машинадан эгнидаги чангни шляпаси билан қоқа-қоқа хўжалик раиси тушиб келди. Ҳамма ўрнидан туриб салом берди. Ўктам бригадир олдинроққа чиқиб, раис билан қўл бериб кўришди.

– Қалай, яқинлашиб қолдими? – деди раис комбайнлар ўраётган томонга ишора қилиб. – Бугун майдонни ўриб тугатасизларми?

– Бор кучимизни бериб ҳаракат қиламиз, – деди бригадир қўлини кўксига қўйиб.

– Эҳ-ҳе, ҳаммаёққа одам оралаб кетибди-ку.

– Қолган-қутган бошоқларни теришапти. Бу ерга кўпнинг ризқи сочилган экан шекилли.

– Кўпнинг ризқини сенинг ишчиларинг сочаётганга ўхшайди. Нима бало, янги комбайнларинг чала ўрадимиз дейман. Одамларни қара, ҳаммаси қопларини тўлдириб олишибди. Шунча башоқ қаёқдан тўкилади? Давлатнинг мулкни исроф қилиш яхши эмас.

Раис бошига шляпасини кўндириб, белини ушлаб турганида қаёқдандир Ўғилой шақ-шақ пайдо бўлиб қолди. Янгигина гулдор рўмолни пешонасига танғиб олган, ҳеч қаерда ишламаса ҳам худди биронта идоранинг раҳбаридек қўлига сумкачасини қистириб олган эди. Оёғидаги йиртилишга тийёрланаётган эски калишигина унинг қиёфасидаги бутун сиёсатини чиппакаки чиқариб турарди.

– Ана, Ўғилой тентак келаяпти. Бир балоси бўлмаса бу ёқларга келмас эди. Ҳозир раиснинг гўштини ейди,- деди ишчилар пичирлаб.

Раис Ўғилой билан қуюқ саломлашди.

– Бу дейман, раис бова, то қиш тушмагунча даладан бери келмас экансизда-а?—деди Ўғилой ясама илжайиб.

– Ҳа энди, раис деганларни онаси далада туғади-да.

– Идорангизга тўрт-беш марта қасдириб бордим,

тополмадим. Охири излаб-излаб шу ерга келдим.

Раис Ғилойни четроққа имлади. Сал нарироқ бо-ришгач, сўради:

– Лаббай, синглим, нима хизмат?

– Сизнинг сояи давлатингизда биз ҳам яшаб тура-йлик, демоқчи эдим. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек мен ризқимни сўраб юрибман. Сиздай раис боваларим турганда далага чиқиб бошоқ териб юрсам уят бўлар. Кўп эмас, олти-етти қоп буғдой билан қишдан чиқиб олсам керак. Бир қўллаб юбор-майсизми?

– Фақат шуми? Хавотир олманг, синглим. Эрта-гаёқ саққиз қоп буғдой уйингизда бўлади. Келишдикми?

– Раҳмат, раис бова.

– Пиёда келганга ўхшайсиз. Уринтириб қўйибмиз-да, узр. Машинага чиқиб ўтиратуринг, ишчиларга бир-иккита топшириқни айтиб, қишлоққа бирга кетамиз.

Ғилой саллона-саллона юриб машинага борди. Раис бригадирни чақириб, нималарнидир тайинлади. Кейин машинага ўтириб, жўнаб кетди.

Ишчилар қиқир-қиқир кулиб, сояга чўкишди.

– Раисимиз аёлларнинг раъйини қайтаролмайди-ми дейман.

– Бе, Ғилойнинг аёллиги қолибдими. Биронта эркак бас келмайди-ю. Бир балога гирифтор бўлиб қол-майин дейди-да.

– Унда ўзимиз ҳам раисдан буғдой сўрасакмикан?

– Текин буғдой сўраш учун Ғилойникидек ёқа йиртишга қурби етадиган чангал керак. Раис унга рад жавобини бергандами, эртагаёқ юқоридан текширув-чилар келиб, раиснинг абжағини чиқаришар эди.

\* \* \*

Бозор роса қизиди. Хаво иссиқ, одамнинг кўплигидан бозор чангиб кетибди. Жон сақлайдиган соя жой-нинг ўзи йўқ. Челақ кўтариб сув сотиб юрган болаларнинг ошиғи олчи.

Малоҳат бозор айланиб, рўзгор учун керакли нар-саларни харид қилди. Пулни имкон қадар тежашга ҳа-рат қилиб, фақат энг зарур нарсаларнигина олса ҳамки иккита тўрва тўлди. Аслида қишлоқ бозори бўлса ҳамки оламан деганга ҳамма нарса бор. Егуликларнику қўяв-ринг, минг хилдаги мазали, чиройли қадоқланган нар-салар оғизнинг сўлагини оқизиб юборади. Кийим-кечак бозоридаги ҳар хил кийимлар ва ял-ял товланган мато-лар кишини сеҳрлаб қўяди. Аёл киши эмасми, Мало-ҳатни ҳар сафар бозорга келганида бозорнинг ана шу қисми оҳанграбодек ўзига тортар, гўзал, бежирим мато-лар ёнидан ўтганида эгнидаги қўлагининг эскирган-лиги янаям, янаям билинаверар эди. Шундай бўлса ҳам у ҳар сафар бозорга келганида кийим-кечакларни ал-батта оралар, киймасам ҳам ҳеч бўлмаса томоша қилиб кўзим тўярмикан, деб уларга суқланиб-суқланиб қарар эди. Яқин йиллар ичиди бирорта янги либос киймаган-лиги, эгнидаги қўлагининг оҳори аллақачонлар тўки-либ, кўрган кишининг раҳми келадиган бўлиб қолган-ди. Аслида либос одамга зеб бериш керак бўлса-да, эн-дилиқда аксинча, Малоҳатнинг юзи, қадди-қомаги эг-нидаги кийимларига чирой бериб турар эди. Шундай кез-ларда Малоҳатнинг хўрлиги келиб, тақдиридан хафа бўлиб кетганларига киприклари кўп марта гувоҳ бўлган.

Чўғдай товланиб турган газламалар олдига қандай келиб қолганлигини Малоҳатнинг ўзи сезмай қолди. Гўё кўринмас сеҳрлар уни бу ерга учириб олиб келиб қўйган-дек эди. Уларга суқланиб қараб турганида қандайдир та-ниш овоз: “Буларнинг ҳаммаси сизга ярашади, Мало-ҳат, истаганингизни олинг”, -деди. Малоҳат ярқ этиб ўги-рилиб қаради. Унга эҳтирос билан жилмайиб Мардон қараб турар эди. Башанг кийинган, тўлишиб, чиройли, басавлат одам бўлиб кетибди. Оғзининг бир бурчагида

икки дона тилла тиш ҳам ялтираб турибди. Малоҳат уни кўзларидан таниди.

Мардон кўшни қишлоқдан. У ҳам бир пайтлар Ма-лоҳатнинг ишқида ёнганлардан эди. Совчи юборавериб роса безор қилганди. Малоҳат уни назарга илмасди. Ма-лоҳат унинг юзига тикилди. Қаёқда, энди у аввалги Мар-дон эмасди.

– Чин юракдан айтаяпман, Малоҳат, тортинмай танлайверинг.

– Мен бунақа қиммат матоларни олмоқчи эмас-ман. Шунчаки томоша қилиб ўтаяпман, холос.

Мардон хоҳолаб кулиб юборди.

– Қимматлиги парво қилманг. Ёққанини танланг, бир қўйлаклиги мендан совға бўлади.

– Совға? Нима сабабдан?

– Ўн йилча кўришмай кетган танишларни тақдир яна учраштирганлиги учун

– Нима, бу матолар сизникими?

– Бозорнинг ярми меники.

Малоҳатнинг унга энди чиндан ҳаваси келди. Би-роқ сир бой беришни истамади.

– Майли, Мардон ака, касби-корингизга барака берсин. Узр, мен шошиб турибман, —деб Малоҳат бо-зордан чиқиб кетишга чоғланди.

– Малоҳат, шошманг Малоҳат, —дея Мардон ор-тида қолиб кетди.

Бозордан уйгача ҳам йўл анча узоқ. Шунча йўлга жазирама иссиқда зил-замбил тўрваларни кўтариб бо-ришнинг ўзи бир азоб. Кўпчилик бозордан қайтаяпти. Аммо ҳеч ким тўрвангни кўтаришиб юборайми, демай-ди. Ҳар кимнинг ўз юки бор. Малоҳат қўллари толгани-дан қийналиб, тўрваларни ерга қўйди. Пешонасидаги терни рўмолининг учи билан артиб турган эди, ёнги-насига чўғдай қизил “Нексия” машинаси келиб тўхтади. Машина ойнасидан Мардон қаради:

– Малоҳатхон, ўтиринг машинага, олиб бориб қўяман. Мен ҳам ўшаёққа кетаяпман.

Малоҳат чўчиб тушди.

– Вой, қўйинг-е, пиёда кетавераман. Юким оғир эмас.

– Йўлимиз бир экан деяпман-ку, ўтиравермайсизми. Нимадан кўрқасиз?

Малоҳат тўрваларини кўтариб, тез-тез одимла-ди, машина ҳам думдай эргашиди.

– Малоҳат, ўтирсангиз-чи.

Мардоннинг хирапашшадай ёпишиб олиши Мало-ҳатга эриш туюлди. Аммо жеркиб ташлашга юраги бет-ламади. Машинанинг эргашиб юриши эса одамларнинг гап-сўзи кўпайишига сабаб бўлади. Ноилож Малоҳат машина томон юрди. Мардон ичкаридан олд эшикни очди. Бироқ Малоҳат орқа ўриндиққа ўтирди. Машина ўрнидан оҳиста кўзгалди. Яп-янги олифта машинада юриш Малоҳат учун эртадек эди. Бурчакда кўрқиб, омон-натгина ўтирса-да, шу билан биргаликда у қандайдир завқни ҳам туяр, Мардонга ҳаваси янада ортиб бораёт-ган эди.

Мардон Малоҳатга хушомаднамо сўзларни айтиш-дан, ҳалиям ўша-ўша ой юзли, жоду кўзли Малоҳат-сиз, деб мақташдан чарчамас, гапларига ҳамоҳанг шўх-шўх кулиб қўяр, ўз ҳаётдан бутунлай мамнунлиги сез-илиб турар эди. “Бой-бадавлат, қўли узун бўлиб яша-гандан кейин албатта ҳаётдан мамнун бўладида, —деб ўйлаб борар эди Малоҳат. — Тилла тишлари кўзни қамаш-тириб кулишларини айтмайсизми. Ҳар куни уйи ана шун-дай шўх кулгига тўлиб турса керак. Ҳар нарсдан кўнгли тўқ одам, албатта, яйраб яшайди. Мен-чи, Баҳром ака-чи? Нима учун мана булардек яйраб яшамаймиз? Бал-ки ҳаммасига ўзим айбдордирман. Бошимга кўнмоқчи бўлган бахт қушини ҳадеб қувлайверганим учун тақдир мени шу қоронғу кўчаларга ташлаб кетгандир. Эҳтимол



ўшанда Мардонга тегақолганим яхшимиди. Чўпдек куриб бормасдан, гулдек яшнаётган бўлармидим. Унинг энди хушомадларини қандай тушуниш керак? Юраги тозамикан? Ёки мени пушаймон қилдириш учун атайлаб ўзини шундай тугаяптими? Балки мазах қилаётгандир? Ёки чиндан ҳам ҳалиям?... ”

Машина муюлишга етганда Малоҳат шошиб уни тўхтатди:

— Машинани тўхтатинг, мен шу ерда тушиб қоламан.

— Уйингизгача олиб бориб қўяман.

— Раҳмат Мардон ака. Гап-сўзлардан қўрқаман, шу ерда тушақолай. Буёғига ўзим бораман.

Малоҳат тушгач, Мардон машинани ортга бурди ва кулиб хайрлашди.

Малоҳат кун бўйи Мардонни хаёлидан чиқаролмади. Унинг хушомадларининг мазмунини ҳам ҳеч тушунолмади. Кечки овқат маҳали ҳам шу хаёл уни тарк этмади.

— Ҳа, фаромуш кўринасан, тинчликми? Бирон гап бўлдим сенга? Боядан бери қошиқни ўйнатиб ўтирибсан, ҳеч нарса смайсан ҳам,-деди Баҳром.

— Шундай, ўзим,—деди Малоҳат ва косаларни кўтариб секингина чиқиб кетди.

Кечаси ўринларига ётишгандан кейин Малоҳат тилга кирди:

— Отаси, биз энди шундай яшайверамизми? Турмуш қураётганимизда бундай ҳаётни орзу қилмаган эдик-ку. Одамлар дунёни эгаллаб бўлаяпти. Биз эса бир бурда нонни ҳам минг ўйлаб тишлаймиз. Каттароқ тишлаб қўйсак эртага оч қолиб кетмаймизми, деган хавотир бўлади. Нима учун камбағал деган номни олишимиз керак?

— Ҳали биз ҳам ҳаммадан яхши яшаймиз. Ҳеч нарсадан камимиз бўлмайди. Кўнглим ниманидир сезаяпти. Фақат ҳозир омад биздан юз ўгириб, ишим юришмай турибди. Ҳали ҳаммаси изга тушиб кетади. Йўлимизни топиб оламиз.

— Қачон?

— Бир-икки йил сабр қил, онаси.

— Юз йил деяверинг. Бизга насиб қиладиган бахт бу дунёда бўлмаса керак.

— Нима учундир сенда тоқат деган нарса тугаб борапти. Қаноатли бўл.

— Тоқатнинг ҳам чегараси бор. Бошқалардек шу ҳаётдан хурсанд бўлиб яшасак, дейман. Ёки бизнинг ўйнаб-кулиб яшашга ҳаққимиз йўқми? Ҳеч бўлмаса ёлғиз ўғлимизга шароит яратиб берайлик. Эртага унинг тақдири нима бўлади?

— Айтаяпман-ку ҳаммаси яхши бўлади, деб. Бошимни гаровга қўйиб бўлса ҳам Сардорни Америкада ўқитаман.

Бироздан сўнг Баҳромнинг ухлагани билинди. Малоҳат ҳам кўзларини юмди. Лекин нима учундир шу пайт унинг кўз олдида олифта машина, унинг ойнасидан қараб турган Мардон пайдо бўлди.

\* \* \*

Қизил “Нексия” деярли ҳар якшанба Малоҳатнинг бозордан чиқишини кутиб туради шекилли, у бозордан сал узоқлашиши билан ёнига келиб тўхтайдиган, тилла тишларини ялтиратиб Мардон йўлимиз бир экан, ўтиринг машинага, дейдиган бўлди. Малоҳат ҳам билиб-билмай бунга кўникиб қолди. Ҳатто баъзан ҳадеганда машина ёнига келавермаганидан хавотирлангандек уёқ-буёққа қараб олар эди.

Ҳар сафар ҳазил-мутойиба билан Малоҳатни кулдиршга ҳаракат қиладиган Мардон бир гал ҳазилни чинга айлантирди. У Малоҳатнинг кўлидаги тўрваларни ма-

шина юкхонасига ортди-да, Малоҳатга “ўтир” ишорасини қилди. Малоҳат ҳар галгидек орқа эшикни тортди. Аммо эшик очилмади. Машинани ўт олдириган Мардон унга олд эшикни ичкаридан очди. Малоҳат бироз хижолат бўлиб, атрофга аланглай-аланглай олд ўриндикқа ўтирди.

— Бунча қўрқмасанг, еб қўймайман-ку,-деди Мардон кўзларини қисиб.

Унинг доим сизлаб, энди сенлашга ўтганлиги Малоҳатнинг юрагини жизиллатиб юборди. Шу билан бирга ўртада қандайдир яқинлик ҳам сезгандек бўлди. Лекин сир бой бериб қўйишдан қўрқарди.

— Ҳозир одамлар оғзи билан юрадиган бўлиб кетган. Биров кўриб қолса бас, бутун қишлоққа дoston бўлади.

Машинани ўнқир-чўнқирлардан тез-тез бурган Мардон пайтдан фойдаланиб Малоҳатни елкасидан кучиб ўзига тортди ва тезда юзидан ўпиб олди. Бу кўз очиб юмгудек фурсатда рўй берди. Малоҳат нима бўлганлигини ҳам англамай қарахт бўлиб қолди ва бироздан сўнг зўрға тилга кирди.

— Нима қилаяпсиз, эсингиз жойидами, ахир одамлар кўриб қолади-ку.

Мардон ундан бошқа гап ва муомалани кутиб қалтираётган эди. Бироқ ушбу жавобни эшитгач, ич-ичидан севиниб кетди. Демак, Малоҳат фақат одамлардан қўрқаяпти. Агар одамлар кўрмайдиган вазиятда шу иш қилинса қаршилик кўрсатмайди. Шунинг учун Мардон иккиланмай мақсадга ўтди:

— Биласанми Малоҳат, мен фақат сенга кўнгли қўйганман. Ҳалиям сени яхши кўраман. Ҳали ҳам ўша ўша гўзал Малоҳатсан. Ҳеч ўзгармагансан. Одамлар суқланиб қарайди.—У орқа ўриндикқа қўл узатиб, ял-ял товланиб турган қимматбаҳо матони ва қутичада ялтираётган тилла зиракни олиб, Малоҳатга берди.— Мана бу қўйлакни кийиб, зиракни қулоқларинга тақиб олсанг яна ҳам яшнаб кетасан. Гулдай умрингни беҳуда хазон қилма. Гўзаллик ўткинчи, ҳамманинг ҳаваси келиб турган пайтда ўйнаб-кулиб қол.

— Нималар деяпсиз? Мен бўй қиз эмасман, мунча хушомад қилмасангиз? У даврлар ўтиб кетди. Бошимда эрим бор. Сизнинг ҳам оилангиз, бола-чақангиз бор. Энди нималар деётганингизни бир ўйлаб кўринг-а.

— Қанақа эр, шу Баҳромни эр деб юрибсанми? Сен қимматбаҳо аёлсан. У сен учун нима қила олади? Мана бу эгнингдаги увадаси чиқиб кетган қўйлакни ҳам келин бўлаётганинда онанг олиб берган бўлса керак. Энди келиб-келиб шу молбоқар билан умрингни ўтказиб юбормоқчимисан? Мен бир хато қилганман. Мақсадимда қаттиқ туриб олмаганлигим учун сени бой бериб қўйганман. Ҳали-ҳануз афсусланиб юраман. Энди эса мен бошқа Мардонман. Бир нарсани хоҳладимми, эришмасдан қўймайман. Истаган ишни бажаришга қурбим етади. Хоҳласам ўнта хотин олишим мумкин. Ўнтасининг ҳам этагини болаларга тўлдиролман. Лекин ўнтаси ҳам биргина сенинг ўрнингни босолмаслиги аниқ.

Малоҳат нималарни эшитаётганлигини, қаерда ўтирибди, нималарни кўраяпти, уйқусидими, ўнгидами, ҳеч нарсани ажратолмай қарахт эди. У машинадан тушаётганида кўлидаги совғаларни нима қилишни билмай қолди. Ўзи билан олиб кетса Баҳром бундай қимматбаҳо нарсаларни қаердан олдинг, демайди? Нима деб жавоб беради? Мардоннинг қистовларига қарамай қўйлакни машинада қолдирди. Аммо зиракни ҳадеганда қайтаргиси келмасди. Ҳар ҳолда яшириб қўйиш мумкин-ку. У зиракларни қутичадан олиб, кафтига маҳкам чангаллаб олиб қолди.

Малоҳат зиракни ҳеч кимга сездирмасдан уйнинг бир бурчагига яшириб қўйди. Уйда ёлғиз ўзи қолган пайтларда зирак унга овунчоқ эди. У зиракни астагина қўлига

олар, завқланиб томоша қилар, тилланинг фарқига бо-  
райдиган одамдек тишлаб кўрар, қулоқларига тақиб ой-  
нага термулар эди. Зирак албатта Мардонни, унинг ху-  
шомадларини эслатарди. Шу миттигина буюм ҳақиқатан  
ҳам унинг хуснига хусн кўшиб юборар эди. Лекин аф-  
суски ҳозир уни тақийнинг ҳам, бировга кўрсатиб мақ-  
таннинг ҳам иложи йўқ.

Лекин бир куни Малоҳат ойнага қараб хаёл суриб  
қолганида Зулайҳо келиб қолди. Малоҳат зиракларни  
яширишга улгурмади.

— Вой, Малоҳатхон, бирам ярашибди-ей, бирам  
ярашибди. Ўзимам айтдим-а, нимага шунча чақирсам  
ҳам қарамаяпти деб. Маҳлиё бўлиб ўтирган экансиз-да.  
Янаям очилиб кетибсиз. Буюрсин, ўргилай, буюрсин.  
Қаердан олдингиз?

Малоҳат нима деб жавоб қилишини билмай икки-  
ланиб қолди:

— Қаёқда дейсиз, ҳали олганим йўқ. Онамнинг узоқ  
бир қариндоши бозорга кўтариб келган экан. Сотмоқ-  
чиман, сен олақолгин, деди. Ҳавас қилиб олиб келаве-  
рибман. Отасига оғиз очолмадим. Ўйлаб қарасам, бу қим-  
матбаҳо буюм бўлса. Аҳволимизни эса кўриб турибсиз.  
Шунинг учун кейинги бозорда қайтариб бераман. Унга-  
ча қулоқларим баҳра олиб турсин, деб тақиб-тақиб ола-  
йман.

— Лекин аслида бундай буюмлар сиздай аёллар учун  
чиқарилади. Агар буни тақиб юрсангиз кўп аёллар куй-  
иб ўлишади. Эркакларни-ку асти кўяверинг. Ҳа, айтган-  
ча, ўтган бозор куни қизим Гулбаҳор бир гапни топиб  
келди денг. У аммасиникига гилам тўқиш учун кетаёт-  
ган эди. Қайсидир кўчада сиз бир чиройли машинадан  
тушган эмишсиз. Узоқдан кўриб қолибди қурмағур.

Малоҳат чўчиб тушди:

— Йўғ-е, кўзига шундай кўрингандир-да. Балки бо-  
шқа бировни менга ўхшатгандир. Машинага минишни  
менга ким кўйибди.

— Мен ҳам шундай дедим, ўргилай. Тушингда  
кўргандирсан, дедим. Ўзи шунақа, шу қизимнинг ажи-  
наси бор. Қачон қарасанг, кўзига алланималар кўриниб  
юради. Баъзан кечалари алаҳсираб чиқади.

Зулайҳо кетгач, Малоҳатнинг кўнглига ғулғула туш-  
ди. Энди эҳтиёт бўлмаса ёмон. Арзимаган бир хато учун  
маломатга қолиш ҳеч гап эмас. Охир-оқибат бу гаплар  
Баҳромнинг қулоғига етиб борса нима бўлади? Ахир,  
унга ҳам осон эмас. Шу оиланинг тирикчилиги, тинч-  
лиги учун эртадан кечгача дала кезиб юрибди. Аммо...  
савил қолғур умр ҳам ўтиб бораяпти-да. Ҳиссиз ва маз-  
мунсиз ўтиб бораётган умр эшигини қандайдир ваъда  
қилинаётган шодлик ва омад чертаётган бўлса, бундан  
ҳам воз кечиш осонми?

\* \* \*

Мол боқиш қанчалик азоб иш эканлигини Баҳром  
жазирама иссиқ кунлари тушуниб етди. Дашти биёбон-  
да баъзан бидончада олиб юрган суви ҳам қайнагудек  
исиб қолганида, баъзан суви тугаб қолган, томоғи  
қақраб кетганида дунё кўзига қоронғи кўринар, куч-  
қувватга тўла эркак бўла туриб поданинг орқасидан суд-  
ралиб юргани ўзига алам қилар эди. Шундай кезларда у  
чўпондикни ташлаб, ўзибор биронта жўялироқ иш топ-  
гиси келарди. Аммо яна одамларнинг гап-сўзини, Ка-  
рим оқсоқолни ўйларди. Нима бўлганда ҳам ҳеч курса  
кузнинг ўрталаригача чидаб турмаса, эл орасида бош  
кўтариб юриши қийин. Оқсоқол хафа бўлади. Мол бо-  
қишни ҳам эпловмади касофат, деб одамлар ғийбат гап-  
ни кўпайтиришади. Орияти бор одам бунақа маломат-  
ларга чидай олмайди.

Иссиқ, азобли кунлар ана шундай хаёллар билан  
ўтди. Куз эса совуқ ёмғирлар билан бошланди. Бундан  
Баҳром баттар ташвишга тушди. Чунки у ёмғирли кун-

ларнинг азобларини яхши биларди. Гўё осмон ёз бўйи  
ёмғирни тўплаб, куз келишини орзиқиб кутган, энди  
бирваракайига тўғонини очиб юборгандек эди. Ўн беш  
кунда ўн марта жала куйди. Атрофда егулик тугаганлиги  
учун Баҳром кейинги пайтларда подани Ўликжар то-  
монга ҳайдаётган, бу беҳосият жарлик ёнидан ҳар гал  
ўтаётганида кўрқаверганидан юраги безиллаб қолган эди.

Айниқса кейинги икки кун ёққан ёмғир иморат-  
ларнинг деворларини ҳам захлатиб юборди. Кечаси ём-  
ғир кўп ёққанидан ошхонанинг тоmidан чакки ўтаве-  
риб, охири қаеридир бир мушук сиғадигандек ўйилиб  
ҳам тушибди. Эрталаб Баҳром уни тузатиб кўймоқчи эди,  
Малоҳат кўнмади. Сиз подани ҳайдаб кетаверинг, Сар-  
дор мактабдан келгач икковлашиб тузатиб қўямиз, деди.

Мактабдан қайтган Сардор энг шимириб ишга ки-  
ришиб кетди. Аввал кўчадан уч-тўрт челақ тупроқ та-  
шиб келиб, сомон лой қориб қўйди. Малоҳат ёрдамлаш-  
моқчи бўлган эди, уринтирмади. Сиз фақат томга нар-  
вонни кўйиб юборишангиз бўлди, қолганини ўзим  
эплайман, деди. Кейин бир нечта таёқ топиб келиб,  
томдаги ўйилган жойга қалаштириб чиқди. Ходанинг  
устига сомон тўшади. Пастга тушиб, челақни лойга  
тўлдирди-да, нарвондан чиқа бошлади. Челақ зилдай  
оғир эди. Шунинг учун оёқлари қалтирай-қалтирай зўрға  
кўтарилди. Нарвоннинг энг юқори погонасига етган ҳам  
эдики, ер лой эмасми, нарвон сирпаниб кетиб, Сардор  
чирпирак бўлиб йиқилиб тушди. Тошга қаттиқ урилган  
бошини ушлаб бир ингради-ю, ҳушини йўқотди. Унинг  
инграган овозини ошхона ичкарасида турган Малоҳат  
эшитиб, юраги чиқаёзди. Югуриб чиқди-ю, Сардорни  
беҳуш кўриб, чинқириб юборди. У Сардорнинг бошини  
кўксига босар, юзларига дам-бадам шапатилар, дод-  
фарёд солиб йиғлар эди. Сардорнинг ёрилган бошидан  
оқаётган қондан Малоҳатнинг билаклари қип-қизил  
бўлди. Унинг овозини биринчи бўлиб эшитган Зулайҳо  
нима гаплигини англамай шоша-пиша югуриб келди. У  
ҳам Малоҳатга кўшилиб йиглаб юборди. Кейин дарров  
бошидаги рўмолини ечиб, Сардорнинг бошини маҳкам  
боғлади. Икковлашиб уни уйга олиб киришди. Малоҳат  
болагинам, деб йиғлашдан бошқани билмасди:

— Ўйилиб, илма-тешик бўлиб кетмайдими шу том.  
Сен йиқилгунча шу ўйиқ том мени босиб қолса бўлмас-  
миди. Ўт тушсин ҳаммасига, сув олсин ҳаммасини. Сен-  
сиз мен яшаб нима қиламан. Кўзингни оч, болам!

Зулайҳо тўзгиган сочлари билан уйига чошиб кетди.  
Катта қизини Омон дўхтирникига зириллатди, ўртанчи-  
сини Баҳромни айтиб келиш учун далага юборди. Ўзи эса  
яна чошиб келиб, Сардорнинг қўл-оёқларини уқалайвер-  
ди. Кўп ўтмай Омон дўхтир, югуриб келган шекилли,  
тиззасигача лойга беланиб етиб келди. У Сардорни бироз  
текшириб кўргач, дарров қўлтигига қистириб келган қути-  
часини очиб, муолажага киришиб кетди.

Зулайҳонинг қизи далага етиб борганида Баҳром  
хуржунинг устига ўтириб олиб, китоб ўқиётган эди.  
Бечора қиз шошганидан оёқяланг чопган экан. Ҳаммаёғи  
лойга беланиб, гапиролмай пишнар эди. Уни бу алфоз-  
да кўрган Баҳром кўрқиб кетди.

— Баҳром ака, тезда уйга борар экансиз, Сардорга  
нимадир бўлибди, — деди қиз зўрға оғиз жуфтлаб.

Баҳромнинг боши ғувиллаб, кўз олди қоронғула-  
шиб кетди. Ўрнидан сакраб турди.

— Нега, нима бўлди? Қаерда ўзи?

— Билмадим.

— Сен оёқяланг экансан, анави эшакни миниб  
қайтавер. Мен кетдим.

— Йўғ-е, эшак минишга уяламан. Яёв кетаверман.

Баҳром бор кучини оёққа бериб чопакетди. Қиз ҳам  
у билан изма-из югурди. Йўл-йўлакай Баҳромнинг бо-  
шида минг хил ўй айланар, нима содир бўлганлигини  
билишга шошилар эди. Олдинда уни гўё даҳшатли воқеа



кутаётгандек кўзларидан тирқираб ёш отилиб кетди.

Баҳром уйига етиб келганда хотинлар уввос солиб йиғлашдан тўхташган, Сардор бироз ўзига келган, инграиб нафас олар, алаҳсирар, Омон дўхтир унинг қўл-оёқларини уқалаётган эди. Баҳром кирасолиб Сардорнинг ёнига чўкди. Жавдираган кўзлари билан аввал дўхтирга, кейин Малоҳатга қаради.

— Томдан йиқилиб тушди,—деб Малоҳат юзини кафтлари билан ёпиб, яна ҳиқиллаб йиғлай бошлади.

— Ҳозир салгина ўзига келди. Лекин зудлик билан район марказидаги шифохонага олиб бормасак бўлмайди,— деди дўхтир. —Кўчага чиқиб биронта машина топиб келинг. Ўглингизга мен қараб тураман.

Баҳром кўчага югуриб кетди. Катта йўлга чиқиб, атрофга қаради. Аксига олиб ҳадеганда биронта машина ҳам ўтавермади. Ниҳоят, узокдан бир шарпа кўринди. Яқинлашиб келавергач, юк машинаси эканлиги маълум бўлди. Баҳром шошилиб қўл силтади. У авзойидан тўхтайдиганга ўхшамасди. Баҳром унинг йўлига чопиб чиқди. Машина бир силтиниб уни айланиб ўтиб кетди. Машина ойнасидан шофёр бошини чиқариб уни бўралаб сўккани Баҳромга яна ҳам алам қилиб кетди. Яна анча пайтгача биронта машина кўринмади. Кейин бир қип-қизил энгил машина яқинлаша бошлади. Авзойидан у ҳам Баҳромнинг қўл силташига парво қилмайдиганга ўхшади. Баҳром алам устида яна йўл ўртасига чопиб чиқди. Бу машина ҳам ундан хурқандек кўчани чагитиб уни айланиб ўтиб кетди. Бу гал шофёр эмас, Баҳром бор овозича бақариб сўкинди. Анчагина жойга етиб қўйган машина бирданига тўхтаб, орқага юриб кела бошлади. Сўкинганимни эшитди, энди ҳойнаҳой муштлашиб қолсак керак, деб Баҳромнинг юрагига гулгула тушди.

Машина шундоққина Баҳромнинг олдига келиб тўхтаб, ойнасини туширди. Ичкаридан тилла тишларини ярқиратиб Мардон қараб турарди.

— Ие, Баҳром, ўзингмисан, жуда ўзгариб кетибсан-у. Қанақа алкаш довдираб юрибди бу йўлда, дебман. Тинчликми, безовта кўринасан?

Баҳром Мардонни кўздан қора кўзойнагини олганидан кейин таниди. Бир пайтлар унинг ҳам Малоҳатга ошиқ бўлиб, совчи қўйганлиги, ўнлаб ошиқлар қатори у ҳам бармоқ тишлаб қолаверганлиги Баҳромнинг ёдига тушди. Аммо шу тобда уни эслаб, муҳокама қилиб ўтиришнинг мавриди эмасди. Қолаверса, орадан кўп йиллар ўтиб, қанча сувлар оқиб кетди.

— Биласанми, бошимга кулфат тушди. Ўғлим оғир касал бўлиб қолди. Районга олиб бориш керак экан. Ёрдан беролмайсанми?—деди Баҳром дудуқланиб ва Мардонга умид билан жавдираб қаради.

— Нега олиб бормас эканман, машина одамдан азиз бўптими. Қаёққа ҳайдасак шувёққа юраверди-да. Қани, ўтир машинага.

Баҳром севиниб кетди ва шоша-пиша машинага ўтирди. Аслида у Мардондан бу жавобни кутмаган, қарнайчидан бир пуф, деганларидек шунчаки ёрдан сўраган эди. Ахир, бир пайтлар Малоҳат туфайли иккаласи рақиб бўлиб қолган, Малоҳат Мардонга розилик беришига сал фурсат қолганида ўртада Баҳром пайдо бўлиб, вазият ўзгариб кетган эди.

Сардорни уйдан кўтариб чиқишганида Малоҳат кўча эшик олдида таниш машинани кўриб сесканиб кетди. Бошқа машина бўлса ҳам кўзимга шундай кўринаётгандир, деб кўзларини ишқайди. Аммо қора кўзойнак тақиб олган Мардон машина эшигига суяниб турарди. У қора ойнак тагидан фақатгина Малоҳатга тикилаётган эди. Шунинг учун ҳам атайлаб ойнак тақиб олган. Буни Малоҳат ҳам сездди. Лекин шу тобда буни ўйлашга имкон йўқ, кўнглига қил сигмас эди. Шундай бўлсада, машинада кетишайтиганида Малоҳат бехосдан Мар-

донга орқа ўриндикда ўтириб разм солди. Кейин Баҳромга қаради. Икковининг орасида ер билан осмонча фарқ бордек эди. Бир пайтлар Баҳром ҳар жиҳатдан Мардондан устун кўринар эди. Энди эса.. Малоҳат ўзидан ҳам кўра Баҳромга ачиниб кетди. “Наҳотки ҳаёт чархпалаги шунчалар тез айланган бўлса. Энг юқоридаги энг қуйига тушса, қуйидаги юқорига чиқиб олди. Мардон замондан одимлаб кетибди. Кўп йиллар илгари назар-писанд қилмай, кўнгил кўчамиздан четга улоқтирганимиз одам, мана, вақт-соати келиб оғир кунимизга яраяпти-ку”.

Шифохонада Омон дўхтир бошқа дўхтирларга вазиятни тушунтириб айтди. Сардорни юқорига олиб чиқиб кетишди. Тезда даволаш чораларини кўришди. Сўнг алоҳида хонадан икки кишилик жой ҳам қилиб берилди.

Ҳамма ишлар ўрнига тушгач, Омон дўхтир уйига кетадиган бўлди. Уни Мардон машинасида қўйиб келди. Кейин тонггача ҳеч ким жойидан қимирламади. Оппоқ докага ўралган Сардорнинг ёнида Баҳром ҳам, Малоҳат ҳам мишжа қоқмай ўтирди. Дўхтирлар галма-галдан хабар олиб туришди. Мардон ҳам бир-икки жойга бориб келгач, уйига кетмасликка қарор қилди. Ҳеч ким унга кетавер демади. Ўзи ҳам кетаман, демади. Ярим тунда хонага кирганида Баҳром ҳам, Малоҳат ҳам кўзларини бир нуқтага тикиб, ғамга ботиб ўтиришган эди. Сардор эса пишиллаб ухларди.

— Мен машинада ётақолай. Бирон зарурат бўлса айтарсизлар,— деди Мардон.

У Малоҳатнинг нигоҳидан бирон нарса уқаманми, деб ўйлаган эди. Йўқ, бўлмади. Малоҳат худди уни эшитмагандек жимгина ўтираверди. Унга қарамади ҳам.

Тонгга яқин Сардор кўзини очди. Гапиришлари тетиқ, ўзини тутиши ҳам яхши бўлиб қолди. Аммо унинг кўзи очиқ бўлса-да, нимагадир ҳеч кимни кўрмас эди. Эндигина юзига қувонч югурган Баҳром ва Малоҳатнинг юракларига гулгула тушди.

— Сардор, ўғлим, мени кўраясанми? Мана, мен ёнингга турибман, кўраясанми?— деди Баҳром ташвишланиб.

— Кўзим очилмаяпти, ота.

— Кўзинг очиқ турибди-ку, ўғлим, наҳотки кўрмаётган бўлсанг?

— Баҳром кеча ҳамма дўхтирларга буйруқ бериб юрган ёши кексароқ, оппоқ сочли дўхтирнинг хонасига чопди.

— Ўзим ҳам шундай бўлиб қолишидан кўрққан эдим. Афсус, наилож, — деди дўхтир қовогини солиб.

— Дўхтир, нима десангиз хизматингизни қиламан. Менинг Худодан тилаб олганим—шу ёлғиз ўғлим. Унинг учун жонимни беришга ҳам тайёрман. Илтимос, шу бола мажруҳ бўлиб қолмасин.

— Э, ука қарийб қирқ йилдан бери шу оқ халатни кийиб юраман. Қандай одамларни, не-не воқеаларни кўрмадим. Ишимни бировларнинг хизмати эвазига қилмадим. Оқ халатим оппоқлигича турибди, биронта доғ тушган эмас. Қўлимдан келганча одамларга яхшилиқ қилдим, ҳаётини сақлаб қолдим. Мажруҳ бўлиб қолиш у ёқда турсин, қўлимда жон берганлар ҳам бўлди. Дўхтир дегани ҳам авлиё эмас-да. Қўлимдан келадигани бор, келмайдигани бор. Ҳозир сизга қўшилиб йиғлагим келаяпти. Лекин на чора, ўглингизни тузатишнинг бизда иложи йўқ.

Ўғлингизнинг касали даволанмайдиган касал эмас. Баҳром палатага кириб келганида ичини ит тирнаб ўтирган Малоҳат ярқ этиб унга қаради.

— Қалай, бирон жўяли гап олдингизми?—деди Малоҳат шошиб.

— Ҳа, даволаса бўларкан.

Шу пайт Баҳромнинг эсига сигирлар тушиб кетди. Ахир, пода даладан қолиб кетган эди-ку. Уларнинг аҳволи нима бўлди? Кечкурун даладан қайтишдимикан? Ҳали бу

ерда бозорга солиниб ётган сигир уйга келдимикан? Йўлбарс-чи, эшак-чи? Уйни ҳам овлоқ ташлаб келган эди. Шошилиш керак. Уёқдан ҳам хабар олмаса бўлмайди.

Баҳром Сардорнинг ёнида Малоҳатни қолдириб, ўзи қишлоққа қайтадиган бўлди. У қишлоққа тонг маҳалли уйига яқинлашганида кўча эшиги олдида Ўғилой шақшақ турганлигини кўриб, яна қандай фалокат юз берди экан, деб юраги така-пука бўлиб кетди. Унга яқинлашгач, салом берармикан, дегандек умидланиб қаради. Йўқ, Ўғилой салом бермади. Қайтанга Баҳромнинг қизарган кўзини рўқач қилиб дийдиё қила кетди:

– Улфатчилик зўр бўлди ми дейман? Кечадан бери ароқхўрлик қилиб энди тонг отганди кириб келаяпсизми? Одамларнинг молини далага ташлаб, кайфу-сафoga жўнаворибсизда-а? Шу чўпонликдан топган уч-тўрт сўм чўнтакка сизмадими? Бундан кўра одамнинг ўлгани яхши.

– Нима гап, тинчликми?

– Тинчлик бўлса менга бу ерда пишириб қўйибди ми? Подани далага ташлаб қочиб қолибсиз-ку. Ҳеч ким билмайди, дегансиз-да. Кечкурун подани ҳайдаб келиб, кейин маишатга кетмайсизми. Ўзи чўпонга маишатни ким қўйибди. Кечкурун сигирим қайтмади. Хавотир олиб қидирмаган жойим қолмади. Кечаси билан уч-тўрт марта келиб-кетдим. Тонгга яқин сигиримни Ўликжардан топдим. Жардан йиқилиб ўлибди.

Худо урганни лайғамбар ҳам ҳассаси билан туртади деганлари шу бўлса керак. Шунча кўргилик устидан бу ташвишнинг ҳам чиқиб қолганлигидан Баҳромнинг боши гувиллаб, хўрлиги келди. Эшик томон юрган эди, Ўғилой йўлни тўсди:

– Уйга кйриб овора бўлиб юрманг, барибир ҳеч ким йўқ. Хотинчангиз ҳам сизнинг ароқхўрлик қилиб юргангизни билгандир-да, кетиб қолибди-ку.

Баҳром ҳам жаҳл билан бақиракетди:

– Ҳеч қаяққа кетиб қолгани йўқ. Мен ҳам маишатда юрган эмасман. Афғ-анғоримга қараб айтаётган бўлсанг, кечаси билан ухлаганим йўқ. Айтаяпман-ку сенга, касалхонадан келаяпман. Ўғлим оғир касал бўлиб қолди.

– Сизга болангиз азиз бўлса, менга молим азиз.

– Нима қил дейсан?

– Сигиримни тўлаб берасиз.

– Ўзи бир пулга қиммат, маҳмадона, жардан йиқилиб ўлгур сигир эди.

– Марҳумни ҳақорат қилманг. Ҳар кимники ўзига қадрли. Молимнинг ўрнига молингизни берасиз. Бермангиз меласи билан олиб кетаман. Мана арқон, боғланг сигирингизни.

Бу ўжар аёл билан тортишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у энгиб чиқади. Шунинг учун Баҳром муроса қилишни маъқул кўрди.

– Ўғилой, ҳозир шундоғам бошим ёрилай деяпти. Шу ўлакса сигиринга товон тўлаш керак бўлса тўлайман. Ё сигиримни бераман, ёки сигир олиб бераман. Ўғлим билан хотиним касалхонадан келгунча сабр қилиб тур, илтимос.

Ўғилой нималардир деб қарғаниб кетди. Лекин Баҳром уни эшитмади, парво қилмади. Ҳовлига кирганида Йўлбарс эшик олдида ётган экан Баҳромни кўриши билан чопиб келиб думини ликиллатди. Улар касалхонага кетишгач, кечкурун Зулайҳо эшак билан сигирни оғилга боғлаб, соғиб олган сутни челаққа солиб, уй деворидаги илмоққа илиб кетган экан. Баҳром уйга кирди-ю, эскириб, увадаси чиқиб кетган ёстиққа бошини қўйди-да, хўнграб йиғлаб юборди.

\* \* \*

Шу кундан бошлаб Баҳром пода боқишни бас қилди. Одамлар орасида ҳар хил миш-миш тарқалди. Кимдир

Баҳромнинг қорни тўйибди, энди бунақа номи паст ишларни қилмас эмиш, деди. Кимдир йўқ, унинг бу ерда кунни ўтмай қолибди, энди ишлаб пул топиш учун Жанубий Кореяга кетар эмиш, деди. Ҳатто, Баҳром жардан йиқилиб, кўзи кўр бўлиб қолган эмиш, дегувчилар ҳам топилди. Бу гапларга фақат Карим оқсоқол ишонмади ва нима гаплигини аниқроқ билиш учун кечкурун Баҳромни йўқлаб келди. Баҳром бўлган воқеаларни гапириб бергач, оқсоқол маънос тортиб қолди.

– Нима бўлганда ҳам яна бир ойча подани боқиб турсанг бўлармиди, - деди маслаҳат оҳангида. – Кейин совуқ тушиб, подани яйловга ҳайдашнинг ҳолати қолмайди. Ҳар хил гап-сўзлар ҳам бўлмасди, одамлар ҳам сендан миннатдор бўлар эди.

– Шунча вақт азоб чекдим, ким миннатдор бўлди? Ана энди турмачи аёлга ўлган сигири учун товон тўлашим керак. Аслида сигирни мен жарга итарганим йўқ-ку. Мен одамларни ўйлашим керакми, унда мени ким ўйлайди? Боламга ким ёрдам беради?

Баҳром қишлоқ учун мўлжаллаб турилган сабзавотларни кавлаб олди. Бозорга олиб бориб, арзон пулга сотиб юборди ва касалхонага зир қатнади. Қопдаги бугдойнинг бир қисмини тегирмондан ун қилиб келди. Нонни Зулайҳо ёпиб бериб турди. Бу орада Ўғилой бир неча марта келиб кетди.

Сардорнинг жароҳатлари тузалгач, касалхонадан қайтишди. Улар уйга келиши билан худди пойлаб тургандек Ўғилой ҳам кириб келди ва эшик олдида қўлини белига қўйиб туриб олди.

– Ҳой мен келдим, мана арқон, сигирни боғланг, - деди у дағдага қилиб.

Баҳром бошини чангаллаб ўтириб қолди. Ҳеч нарсадан беҳабар Малоҳат эса ҳайрон бўлиб қотиб қолди.

– Нега бошингизни ушлайсиз? Арқонни ушланг, олиб чиқинг сигирни.

Баҳром нима қиламиз, дегандек Малоҳатга қаради. Малоҳат ҳамон ҳеч нарсани англамасди. Баҳром минғирлаб унга бор гапни тушунтирди. Малоҳат ловуллаб кетди.

– Ие, нега берар эканмиз биттаю битта сигиримизни. Бу кишининг сигири ўлса сизда нима айб. Ўзи йиқилиб ўлибди-ку.

– Э, сен жим ўтир, - деди Ўғилой ғазабга миниб. – Чўпон бўлгандан кейин жавобгар-да. Биров унга подани жар томонга ҳайдасин дебдими. Сенлардан жўяли гап кутиб ўтирган мен аҳмоқ.

Ўғилой шахдам қадам ташлаб оғилхона томонга кетди. У сигирни арқондан бўшатиб, қўлидаги арқон билан боғлади ва оғилхонадан олиб чиқди. Малоҳат дод солганча унинг йўлини тўсган эди, Ўғилой унинг кўкрагидан қаттиқ итариб юборди. Малоҳат ерга ўтириб қолди ва қайтиб ўрнидан туриши бефойдалигини билиб; ўкириб йиғлаб юборди.

– Мен сизга бошиданоқ айтган эдим, шу бехосият чўпонликни бўйингизга олманг, деб. Шунча пайт ишлаб, шу чўпонликдан топганингизга сигир тугул битта ўлимтик бузоқ ололасизми? Энди нимамиз қолди, айтинг? Одамларнинг ўнталаб, йигирматалаб боласи бор, биттаси ҳам майиб бўлмайди. Бизда биргина бола, шу ҳам кўр бўлиб ўтирибди. Ҳатто биргина сигир ҳам бошимизга сизмади. Сизга тегиб нимани кўрдим? Шунчалик ҳам пешонам шўр бўладими менинг. Эркак деган ҳам шунчалик бўшанг бўладими. Жин чалиб кетганими сизни? Фол-мол очириб кўрсангиз бўлмайди.

Малоҳатнинг фарёди Баҳромнинг юрак-бағрини тешиб юборди. У бошини чангаллаган қўйи ўтириб, шу кичиккина оилани эплаб боқолмаган, шундай гўзал аёлни бахтли қилолмай кўзидан қон оқизиб ўтиргани учун ўз-ўзига лаънатлар ўқиди. Малоҳат эса пешонаси шўрлигидан қайғурар, эридан кутган орзу-умидлари пучга чиқ-





қанлигидан афсусланиб, ундан кўнгли буткул совиб бораётган эди.

Шундан сўнг бу хонадонда кўпроқ сукунат ҳукморлик қиладиган бўлди. Баҳромни ўй босган, жимликни бузиш учун нималарнидир гапиришга чоғланмоқчи бўлар, ammo жўяли жавоб эшитишга шубҳа қилгач, гапирмай қўяқоларди. Малоҳатга эса атрофдаги ҳамма нарса муздай кўринар, гўё шу жимжитлик қаърида шиддат билан қариб бораётгандек эди. Сардор энди кўпроқ радио тингларди.

Нима учундир Мардон бу хонадонга тез-тез келиб турадиган бўлди. Келганида, албатта, қўли қуруқ бўлмасди, пакетчада гоҳ конфет, гоҳ ёнғоқ, гоҳ олма кўтариб келарди. У ўзини бу оилага яқин туттишга ҳаракат қиларди. Малоҳат негадир энди ундан унчалик ётсирмаётгандек эди. Баҳром эса Мардоннинг ҳадеб келаверишини ёқтирмади. Ammo уйимга бошқа келма, деб айтишнинг ҳам иложини тополмай қийналарди. Ҳар ҳолда Мардоннинг уларга анчагина хизмати тегиб қўйди.

Баҳромнинг дилидагини сезгандек Йўлбарс ҳам негадир Мардонни ёқтирмас эди. У Мардон ё Баҳромнинг, ё Малоҳатнинг қўриқчилигида то уйга кириб олгунча еб қўйгудек ириллайверар эди. Кейин эса Мардон уйдан чиқиб кетмагунча эшик олдида тинмай вовуллаб тураверарди.

Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, икки ҳовли наридаги кўшнингнинг ўғли келиб: “Отам айтдиларки, эшагимизнинг энди сизга кераги бўлмаса бераркансиз. Устукдаги хиянларимизга керак экан, сўраб келишибди”, - деди. Баҳром оғилдаги эшакни олиб чиқди. У худди энг яқин қадрдонидан ажралаётгандек баттар эзилди. Эшакнинг бўйинларини силади. Хўрлиги келганлигини бошқаларга билдирмаслик учун бироз тескари ўтирилиб турди.

Бола эшакни етаклаб кетаркан, Йўлбарс ҳам эшакнинг бу ердан бутунлай кетаётганлигини билгандек атрофда гир айланиб кўчага кузатиб қўйди. Кўча эшик олдида бироз вовуллаб тургач, қайтиб келиб, ҳамон ҳовли ўртасида аламзада бўлиб қотиб турган Баҳромнинг оёқларига суйкалди. Сўнг ҳовлининг ҳали у бурчагига бориб, ҳали бу бурчагига бориб вовуллайверди.

Ўздан-ўзи тажанг бўлиб қолган Малоҳат ҳовлини чангитиб супура бошлади. Нима иш қилишни, қаёққа боришни билмай, ҳовли ўртасида иягини тиззасига қўйганча Йўлбарснинг бўйинини силаб ўтирган Баҳром Малоҳатнинг бу қилигидан ҳайрон бўлиб, уйга кириб кетди. Йўлбарс эса оғилхона томонга чопиб кетди. Уйда Сардор радио тинглаб ўтирарди.

— Ҳа, ўғлим, радио нима деяпти? — деди Баҳром болишга ёнбошларкан.

— Мен энди бутунлай ҳеч нарсани кўрмайманми? Мактабга ҳам бормади қолдим. Уйдан ҳам ўзим чиқолмайман. Ўзим юрмайман.

Баҳром ич-ичидан эзилиб кетди. Кўзларига ёш қалқди.

— Нега ундай дейсан, ўғлим? Сени ҳали даволатаман. Катта-катта дўхтирларга кўрсатаман. Сен ҳали бутун дунёни кўрасан. Америкада ўқийсан, дегандим-ку. Гапим—гап.

Баҳром берилиб, юрак-юрагидан қайнаб гапирар эди. Сардор эса бошини қуйи солганча жим ўтириб тингларди. Бу гапларни даҳлизда эшитиб ўтирган Малоҳат тутақиб кетди:

— Бу уйга бир бало дориган. Биттаси майиб бўлди, десам бунисининг ҳам мияси айниб қолибди. Эрта-индин мен бир балога йўлиқиб ўлиб қолсам керак. Ҳой, қанақа одамсиз ўзи. Нималар деб вайсаётганингизни биласизми? Дастурхонга бир бўлак нонимизни зўрға топамиз-у, қанақа Америка ҳақида гапираясиз? Сардорни қаерда даволатмоқчисиз? Битимизни сотиб даволатамизми? Шунча ғариб яшаётганимиз етмаётгандек

бизнинг устимиздан мазах қилиб кулаёспизми?

— Бас, - Баҳром жаҳд билан гапни кесди.- Ғариб бўлсак ғариблигимизча қолиб кетмасмиз. Ўйлапман, қандай бўлса ҳам бир йўлини топаман.

Малоҳат хўнграб йиғлаб чиқиб кетди.

\* \* \*

Ҳар куни уйда ўтиравериб Баҳром зерикди. Бир томонга қараса, кўзи кўрмаганидан деворларни пайпаслаб юрган Сардорни кўриб хўрлиги келади. Бошқа томонга қараса, ўзини овутиш учун дуч келган ишга уриниб юрган Малоҳатнинг қош-қовоғидан юраги безиллайди. Малоҳат уззу-кун нима иш қилишни, ким билан кўнгул очиб гаплашишни билмай, ҳовли бўйлаб судралиб, қаёқдаги ишониб бўлмас хомхаёллар билан ўзини овутиб юрган эрини кўришни истамас, ҳар гал унга кўзи тушганда жазаваси кўзиб, нафратланиб кетар эди.

Эрталаб Баҳром бир талай китобларни тутунчага солди-да кўчага отланди. Уни зимдан кузатиб турган Малоҳат: “Китоб жинниси. Шу замонда ҳам китоб титкилаб умр ўтказадими одам. Бу киши янги Америка очмоқчи, хаёлпараст”, деб изидан ғазаб билан қараб қолди. Қаёққа кетаётганлиги, қачон келишини сўрамади ҳам.

Баҳром кутубхонага йўл олди. Вино дўконининг ёнидан ўтаётганида ҳайратдан ёқа ушлади. Дўкон атрофида одамлар илгаригидан уч-тўрт ҳисса кўпайибди. Дўкон худуди ҳам роса кенгайиб кетибди. Кўпдан бери биронта томоша қўйилмай кетган қишлоқ кинотеатри ҳам, болалар боғчаси ҳам бузилиб, дўкон ҳовлисига қўшиб юборилибди. Юсуф тadbиркор деганлари роса ишнинг кўзини биладиган чиқди-да. Қисқа вақтда шунча ўзгариш қилиб юборибди-я. Шунча жойни ўзига хусусий мулк қилиб сотиб олибди. Эски биноларни бузиб, янги айвонлар қурибди. Дўкон ҳовлиси катта майдон бўлиб, атрофини чиройли панжаралар билан ўрабди. Мижозлар кўпайгандан кўпайибди, қойил. Юсуфбойнинг калласи ишлайди. Пулдан пул туғдиришни билади. Тўғрида, шу тобда кинотеатр бузилмай тураверганида унга биров қиармиди? Ахир, битта томошанинг пулига бир бакал пиво беради-ку. Шундоғам дўконнинг ўзи энг қизиқ, текин театр. Вино, ароқ, пиво сотаётган йигитларнинг қўли-қўлига тегмайди. Одамлар бир-бирини уриб-суриб ичкилик олишга шошилишади. Пули етган пулига, етмагани қарзга олиб ичаверишади. Аввал ўз ҳисобларидан олиб ичишади. Кейин қарта ёки домино ўйнаб, ютқазганнинг ҳисобидан ичишади. Тўйиб-бўкиб олганлари учун аста-секин жанжалнинг хумори тута бошлайди. Қарабсизки, битта сўкиниш баҳонасида жанжал-тўполон бошланиб кетади. Кимдир муштлашади, кимдир гиж-гижлайди, кимдир берилиб чапак чалади. Шундай қилиб, ҳар ким ўзича маза қилади. Юзлаб мижозлар орасида башараси момоталоқ бўлмаганлари деярли учрамайди. Ажабо, мижозлар орасида кечагина мактабни битирган ёш-яланглар ҳам кўпайиб қолибди. Бировдан уялиш, тортиниш деган гапларни билишмайди. Аксинча, дўкон ҳовлисининг алоҳида бир қисмини эгаллаб олишиб, қўлларидagi фужирларни жаранг-журинг этказиб тўқиштиришар, сигаретани бурқситиб тутатишар, бир-бирларини мазах қилиб, баралла сўкинишар эди. Магнитофондан шўх-шўх мусиқа овози узлуксиз янграб турарди. Дўкон ҳовлисига сиғмай бораётган ичкиликнинг бадбўй ҳиди ҳовли атрофларига ёйилар, шамол ёрдамида қишлоқ кўчаларига ўтар, ҳовлима-ҳовли ошиб, хонадонларга кириб борар эди.

Ичкиликнинг тутун билан аралашиб кетган қўланса ҳидидан Баҳромнинг кўнгли айниди. Бурнини жийриб, тез-тез қадам ташлади. Ичкилик ичиб ўтирган бир-иккита танишлари уни қўллари билан имлаб қаққиршиди. Лекин Баҳром яна уларни кўрмаганга олиб ўтиб кетди.

Кутубхонага кириб борганида нам тупроқ ва сичқон тезагининг ҳиди анқиб кетган нимқоронғи хонада чол ёлғиз сандиқни михлаётган эди.

— Э, ўғлим, кел, келавер, — деди чол қўлидаги болгани кўйиб, кучоқ очиб кўришаркан.

— Мих ураётган экансиз, сандиқ синибдими?

— Сандиқ-ку синмайди-я, китобларни сичқон кемираяпти. Шунинг учун эски-туски тунукаларни топиб келиб, сандиқни тунука билан қопладим. Китобларнинг ҳаммасини унга жойлашнинг имкони йўқ. Энг сараларини териб, унга солиб қўяман. Бозордан дори топиб келган эдим, ё ҳозирги сичқонларнинг ошқозони темирданми, ишқилиб биронта сичқон ўлмади. Қайтанга болалаб кетди. Китобларни бир бошидан кемиришяпти. Энди кутубхонани кечалари ҳам ёлғиз ташлаб кетиб бўлмади, шекилли.

Баҳром тугундаги китобларни авайлабгина стол устига териб қўйди. Чол лаблари учган иккита пиёлага термосдан чой куйди. Бирини Баҳромга узатди, иккинчисини ўзи пуфлаб ича бошлади.

— Заб келибсанда, Баҳромбой. Ўзим ҳам роса зерикдим. Ҳадеганда одам зоти қадам босмай қўйди бу ерга. Ким билан юрак ёзиб гаплашишни ҳам билмайман. Кўча-кўйга чиқиб, ўтган-кетганлар билан гаплашай десам, мана бу китобларни ёлғиз қолдириб кетишга кўзим қиймайди. Куппа-кундузи эшикка қулфни уриб, кўчада вайсаб юраверсам, ногаҳон сенга ўхшаган биронта одам китоб олиш умидида бу ерга келиб қолса нима бўлади? У индамагани билан китоблар мени қарғайди-да. Устига-устак сичқонлар ҳам менинг кетишимни пойлаб туришади. Китобларни увол қилишнинг гуноҳи ёмон бўлади.

— Ҳозир келаётганимда Юсуф винофурушнинг дўкони ёнидан ўтдим. Роса гавжум экан. Доим шундай гавжум бўлади. Кутубхонани ҳам ўша ерга кўчирсангиз бўлмасмикан?

— Э-ҳе, бу гапни бир айтдинг, қайтиб гапирма. Ахир, у ер аждархонинг коми-ку. Ўша ерга бораётган одамларнинг китоб ўқишга мойиллиги бўлса, топган пулларини ичкиликка сарфлаб, маст-аласт бўлиб, шайтоннинг измида наҳс босиб ётишармиди? Мен уларнинг қўлларига китоб тутқазсам, улар китобларнинг варақларини йиртиб, зах ўтмаслик учун тағларига тўшаб ўтиришади. Сассиқ ароқ қалқиб турган лабларини, бурунларини ана шу варақларга артишади. Қолган варақлардан эса эрмак учун жажжи самолётлар ясаб, осмонга учуриб ўйнайди. Лекин афуски, қўлларидаги варақлардан ҳеч қурса бир састр гапни ўқиб-ўқиб олишмайди. Уларнинг олдига боргандан кўра шу ерда сичқонлар билан гаплашиб ўтирганим маъқул.

Бундай олганда, тўда-тўда бўлиб ўтирган одамлар орасига ўзимни уришдан нима наф? Тунов кунни почта идорасининг олдига борган эдим. Бир тўда одамлар давлатдан бериладиган нафақа пули келишини кутиб ўтирган экан. Хўш улар нималарни гапиришади деб ўйлайсан? Бирортасидан маъно-мангиқли гап чиқмайди. Фақат ҳаётдан норози бўлишгани-бўлишган. Арзимаган нафақа пули учун ҳафталаб, ойлаб ўша ерда ўтираверишади. Қарилар-ку майли-я, тўда-тўда бўлиб ёш-яланлар ўтириб олишибди. Оталарининг, эналарининг нафақа пулини кутишаётган эмиш. Нафақани олгандан кейин ҳам у ерни тарк этишмайди. Кейинги ойнинг нафақасини кутиб ўтиришаверади. Оғизлари фисқу фасод гаплардан, гийбатлардан чарчамайди. Бирорта фойдали иш билан шуғулланиш эса хаёлларига ҳам келмайди. Ана шундай одамлар билан гурунглашиб, кўнгил ёзиш мумкинми? Ундан кўра шу кутубхонада қулоғим қар бўлиб ўтирганим яхши. Ўзимнинг китобларим — энг яхши суҳбатдошларим.

Чол бошидан телпагини ечиб, пешонасини артди.

Асабини тинчлантириш учун босиб-босиб чой ҳўплади.

— Бобом роса эзма бўлиб кетибди, деб ўйлаётгандирсан? Ичим ҳасратга тўлиб кетган. Ҳар замонда кимгадир дардимни ёриб туришим керак-ку. Шунинг учун баъзан кўп гапириб юборсам айбга буюрмагин болам. Ўзингнинг ишларинг қалай? — деди кейин мавзуни ўзгартириш учун.

\* \* \*

Малоҳатнинг гапирмай қош-қовоқ қилиб юраверишидан Баҳромнинг юраги зада бўлди. Бир бошлаб тартибга чақириб қўйай деса, онамни койидингиз, деб. Сардорнинг кўнгли ранжийди. Шусиз ҳам Баҳром ўғлининг кўзи кўрмай қийналаётганини сезиб, ич-ичидан эзилар, ҳеч кимга билдирмай баъзан пана-панада йиғлаб-йиғлаб олар эди. Бир-бирига таскин бериб, бирга ўйлаб чора қидириши лозим бўлган шундай пайтда Малоҳатнинг тўнини тескари қийиб юриши Баҳромнинг гашини ҳам келтирар эди. “Эҳ, эсипаст хотин, ҳали қараб тур, биз ҳаммадан яхши яшаймиз. Қани ўшанда ҳам қош-қовоқ қилармикансан», деб кўнглидан ўтказарди Баҳром. У қачон, ниманинг ҳисобига яхши яшашини билмас эди-ю, аммо келажакда ишлари юришиб кетиши мумкинлигини нима учундир бутун вужуди билан ҳис қиларди.

Малоҳат уйда ун тамом бўлганлигини айтган эди. Баҳром бир қоп буғдойни елкасида кўтариб, тегирмонга олиб борди. Тегирмон қишлоқнинг чеккасида эди, етиб борганча роса қийналди. Яхшиямки ер лой эмас, қуп-қуруқ. Аммо ачиққина совуқ ўпкани тешиб юборай дейди. Куз бошида серёмғир келган, одамлар дала-лардаги ҳосилларни йиғиб ололмай қолишдан кўрққан эди. Бироқ кейин ёғингарчилик тақа-тақ тўхтади. Ҳаво гоҳ исиб, гоҳ совиб кетарди. Ёғингарчилик эса, қиш келаяпти ҳамки, дарак кўрсатмай қўйди. Бундай қуруқ ҳавода касаллик қўпайиши турган гап. Шунинг учун Баҳром елкасидаги юкдан оғринмас, лекин ҳансираб нафас олаётиб, касал бўлиб қолишдан кўрқар эди ва ҳар гал тўхтаганида чопони билан юзини ёпиб, иссиқ нафас олишга уринарди. Шу пайтда эшакнинг ҳам қадри ўтди. Қандай яхши эди-я.

Тегирмонда навбат кутувчилар кўпчилик экан. Баҳром одамларнинг вайсашларига қулоқ тутиб, пешинга-ча навбат кутди. Кейин иссиқ ун солинган қопни елкалаб, уйга қайтди. Энди қоп оғирлик қилса ҳам у ҳадеганда елкасидан туширгиси келмасди. Совуқ кунда қопнинг елкадан иссиқ бериб туриши жонга ҳузур бағишларди.

Баҳром ҳовлига кириши билан сесканиб кетди. Малоҳат билан Сардор ҳовли ўртасида туришар, нимадандир қаттиқ кўрқиб дийдирашар, Йўлбарс эса тили осилганча ҳовли бўйлаб безовталаниб чопар, ўзини ҳали деворга, ҳали эшикка урар эди. Баҳромнинг елкасидан қоп тушиб кетди. У бироз ҳайкалдек қотиб турди. Малоҳатга савол назари билан қараган эди, у ҳеч нарсани билмаслигини ўқтиргандек елка қисди ва йиғлаб юборди. Баҳром ниманидир сезгандек, Йўлбарсни ушлаш учун орқасидан чопди. Йиғламсираган овоз билан: “Тўхта, Йўлбарс, тўхта, Йўлбарсжон тўхта”, дер эди. Ит эса тўхтовсиз чопар, баъзан айлониб келаб ўзини уй эшигига урар эди. Ит чопа-чопа ҳолдан тойдди. Ўзини уриш учун эшикка яқинлашганида Баҳром эшикни очиб юборди. Ит ичкарига отилиб кирди-ю, даҳлизга ётиб олди.

— Дори, кимдир дори берибди. Падарига минг лаянат, бақирди терга тушиб кетган Баҳром. Ҳовлига бирон киши келганмиди?

— Йўқ, ҳеч ким келгани йўқ.

— Ҳовлига девордан ошириб ташлаб кетган-да дорини. Бунақа дорини кутурган итларни ўлдириш учун беришарди-ку. Йўлбарснинг айби нима эди? Бу соппа-

соғ эди-ку. Сув олиб кел. Чаққон-чаққон бўл.

Малоҳат бир коса сув олиб келди. Ҳансираётган ит сувни шалолатиб ичди.

— Бир шиша қатиқ олиб кел.

— Қатиқ йўқ эди.

— Қўшнидан сўра. Тезроқ қимирла, чоп.

Малоҳат бир зумда қўшниникидан бир шиша қатиқ топиб келди. Аммо ит тобора ҳолсизланиб бораётган эди. Баҳром итнинг оғзига шишани солиб, қатиқни куя бошлади. Ит бир ўқчиган эди, томоғидан қайтган қатиқ ерга оқиб кетди. Оёқлари баралла узалиб, боши секин оға бошлади. Баҳром жон талвасасида қўлидаги шишани четга улоқтириб, Йўлбарсни бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди:

— Шошма, Йўлбарс, ўлма. Яшаб тур, Йўлбарс, ўлма, Йўлбарсжо-о-он.

Баҳром бор овозда додлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Ит ҳансирашдан тўхтаб, шу дақиқагача сўниб борган кўзларини аста юмди. Буларнинг барчасини кўрмаса-да, эшитиб, сезиб турган Сардор даҳлизнинг бир бурчагида кўрқувдан қалтираб ўтирарди.

Баҳром итни кучиб узоқ йиғлади. Йўлбарсга заҳар берганини қарғаб, алам билан зорланиб йиғлади:

— Қандай вафодар ит эди-я! Уйимни бало-қазолардан қўриқлайдиган суянчим эди-я, ит бўлса ҳам кўп одамлардан кўра ақллироқ эди-я!

Баҳромнинг бундай ҳолатга тушиб, фарёд кўтаришини энди кўраётган Малоҳат ҳам чидаб туролмади. Овоз чиқармай юм-юм йиғлади.

Баҳром эрталаб итни қир этагига кўмиб келди. Изтироблар Баҳромни буткул исканжага олди. Гўё унинг ҳамма орзу-умидлари пучга чиқаётган, энг яқин кишилари бирин-кетин уни аламлар гирдобига ташлаб кетаётган эди. У қарахт бўлиб қолди. Нимани ўйлаётганлигини, қаерга бораётганлигини ҳам билмасди.

Бир маҳал уни кимдир исмини айтиб чақирди. Ўзига келиб қараса, вино дўкони ёнига келиб қолган экан. Одам унчалик кўп эмас, ҳали гавжумлашмаган эди. Айвон тагида уни чақирган Қурбонни зўрға таниди. Шу кунни у биринчи марта винохона ҳовлисига қадам қўйди. Ичкилик ва тутуннинг қўланса ҳиди ҳам нима учундир кўнглини айнитмади. Қурбон иккаласи айвон тагидаги стол ёнида ўтириб суҳбат қуришди.

— Нимага бунча хаёл сурасан, эсинг кирди-чиқди бўлиб қолдимиз?— деди Қурбон.

— Ўзим шундай. Бошим оғриб турибди.

— Бош оғриётган бўлса ҳозир чорасини топамиз-да, — деди Қурбон ва хизматчи болани чақириб, тўртта сомса билан бир шиша ароқ олиб келишни буюрди. — Кўринишиндан анча чарчаганга ўхшайсан. Мол боқиш ҳам осон иш эмас-да. Лекин офтобда роса куйибсан. Чиниққансан-да. Ана энди киш бўйи совқотмайсан. Касал ҳам бўлмайсан. Ўзи яланғоч бўлиб даштга чиқиб кетиш керак. Қуёшнинг нурига тўйиб олганга нима етсин. Қани оғайни, мана буни олайлик-чи.

Пиёлалар чўқишди. Жаранг-журинг овозлар чиқди. Биринчи шиша йиқилиб, иккинчи шишанинг қалпоғи ечилди.

— Одамларнинг айтишларига қараганда, ишларинг юришмай қолган эмиш. Бошингга кўп ташвишлар тушибди. Энди нима қилмоқчисан?

— Ҳозир бекорхўжаман. Бошим қотган. Уйимдан фаришта қочган кўринади. Ҳамма ҳавас қиладиган итим бор эди, ўлиб қолди. Биттагина сигирим бор эди, турмачи хотин тортиб олди. Ёлғизгина ўғлимнинг ҳам кўзи кўрмаяпти. Ҳаммасига мен сабабчидек хотинимнинг мендан кўнгли совиб бораёпти. Ўғлимни даволатишим, ўқитишим керак.

— Пул керакми, керагича пул топсанг шу мақсадларинг амалга ошадими? Ундай бўлса пул топамиз, жўра.

Кўнглингни тўқ қил. Сенга бир ишни таклиф қиламан. Зора омадинг чопиб кетса.

— Қандай иш экан?

— Яна икки-уч ҳафтадан кейин Қиличбек Нуротадан келади. Икковимиз Тўғонсойга бориб олтин қазиб олишни мўлжаллаб қўйибмиз. Сен ҳам биз билан юр. Уч кишига анча осон бўлади. Эшитган бўлсанг, илгари Тўғонсойда олтин кони бор эди. Йиллар давомида тоғни емириб, олтин қазиб олишди. Анча йиллар бўлди, қончилар у ерни ташлаб кетишган. Энди одамлар ана шу кон атрофидаги қавланмаган ерларни қазиб, қўлбола усулда олтин тозалаб олишяпти. Ёзда Тўғонсойликлар унча-мунча одамни у ерларга яқинлаштиришмайди. Ўзлари қавлашади-да. Қишда эса у ёққа деярли одамлар боришмайди. Чунки олтин қазиб машаққатли иш. Қишда яна ҳам оғир бўлади. Аммо илож қанча, тирикчилик учун борамиз-да. Ана, Қулматни қара, ейишга нон тополмай, тиланчилик қилишига озгина қолган эди. Тўғонсойга бориб, танишлари билан олтин қидирди. Бир кунни кум орасидан мана шу иккита бармоқдек келадиган соф олтин топиб олибди. Қарабсанки, шаҳарга жўнаворди. Ишлари юришиб кетди. Машинасини кўрсанг ҳавас қиласан. Омад-да, дўстим, омад. Борасанми?

Баҳром сўнгги қадаҳни даст кўтарди ва стаканни столга таққиллатиб қўйди:

— Бораман.

Кечкурун атрофга қоронғулик чўка бошлаганда Баҳром уйга кириб келди. У ҳар гал эшикдан кириши билан биринчи бўлиб Йўлбарс кутиб оларди ва атрофида суйкалиб айланарди. Энди у кунлар армон бўлиб қолди. Эшик олдида уни Малоҳат таажжуб билан қарши олди:

— Вой тавба, ҳа, нима бўлди, қайси саховатпеша сийлаб юборди? Аламингизни энди ичкиликдан олмоқчимисиз? Шуми энди бизнинг кўрадиган кунимиз?

— Э, ўчирсанг-чи, — деди Баҳром ва боши айланиб, супага ўтириб қолди. Кўзини гира-шира очиб, Малоҳатга қаради. Малоҳат унга нафрат билан қараб турарди. Нималардир деб қарганарди. Кейин у шартта бурилиб, қоронғи уйга кириб кетди.

Малоҳат ёстиққа юзини босиб юм-юм йиғлади. Шу пайтгача хаёлпарастлиги билан гашини келтириб юрган эди энди ароқхўрликни ҳам бошлабди. Наҳотки энди бундан буёғига кўр ўғли ва ароқхўр эр билан умр ўтказса? Наҳотки не-не орзулар билан бошлаган турмуши шу билан якун топса? Ахир, қанча эпчил йигитлар унинг ортидан эргашган эди. Керак бўлса унинг хусни-жамоли олдида ҳали ҳам қанча замонавий эркаклар бош эгиб туради. Баҳромнинг бўлмагур гапларига, рўёбга чиқмайдиган хаёлий орзуларига кўр-кўрона ишониб келгани учун энди у ўзини лаънатлар эди.

Баҳром супада узоқ ўтирди. Охири совқотиб қолганлигини сизди. Қани эди биров ҳозир ёрдам берса-ю, иссиқ тўшакка етиб олса. Томоғи қақраб кетди. Аммо ҳеч ким унга ёрдамга келмади. У судрала-судрала даҳлизга кириб олди ва шу кўйи ухлаб қолди. Ярим тунда томоғи қақраб уйғонди. Боши ёрилиб кетгудек бўлар, оёқларида мадор йўқ эди. Бурчақда турган челақни пайпаслаб топиб олди. Челақни кўтариб, қониб-қониб сув ичди. Шундан сўнг бироз ўзига келди. Боши, қўллари, елкаси зирқираб оғриётган эди. Қоронғуда ҳеч нарса кўринмас эди. Оқиқ эшикдан уй ичига кулоқ тутди. Сардор пишиллаб ухлар, Малоҳатнинг эса бор-йўқлиги сезилмади. Баҳром бироз бошини чангаллаб турди. Бир пайт Сардор алаҳсирай бошлади:

— Кет, кет, қўйиб юбор деяпман, кирма, ота-а-а!

Баҳром чўчиб тушди. Қоронғида пайпаслаб, эмак-лаб Сардор ётган жойга борди. Малоҳат ҳам шошиб ўрнидан турди ва мойчироқни ёқди. Сардор тўшакда ўтирганча ҳансираб нафас олар ва терга ботган эди.

- Нима бўлди ўғлим, нимадан қўрқдинг?
- Сув, сув беринг, - деди Сардор.
- Малоҳат бир коса сув олиб келди.
- Ёмон туш кўрдим, ота.

Баҳром билан Малоҳат Сардорни юпатишди. Малоҳат сочиқ билан унинг терларини артди. Сардор яна уйкуга кетди. Кейин Баҳром билан Малоҳат ҳам ўринларига чўзилишди. Баҳром ҳар томонга ағдарилиб ётди. Аммо кўзига уйку келмади. Малоҳатнинг ҳам ухламаётганлиги сезилиб турарди.

- Нега ухламаяпсан? — деди Баҳром.
- Ухлаб нима қиламан. Сиз ухласангиз ярашади. Маишатдан келдингиз, чарчагансиз. Ҳали эртага хурмачангиз яна қанча ароқни кўтариши керак. Мен билан ўғлингизни ўйламасангиз ҳам майли.

– Менга қара, Малоҳат, мен ичкиликка ружу қўйганим йўқ, Ташвишлардан роса эзилиб кетдим. Дўстимни учратиб қолган эдим, бир ичгим келиб кетди. Сен билан Сардорни нега ўйламас эканман? ҳар дақиқада ўйлайман-ку. Нима қилсам сизларни бахтли қиламан, деб уззу-кун бош қотираман.

Султон бойваччага, Турсун бойваччага бориб ялиндим. Улар ҳеч гапни тушунмади. Устимдан қулишди. “Тен-так бўлиб қолибсан. Ўғлингнинг кўзини эмас, аввал ўзингнинг миангни даволат”, дейишди. Ана шундай одамлар билан битта элга мансуб бўлиб яшаётганингдан афсусланиб кетасан киши.

Энди эса ҳеч кимга ялинмайман. Толеимдан кутиб, одамлардан умид қилиб ҳеч нарсага эришмадим. Оллоҳ таоло ҳам бандаларига айтган экан, сендан ҳаракат — мендан баракат, деб. Тўғонсойга бораман. Олтин қидираман. Ишлайман. Кечаю кундуз тинмасдан ишлайвераман. Елкаларим яғир бўлиб кетса ҳам ишлайвераман. Бир кун келиб мақсадларимга албатта эришаман. Сен кўпам сиқилаверма. Ҳали биз энг бахтли одамлар бўламиз. Имомни комил. Кўнглим сезиб турибди. Сардорнинг кўзи албатта очилади. У албатта Америкада ўқийди.

Малоҳат тескари ўғирилганча ҳаммасини жим ётиб эшитди. “чиндан ҳам тентак бўлиб қолибди, — хаёлидан ўтказди у. — Шу охири йўқ хаёллар билан ўзини овутомқчимми? Ёки мени алдовларга ишонтириб юриш эвазига умр ўтказмоқчимми? Тўғонсойда биров унга олтин тайёрлаб қўйибдими. Агар ўша олтин топиш мумкин бўлганда Тўғонсойнинг ҳар қарич ери тилла баробар бўлиб кетарди-да. Қанча-қанча эпчиллар бунга ўхшаган бўшангларни уёқларга яқинлаштирмасди ҳам. Эҳ, хом-хаёл, умримга зомин бўлдинг-а”.

Малоҳатнинг жимгина ётишидан Баҳром ҳамма гапларни унга тўғри тушунтира олдим, хайрият, деб ўйлади ва хотиржам уйкуга кетди.

\* \* \*

Шундан кейин Сардор тез-тез кечалари алаҳсираб чиқадиган бўлди. У ёмон тушлар кўрар, қўрқиб уйғонар, баъзан уйқусида гапириб, Баҳром билан Малоҳатни ҳам қўрқитиб юборар эди. Уни балки нимадандир қаттиқ қўрқиб, юраги тушган бўлса керак, деб ўйлашди. Малоҳат уни Ҳалима кампирниқига етаклаб борди. Кампир унинг юрагини текшириб кўрди. Тушмабди, жойида экан. Кейин ирим-сиримларни қилди. Уйингга олиб бориб тутат, деб бир тутам исириқ бериб юборди.

Бироқ Сардорнинг тунги безовталанишлари бутунлай йўқ бўлиб кетмади. У кечалари уйғониб кетар ва нимадан қўрқётганини ўзи ҳам билмай дағ-дақ титрар эди.

- Ота, дераза билан эшикни яхшилаб маҳкамланадиган қилинг, — деди бир куни Сардор.
- Қулф ўрнатайми?
- Ҳа
- Ўрнатмасам биров кирармиди, ўғлим?

– Билмасам.

Баҳром бироз ўйланиб турди-да, балки шундай қилса кўнгли хотиржам бўлиб, қўрқуви йўқолар, деб ишга киришди. Оғилхонада ётган қоғоз ичидаги эски-туски анжомлар орасидан мих, қулф ўтказиладиган лашлушлар, ҳатто қулф ҳам топилди. Сардор фалоқатга учрагунга қадар уйнинг кичик хонасида бир ўзи ухлар, Баҳром билан Малоҳат эса каттароқ хонада ётишар эди. Касалхонадан қайтгандан кейин эса Малоҳат Сардорнинг ўрнини ҳам катта хонага соладиган бўлган эди. Шунинг учун Баҳром катта хонанинг эшигига ташқаридан ҳам, ичкаридан ҳам қулф осадиган қилди. Аммо деразага панжара йўқ-да.

Бу муаммо ҳам Баҳромни кўп қийнамади. Икки кундан кейин эшик тақиллатиб Қурбон келиб қолди.

– Келаси ҳафтада Қиличбек келади. Тайёргарлингни кўриб қўй. Ишни бошлаймиз, оғайни, - деди у қўлларини ишқаб.

– Мабодо сенда деразабоп биронта панжара топилмайдами? — деди Баҳром.

– Нима, сен кетсанг уйингга ўғри тушармиди?

– Ўғри-ку мендан умид қилмас, лекин ўғлим нимагадир безовта бўлаяпти.

Ундай бўлса ҳозир, ярим соатда ҳал қиламиз. Қурбон мотоциклини тариллатиб жўнаб кетди ва кўп ўтмай кўлида темир панжара билан қайтиб келди.

– Мана жўра, бунақа ишлар беш дақиқалик гап-ку,— деди Қурбон, панжарани касалхонанинг ташландиқ биносидаги деразадан кўпориб олганлигини эса айтмади.

Қурбонни кузатиб қўйгач, Баҳром панжарани ўрнатди. Кейин Сардорни етаклаб эшик ва дераза олди-га олиб борди. Сардор қулфни ҳам, панжарани ҳам пайпаслаб ушлагач, бироз энгил тортгандек бўлди. Шундан сўнг ҳам баъзида кечаси уйғониб кетар, лекин энди ҳеч кимнинг уйқусига зиён етказмас эди.

Орадан бир ҳафта ўтгач эса ҳовлига Қурбон билан Қиличбек кириб келди.

– Кўч-кўронинг тайёрми? Эртага жўнаймиз, - деди Қурбон. — Кўп нарса керак эмас. Учаламиз у ёқда тоғамнинг уйига жойлашамиз. Тоғам бағри кенг одам. Кўрпа-тўшак, ҳамма нарса етарли. Фақат иссиқ кийим билан бироз озик-овқат олсак бўлди. Тўғонсой анча узоқ. Ҳар куни бориб-келавиришнинг иложи йўқ. Ҳафталаб қолиб кетишимиз мумкин. Велосипед созми?

– Нима, у ёққа велосипедда борамизми?

– Қиш ҳавоси. Бундай пайтда Тўғонсойнинг ўнқир-чўнқир қирлари мотоциклини хушламайди. Велосипед ёки эшак миниб борилса беҳавотир бўлади.

Баҳром кўпдан бери оғилхонада чанг босиб ётган велосипедни олиб чиқди.

– Э, бунинг занглаб адо бўлай деб қолибди-ку, - деди Қиличбек. — Ҳечқиси йўқ. Юринглар, бунди Содиқ устага олиб борамиз. Ҳаммаёғини созлаб, қўғирчоқдек қилиб беради.

Учовлон шалоқ велосипедни судраб кўчага отла-нишди. Тушдан кейин Баҳром топ-тоза ювилган, занжирлари мойланган, тулпордек гижингланган велосипед билан қайтиб келди. Рулига гилдираги айланганда ёна-диган фонар ҳам ўрнатиб олибди. Баҳром велосипедни уй деворига суяб қўйди ва ўзи бироз ортга чекиниб, велосипедни ҳавас билан яна томоша қилди. Эрталаб қандай аҳволда эди-ю, энди қандай бўлди. Эшикка суяниб норози қиёфада қараб турган Малоҳатга кўзи тушди-ю, мийиғида қулиб қўйди. “Шошмай тур, ҳали сен ҳам бугун қай аҳволдасан-у, эртага қандай бўласан. Худо хоҳласа ҳали биз энг бахтли бўламиз. Уйимиз обод бўлиб кетади. Сен шу уйга энг сара гулдек чирой бериб турасан” дея хаёлидан ўтказди у.

Қовоғидан қор ёғиб турса-да, Малоҳат бир хуржун

нон пишириб берди. Ҳамма анжомларни велосипедга жойлаб, Баҳром эрталаб ўртоқлари билан сафарга жўнади. Ҳавонинг юмшаб қолганидан учовлон хурсанд бўлди. Буни Худонинг ўзи оқ йўл бераётганлигига ва турли яхшиликларга йўйишди.

Чамаси икки-уч соатлардан кейин улар Тўғонсойга етиб келишди. Ўнқир-чўнқир қир ва тепаликлар орасида жойлашган яккам-дуккам уйлардан иборат бу кишлоқ галати манзара касб этган. Ҳаммаёқ шағал, қумтошлардан иборат. Шу тошлоқ қирлардан ҳам ёвшан ва янтоқлар униб чиққан ва улар қиш шамолдан чийиллаган овоз чиқариб турибди. Чор-атрофни худди каламушлар ковлаб ташлаганга ўхшайди. Лекин улар каламуш ини эмас. Чунки уларга одам бемалол сиғиши мумкин.

— Мана булар қанақа каламушнинг ини?—сўради Баҳром шерикларидан.

— Буларми, одам-каламушларнинг ини,—деди Қурбон хохолаб кулиб.— Бу томонларга биринчи марта келаяпсан шекилли? Ахир, бу ерлардан одамлар олтин кавлашган-ку. Қара, сойнинг икки қирғоғи бўйлаб кавлашган жой йўқ. Ҳаммаёқ илма-тешик қилиб юборилган. Тўғонсойнинг қирлари бой. Ҳаммани боқишга қурби етади. Мана бу сойга баҳорда келсанг борми, кетгинг келмай қолади. Тип-тиниқ тоғ суви дарёдек оқиб этади. Балиқлар гўжгон ўйнайди. Афсуски қишда сув оқмайди. Тоғларда қор эримайди-да.

Улар суви қуриган сой ичидан юриб боришди. Сўнг бир тепаликда уй кўринди. Қурбон шерикларини ўша уй томонга бошлади. Уй эшиги олдида ўйнаб ўтирган бир болакай узоқдан уларни кўриши билан чопиб ичкарига кириб кетди. Бирпасдан кейин ичкаридан елкасига тўнини ташлаб олган кексароқ ёшдаги киши чиқди ва қўлини соябон қилиб қараб турди. Улар ўша уйни мўлжаллаб тепаликка ўрлашди.

Эшик олдида кутиб турган киши Қурбоннинг тоғаси экан. У меҳмонларни кучоқ очиб қаршилади. Уйга киришгач, ҳол-аҳвол сўрашди.

— Гапнинг индаллосини айтсак, бекорчиликдан зерикдик, тоға,— деди Қурбон. — Уч алпқомат эркак бекордан-бекор уйда ётаверсак ярашмас. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди. Ҳар ҳолда эрмак бўлиб туради, деб олтин кавлагани келдик.

— Олтин кавлаш ниятларинг бор экан, иссиқ кунларда қаяқда эдиларингиз? Қиш бошланганда жин-пин урдими?

— Иссиқ кунларда Тўғонсойликларингиз бир сиқим қумга тегинтиргани қўйишмайдию.

— Тўғонсойликларнинг бағри кенг. Ер тагида олтин тикилиб ётибди. Сизлар қўрқмасдан келаверишларингиз керак эди. Ҳали ҳам кунлар унчалик қаттиқ совуқ эмас. Майли, омадларингизни берсин. Лекин қумни ювишга сойда сув йўқ. Шунинг учун тўғоннинг яқинидан кавласаларингиз ишларингиз осон бўлади. Тўғонда доим сув бор. Музлаб қолмаса бўлгани. Кунлар совуб кетса тўпланган сув музлаб қолиши мумкин. Неварам сизларни у ерга бошлаб боради.

Улар ўша куннинг ўзидаёқ ишга киришиб кетишди. Чолнинг невараси улар айтган жойга бошлаб борди. Тўғон дегани чолнинг уйдан икки чақиримча юқоридаги тоғ ўртасидаги бир чуқур дара бўлиб, у юқоридан қараганда бир томони ёриқ улкан пақирни эслатади. Қор-ёмғир сувлари оқиб тушиб шу чуқурликка тўпланади ва сув очиқ томондан сойга оқиб тушади. Агар даранинг ўша очиқ томонига каттароқ тўғон қурилса тайёргина сув омбори пайдо бўлади.

Кейинчалик чолнинг айтишича, бу дарадан бир замонларда Бухоро амирлиги хазинаси учун ҳам қўлбола усулда олтин қазиб олинган. Қумни ювиш учун сув тўплаш керак. Шу мақсадда ўнинчи асрда Бухоро ҳукм-

дори Абдуллахон даранинг очиқ қисмидан сув йўлига харсангларни қалаштириб унча катта бўлмаган тўғон қурдирган. Ана шу тўғон ҳанузгача дарада сувни тўплаб туради. Бу ердан йил бўйи сув узилмайди, ортиқча сув эса тўғондан ошиб, Тўғонсойга оқади. Дунёга донғи кетган Бухоро олтинларики шу ердан чиққанми, демак бу ердан ноумид қайтмасак керак, деб ўйлади Баҳром.

Бу ерни ҳам одамлар илма-тешик қилиб юборибди. Аммо ҳали кавлашмаган жойлар кўп эди. Улар анжомларни хуржундан олиб, ишга шайланишди. Қиличбек даранинг қоқ белидан жой танлади. Шу ерга чўкич билан биринчи зарбани уришди. Дарада улар ёлғиз эмасди. Юз қадамча нарида яна икки киши ишлашгапти. Улар бир-икки кун олдинроқ келишган шекилли, анча-мунча қум қазиб олишибди. Бири чуқурдан челақлаб қум кавлаб узатапти. Иккинчиси қумни олиб пастликка, сув ёқасига тўкиб келмоқда. Челақлаб қум ташиётгани янги келган учовлонга узоқдан анча тикилиб ўтирди. Ич-ичидан ёмон кўраётган бўлса керак. Ўзи шунақа, бу ерга келган ҳамма ўзини ўйлайди. Бошқаларга ҳасад ва қизғаниш билан қарайди. Гўё олтин қипиқларини қумга қориштириб сақлаётган мана шу бой-бадавлат дарага ҳеч ким келмаса-ю, фақат ўзи эғалик қилса. Ҳаммасини ўзи кавлаб олса. Аслида эса, бир қарич жойни қазиб олишнинг ўзи қанчалик машаққат. Бу жойларни кавлаб адо қилиш учун инсоннинг куч-қуввати ҳам, умри ҳам етмайди.

Қиличбек ерга чўкични уриши билан атрофга майда тошлар сачради. Чўкични уриш унчалик қулай бўлмади. Кейин ломни олиб даст кўтариб урди. Қўллари зирқираб кетди. Шундай бўлсада яна ураверди. Чуқур кавланадиган жойни доира қилиб юмшатиб чиқди. Баҳром эса кўпчиган ердан қум-шағалларни кетмон билан тортиб бир четга уя бошлади. Қурбон Қиличбекнинг қўлидан ломни олди. У ҳам тошлардан учкун чиқариб ерни юмшатди. Баҳром яна шағал аралаш қумни кетмон билан тортиди.

— Бу қумларни пастга олиб тушиб юваверайинми? Қандай ювиш керак, олтинни қандай ажратиб оламиз?— деди Баҳром.

Қурбон ҳам, Қиличбек ҳам кулиб юборди.

— Шошма оғайни, ҳали қум ювишгача анча бор. Бу қумни ювганинг билан олтин чиқиб қолмайди. Етти метр чуқур кавлашимиз керак. Ундан чиққан қумни ювсак бўлади, тушундингми? Олтин ҳеч қачон ернинг бетига ётмайди. Ерда ётса олтин бўлмайди, — деди Қурбон.

Улар галма-галдан ломни ураверишди. Жиққа терга ботган Баҳром бир маҳал қўллари ачишаётганини сездди. Дастлаб унча эътибор бермади. Лекин қаттиқроқ ачишгач, ҳайрон бўлиб қўллари қаради. Темир ломни маҳкам сиқиб тошлоқ ерга ураверганидан қўллари ёрилиб, жиққа қонга беланиб кетибди. У нимадир демоқчи бўлиб дўстларига қараган эди, уларнинг ҳам қўллари қон бўлиб ётганини кўриб, индамай қўяқолди.

Қоронги тушгунча улар икки метрча чуқур қазиди. Атрофга шом қоронғиси оралаб, қиш ҳавоси бурунларни чимчилай бошлаганда Қурбон ётоққа қайтиш кераклигини айтди.

— Фонарни ёқ. Ҳали қазаверсак бўлади, — деди Баҳром қўллари зирқираб оғриётганига ҳам қарамдан.

— Дуруст, дуруст. Шижоатинг баланд, — деди салқиндан қалтираб бошлаган Қиличбек.— Ишқилиб шу шижоатинг сўниб қолмаса бўлгани.

Улар қоронғида яна сой ёқалаб ётоққа қайтишди. Чол ҳавотир олиб кутиб ўтирган экан. Уларни кўриб севиниб кетди. Кейин улар овқатланиб олишгач, мойчироқ ёриғида анча суҳбат қуришди. Чол суҳбатлашишга шерик тополмай зерикиб юрган эканми, гапхалтаси очилиб кетди. Қурбон қўллари ёрилиб ачишаётганини

айтган эди, чол кампирини чақириб, қўйнинг қуйруғидан олинган мойни олиб келишни буюрди. Кампир мойни эритиб келди. Учовлон қўлларига мойни ишқашди. Қўллари хузур қилди. Чол эса ҳамон нималарнидир куюниб гапирарди. Аввал бир, кейин икки, бироздан сўнг уч кишининг хуррак отиши баралла эшитила бошлади. Шундан кейин чол учала меҳмонга ҳам бир-бир қараб олди-да, аста ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Эрталаб ҳаммадан бурун чол билан кампир уйғонди. Меҳмонлар борлиқни унутиб ухлашаётган эди. Чол секингина Қурбонни турткилади.

— Қурбон, ҳой Қурбон, турмайсанми?

Қурбон инграниб кўзларини ишқалади.

— Нима дейсиз?

— Турмайсанми, дейман.

— Соат неччи?

— Тўрт бўлди.

— Ие, уйқуни ҳаром қилманг, тоға.

— Бугун рамазон ойи бошланди, рўза тутасанми?

— Бизга ким қўйибди рўзани. Шундоғам йил-ўн икки ой рўза тутгандан баттар бўлиб юрамиз.

— Жўраларинг ҳам тутишмайдами?

— Ўзларидан сўранг.

Ҳақиқатан ҳам шу куни мусулмонларнинг муқаддас рамазон ойи бошланган эди, буни чол кечқурун суҳбатда меҳмонларга эслатмоқчи эди. Аммо бу мавзуга ҳали етиб келмасдан меҳмонлар қотиб ухлаб қолишди. Чол-кампир рўза тутишни ният қилган, шунинг учун ҳам каллаи сахарлаб уйғонишган эди. Меҳмонларни уйғотишни аслида кампир маслаҳат қилди. Сўраб кўринг, тагин бирортасининг рўза тутиш нияти бўлса биздан хафа бўлиб юришмасин, деди. Чол бироз иккиланиб ҳам турди. “Булар эртаю кеч ер кавлаб оғир меҳнат қиладиган йигитлар бўлса. Рўза тутиш оғирлик қилмасмикан? Ахир, рўзадор одам сахарда бир тамадди қилиб, қуёш ботгунча на нон ейди, на сув ичади. Булар очдан-оч қандай ишлашади? Бунинг устига ҳаво совуқ бўлса”, — деб ўйлади. Лекин барибир сўраб кўришни маъқул топди.

Чол Қиличбекни туртди.

— Ўғлим, рўза тутмайсанми?

— Кани, қаерда у? — алаҳсиради Қиличбек.

— Ҳеч қаерда эмас. Бугун рўза ойи бошланди, дейман. Рўза тутиш ниятинг бўлса тур, сахарлик қиламиз.

— Э, қўйсангиз-чи, ният қилганим йўқ. Ёлчитиб тутолмайман. Барибир пешинга бориб қоидани бузиб қўяман. Сув ичгим, нос чекким келади. Ҳеч бўлмаса бехосдан сўкиниб қўяман.

— Ихтиёринг, болам.

Чол кейин иккилана-иккилана Баҳромни туртди.

— Рўза тутмайсанми, ўғлим?

Баҳром ўрнидан сапчиб турди, кўзларини ишқалади.

— Ие, рўза бошланиб қўйдими? Қаранг-а, ҳеч эсимга келмабди. Тонг отиб қўймадими?

— Ҳали вақт бор. Ниятинг борми?

— Албатта-да. Рамазон ойи озиб-ёзиб йилда бир марта келади-ю, беният ўтказиб юборамизми.

Баҳром шошилиб ўрнидан турди. Ташқарига чиқиб таҳорат қилиб келди. Чол ва кампир учаласи нонушта қилиб олишди. Кейин дуога қўл очишиб, оғизларини ёпишди. Кампир дастурхонни йиғиштиргач, улар мойчироқнинг ёруғида суҳбат қуриб тонг отишини кутишди. Қўшни хонада эса Қурбон билан Қиличбек баралла хуррак отиб ухлаб ётишарди.

— Бобо, болаларингиз кўринмайди? — сўради Баҳром.

— Қизларим уйли-жойли бўлиб кетган. Катта ўғлим Тошкентда. Хорижликлар билан бирга заводда ишлайди. Билимдон йигит. Тоғнинг қуввати билан ўсган-да. Болалари ҳам дуруст. Чол билан кампирни ёлғиз қолдирмай-

лик, деб невараларим галма-галдан алмашиб келиб туришади. Кичик ўғлим Жанубий Кореяда. Олий маълумотли.

— Шу ерда олтин қазиб юраверса бўлмасмиди?

Чол майиғида кулиб қўйди.

— Сен ҳали олтин қазиб кўрганнинг йўқ-да, унинг қанчалик азоб эканлигини билмайсан. Бир мисқол олтинни ажратиб олиш учун бир неча кун букчайиб тер тўкиш керак. Чуқурга тушиб қум кавлаётганингда жонинг хатар ичида бўлади. Соғлигингни йўқотасан. Тагин бу савилни сотиш ҳам жиноят экан. Мелисалар қанча бўз йигитларни олтин сотаётганда ушлаб қамашди. Тиркичилик деб қанча йигитлар жувонмарг бўлиб кетишди. Шунда ҳам одамлар ҳалиям бу ерларга олтин ювиш учун келишмоқда. Лекин сен кўнглингни чўктирма, ўғлим. Зора омадинг чопиб кетса. Ҳарқолда ўғри бўлиб кетмабсан шукур, нашаванд бўлиб кетмабсан шукур. Бу ерлардан кимлар бахт ахтармаган. Бу замин кимларга олтин бермаган.

Улар суҳбат билан бўлиб тонг ёришганини ҳам сезмай қолишди. Кейин Баҳром шерикларини уйғотиш учун ўрнидан турди. У ўзини енгил ҳис этарди.

\* \* \*

Қуёш тоғ ортидан аста бош кўтарди. Тонг шуъласи кўзларни қамаштирарди. Учовлон ашқол-дашқоллар ортилган велосипедларини судраб тўғонга келишди. Улар галма-галдан чуқурга тушишди. Кавланган шағаларни челақлаб аввал қўл билан тепага узатиб турган бўлса, энди челақка арқонни боғлашга тўғри келди. Улар шиддат билан ишлашар, кавлаётган чуқурлари тобора ер қаърига кириб борарди.

Баҳром пешонасидаги терни артиб, белини ушлаб керишди. Қуёш шуъласидан атроф жимирлар, тоғлардан туман кўтарилаётгандек эди. Нарироқда ишлаётган икки йигит бугун ҳам булардан олдинроқ келибди. Сув бўйида анча қумни ювиб қўйганликлари кўриниб турибди. Чуқурдан яна қум кавлаб олишяпти. “Балки кечаси билан дам олмасдан кавлашгандир, — ўйлади Баҳром. — Кечқурун биз қайтаётганимизда олов ёқишаётган эди-да. Эҳтимол борадиган жойлари бўлмаса шу ерда ётиб ишлашаётгандир? Йўғ-е, ёзда бўлса бошқа гап эди, шундай совуқда шу ерда ётиб бўларканми. Тагинам ким билсин, балки чуқурнинг ичи иссиқдир. Табиатга ҳам ҳайронманда. Нимага одамлардан ҳамма нарсани бекилади? Олтин қипиқларини майда қум зарраларига аралаштириб етти қават ернинг тагида сақламаса нима қиларкан? Ернинг остида ҳам, устида ҳам олтин олтинлигича қолади-ку. Ҳеч ким уни еб қўймайди-ку. Шошма, шошма, ахир олтин ернинг устида бўлса одамлар уни ейишмайди-ю, аммо бир-бирларини еб ташлашади-да”.

— Ҳой Баҳром, нега тўхтаб қолдинг? — деди Қиличбек шағал-тош тўлдирилган челақни унга узатаркан. — Нима бало, ухлаб қолдингми? Ёки мазанг қочаяптими? Сенга айтдим-а рўза тутмагин деб. Нима қилардинг ўзингни қийнаб. Меҳнат оғир, кун совуқ.

— Қўявер, парво қилма, — деди Баҳром. — Рўзадорлик азоб эмас, поклик. Қийналиб қолганим йўқ. Қўни-киб кетаман. Бор-йўғи бир ойлик мавсум. Кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Тўхтаб қолганим ундан эмас. Ҳар замонда ҳаёл суриб қоладиган одатим бор.

Улар жиққа терга ботиб ишлашди. Кудуқ эса тобора чуқурлашиб борарди. Қурбон чуқурдан чиқиб, Баҳромни туширишди.

— Сен кавлаб тур, биз озгина томоқни ҳўллаб оламиз. Бундай амалларни рўзадорлар кўрмай тургани маъқул, — деди Қурбон.

Қурбон билан Қиличбек термосдан чой қуйиб ичишди. Чанқаб кетганликлари ютоқиб-ютоқиб чой



ичишларидан билиниб турарди. Баҳромнинг ҳам томоғи қақраб кетди. Тер эса баданидан беҳисоб қуйилар эди. Бунинг устига қудуқ ичида ҳаво ҳам зўрга етишар экан. Баҳром димиқиб кетди. Шерикларининг чой ичишларини кўрмасда, хўриллаган овози эшитилиб турарди.

Тош ва тупроқ қатламлари тугаб, йирик ва майин кум аралаш қатлам кўринганида кун пешиндан оға бошлаган эди. Қудуқ ичида ишлаётган Қиличбек овоз берди:

— Мана, Баҳром, сен соғиниб кутган қатламга едик. Энди буёғини ювиш учун олсак бўлади. Ичи тўла олтин. Ана энди олтинни ҳовучлаб чўнтагинга солаверасан.

Аммо ҳали яна бир одам бўйича тик кавлаб тушиш керак. Ундан кейин ён томонларни кавлаб, гор ҳосил қилиш мумкин. Шу пайт нариёқда ишлаётган йигитларнинг бири дод солиб бақира бошлади.

— Ҳой, ёрдам беринглар, ёрдам. Шўримиз қуриб қолди, ёрдам!

— Фалокат юз берганга ўхшайди, — деди Қурбон. — Падарига лаънат. Шу пайтда ишнинг белига тепадими, туфу. Юринглар, хабар олайлик-чи. Ҳар ҳолда мусулмонмиз, индамай қараб туролмаймиз-ку.

Улар Қиличбекни ҳам қудуқдан тортиб олишди ва ўша томонга чошиб кетишди. Бояги бақираётган йигит қудуққа тушиб олган, шошиб кумни кавлар, ўкириб йиғлар эди.

— Ўв, нимага мунча додлаяпсан? — деди Қурбон.

— Шеригим, шеригимни кум босиб қолди.

Қурбон чакки иш бўлибди, дегандек шерикларига қараб қуйди.

— Ундай бўлса ўкиравермай тезроқ кумни кавлаб бизга узат. Лекин эҳтиёт бўл, ўзингни ҳам кум босиб қолмасин. Ҳе ўргилдим сендак шахтёрлардан.

Йигит шошганча кумни челақлаб тепага узатиб турди. Улар эса бир чеккага тўкаверишди. Кейин йигитнинг силласи қуриганини кўриб, галма-галдан қудуққа тушишди. Шу кўйи кечгача улар бегона йигитни босиб қолган кумни тепага чиқариш ва йигитни қидириш билан овора бўлишди. Бир маҳал йигитнинг йиртиқ қалиш кийган оёқлари кўринди. Кумни челақка солаётган Баҳром кўрқиб кетди. Шоша-пиша фонарни ёқди. Ҳақиқатан ҳам одам оёқлари. Баҳром оёқ-қўли қалтираб тепага чиқди.

— Кўрдим, оёқларини кўрдим. Кумнинг остида ётибди, — деди у халлослаб.

— Кумнинг остида бўлмади кўрпанинг остида бўлармиди, нега олиб чиқавермадинг? — деди Қурбон ва шошилганича қудуққа тушди.

У кумни анча кавлади ва йигитни аста оёғидан тортиди. Кум йигитни бутунлай эзиб ташлаган эди. Бечора, эҳтиёткорликни унутган-да. Чўкич ва белкуракнинг зарбидан ер ларзага келаверади ва горнинг кум тошлари истаган пайтда ўпирилиб тушиши, ҳеч кимга шифқат қилмаслиги мумкин.

Йигитни кўплашиб юқорига чиқариб олишди. Шериғи ўкириб-ўкириб йиғлади. Улар қўшни қишлоқлик экан. Анжомларини ортиб келган замбил галтакка йигит энди ўлган шеригини ётқизди ва уни судраб йўлга тушди.

— Битта ўзига қийин бўлади, бор ёрдам бер, — деди Қурбон Қиличбекка.

Қиличбек ўша йигит билан бирга кетди. Бу пайтда қуёш ботиб, совуқ бошланган эди. Қурбон билан Баҳром ётоққа қайтишди.

Бояги йигитнинг кум остида қолиб ўлганлигини эшитиб чол бир хўрсиниб қўйди. “Билишимча бу йигит шу пайтгача кум остида қолганларнинг Олтинчиси. Билмадим, бу ер қачонгача одамларни олтин васвасига солиб ютаверади?”, — деди у.

Эртасига улар олтин кумни ювишга киришиб кетишди. Осмонда булутлар сузар, аммо ҳаво унчалик со-

вуқ эмасди. Шундай бўлса-да, қишнинг захрими, сувнинг муздайлигими этини жунжиктиради. Баҳром ҳар куни пешингача бамайлихотир ишлар, аммо пешиндан кейин чанқоқлик ва очлик уни қийнар эди. Қурбон билан Қиличбек унинг қийналаётганлигини кўриб ачинишар, рўзани очишни маслаҳат берар эди. Лекин Баҳром рўзани очмади.

Улар элакка кумни солиб муздай сувга ботириб юваверишди. Элак остига қопланган матога ўрнашиб қолаётган зарраларни Қурбон астагина қоқиб оларди. Баҳром олтин деганлари кум орасидан ажралиб, шигирлаб қопга қуйилаверса керак, деган тасаввурда юрарди. Бироқ кун бўйи юз челақлаб кумни минг азобда кавлаб олиб ювса-да, ҳадеганда олтиндан дарак кўринмас эди.

Шу куни қоронғу тушгунча улар уч грамм олтин йиғишди. Буни Қурбон кечкурун олтин зарраларини кулдонга ўхшаш кичкинагина паллалари бор тарозидан ўлчаб кўргандан кейин айтди.

Кейинги кунларда эса ҳавонинг совиб бораётганлиги таъсир қилдими ёки йигитлар чарчай бошладими, икки граммдан олтин тозалаб олишди. Бир ҳафтадан кейин эса ҳаво қаттиқ совиб, қор ёғди. Энди қор эригунча кутиб туриш керак эди. Пайтдан фойдаланиб Қурбон олтинларни қаергадир олиб бориб сотиб келди ва Қиличбек билан Баҳромга бир дастадан пул берди.

— Мана, ҳалол меҳнат билан топганимиз тенг бўлинди, — деди у. — Энди қорнинг бироз эришини кутмасак бўлмайди. Унгача яхшиси уйга бориб келганимиз маъқул.

Учовлон велосипедларини етаклаб уйга отланишди. Қор қалинлиги туфайли юриш анча қийин бўлди. Баҳром оёғига этик кийиб келмаганига афсусланди. Йиртиқ бўлса ҳам ҳар ҳолда этик эди-да. Энди эса тиззасигача жиққа ҳўл бўлиб кетди.

Уйга етиб келганида у эшикдан хурсанд кайфиятда кирди. Нима учундир биринчи бўлиб хаёлига Йўлбарс келди. Гўё ҳар доимгидек ҳаммадан аввал ўша вафодор ит уни қарши оладигандек туюлди. Аммо ит чошиб келмади. Бундан кейин ҳам келмайди. Усиз ҳовли ҳам ҳимоясиз, гарибдек ҳувиллаб қолганга ўхшарди. Баҳром шуларни ўйлаб эшик олдида бироз туриб қолди. Ҳовли ўртасида Малоҳат қор кураётган эди. У Баҳромни кўриши билан серрайиб қотиб қолди. Унинг кўзига Баҳром қорайиб, озиб-тўзиб кетгандек қуринди. Ҳали унинг совуқдан тарс-тарс ёрилиб, қонаб кетган қўллари, қор ва лой кечиб шалоббо бўлган оёқларини кўрмасда-да, меҳнатдан ва йўл азобида толиққанлигини кўзларидан уқиб олди. Бироқ Малоҳатнинг юзида ҳамон ҳаётдан норозилик ва умидсизлик кўришиб турарди. Бундан Баҳромнинг кайфияти бузилиб, юраги эзилган бўлса-да, сездирмасликка ҳаракат қилди. У ясама табассум билан Малоҳатга яқинлашди.

Улар уйга киришганида Сардор радио тинглаб ўтирарди. Улар кучоқлашиб кўришишди. Баҳром Сардорни ҳам, Малоҳатни ҳам роса соғинган эди. Тўғонсойда ўтган ҳар дақиқада, ухлашга ётаётганида ҳам, муздай сувда кум юваётганида ҳам, чуқурга тушиб димиқиб кум кавлаётганида ҳам фақат уларни ўйларди.

Баҳром белига боғлаб олган бир даста пулни Малоҳатга узатди. У пулни шундай дадиллик билан узатдики, бу билан: «Мана бу бошланиши. Мен сўзимда қатъий турибман. Шундай меҳнат қилаверсам, мақсадларимнинг ҳаммаси рўёбга чиқади», — деган маънони уқтирмоқчи эди. Аммо Малоҳат пулни худди керакисиз эски қоғозни ушлагандек ҳиссизгина олди ва бошқа аёллардек хурсанд бўлиб кетмади ҳам.

\* \* \*

Қорлар эриб кетганидан кейин учовлон яна Тўғонсойга жўнайдиغان бўлишди. Улар Баҳромнинг ҳовлиси-дан чиқиб, вино дўконига етганларида Қурбон билан

Қиличбек нимадир эсларига тушгандек ялт этиб бир-бирларига қарашди ва тўхташди.

— Шошманглар-чи, айганча, шу ерга кириб юз граммдан отиб олмаймизми, совқотмасдан етиб олардик, — деди Қурбон.

— Оқилона фикр, қани юринглар, — деди Қиличбек.

Улар велосипедларини панжарага суяб қўйишди. Баҳром эса қимирламасдан қараб турарди.

— Ўв, сен нега серрайиб қараб турибсан, қани юр ичкарига. Ёки алоҳида таклифнома керакми? — деди Қиличбек қаҳ-қаҳлаб кулиб.

— Мен рўзадорман, — деди Баҳром.

— Айтгандай, қара-я, сенинг рўзадорлигинг мутлақо эсимиздан чиқиб кетибди-я. Ие, яхшимисан, рўза, — деб Қиличбек шарақлаб кулганча Баҳром билан кучоқлашиб куришди.

Қурбон билан Қиличбек винохонага кириб кетишди. Баҳром эса дарвоза олдида уларни кутиб турарди. Шу пайт кўчанинг нариги бетидан кутубхоначи чол ўтиб қолди. У Баҳромни кўриши билан таққа тўхтади ва маънодор тикилиб қолди. Баҳром ҳам чолни кўриб севиниб кетди.

— Ассалому алайкум Ҳалим бобо, — деди Баҳром ва велосипедини етаклаб унинг олдида борди.

Чол хомушгина кўришди. Унинг мункиллаб қолганлиги, шиддат билан қариб бораётганлиги кичрайган жуссасидан, нурсиз кўзларидан ва ғам босган қовоқларидан кўриниб турарди.

— Соғ-саломат юрибсанми Баҳромбой? — деди чол. — Кўпдан бери кўринмай қўйдинг? Эшитдим, олтин қидираётган эмишсан. Буёғи энди кайфу сафо, маишат-бозлик экан-да? Ақлли одамлар олтинни бошқа жойдан қидирадилар. Майли, нима ҳам дердим, ишинга Худо барака берсин. Мен энди борай. Сичқонлар рақсга тушишаётгандир. Бир уларнинг таъзирини берай. Мана кўрасан, мен барибир бир кун келиб одамларни кутубхонага тўплайман. Қани бормаи кўришсин-чи.

Чол Баҳромга гапириш учун имкон бермади. Қўлини бир сиқиб хайрлашди-ю, тез-тез юриб кутубхона томонга кетди. Баҳром нимадир демоқчи эди-ю, аммо гапи оғзида қолди. Шунда Баҳром шу пайтгача чолни яхши билмаслигини билди. Чолнинг ундан хафа бўлганлигини сезиб кўнгли эзилди. Шу пайт шарақлаб кулганча Қурбон билан Қиличбек винохонадан чиқишди.

Тўғонсойда Қурбоннинг тоғаси ҳам роса зерикиб ўтирган экан шекилли, меҳмонларни кўриб хурсанд бўлиб кетди. Улар билан кучоқ очиб кўришди.

— Бормисизлар, болаларим, бормисизлар, — деди чол уларни барига босаркан. — Одам одам билан тирик-да, сизларга шунчалик ўрганиб қолган эканман. Кетганларингдан кейин ниманидир йўқотган одамдай бошим қотди. Чолга бир бало бўлди, деб кампирим овора. Сен қалайсан, ўғлим? — деди чол Баҳромнинг елкасига уриб. — Чарчамадингми? Рўзани бузиб қўймадингми ишқилиб? Баракалла, баракалла.

Улар анча суҳбат куришди. Кейин учовлон яна ишга отлашди.

— Қор ҳали тўлиқ эриб кетгани йўқ. Ҳаво ҳам совуқ. Қўйналасизларми дейман, — деди чол. — Агар қум кавлашларингиз жуда ҳам зарур бўлса, унда ҳовлидаги бўчкани ола кетинглар, кунларингизга яраб қолади. Ичига сув тўлдириб, тагидан олов ёқсанглар ҳам исинасизлар, ҳам қўлларингиз совқотганда жонингизга оро киради.

Улар бўчкани юмлатиб кетишди. Тўғонсойда қор унчалик эримабди. Бўрон бўлганга ўхшайди, улар қазган чуқурга ҳам анча қор тикилиб қолибди. Аввал бир амаллаб қорни юқорига чиқариб ташлашди. Кейин эса навбатма-навбат қудуққа тушиб, қум кавлашди. Сувнинг юзи юпқагина музлаган экан. Қурбон музни хода билан

уриб ёрди. Тошлардан ўчоқ ясаб, устига бўчкани ўрнатди. Атрофдаги буталарни териб анча ўтин тўплади. Ўчоққа ўтин қалаб, олов ёқди. Кавлаб олган қумларини кечгача ювиб улгуришди. Қўллари совуқдан қақшаб кетса-да, индамасдан ишлашар, тез-тез олов ёнида исинишиб, иссиқ сувга қўлларини ботириб олишарди. Бир маҳал Қиличбек челақдаги қумни элакка ағдараётганида олмадек қайроқтош думалаб кетди. Ҳаммалари ялт этиб қарашди.

— Агар шу тош эмас, олтин бўлганида борми, зап омадимиз келар эди-да, — деди Қиличбек. — Ростданам, агар қум кавлаётганимизда бир бўлак тайёр қўйма олтин чиқиб қолса уни қандай бўлишамиз?

— Бе, топган топалоқники, — деди Қурбон. — Худо ҳар кимнинг ризқини ўзига беради. Менга чиқдим, демак, уни Худо менга атаган. Сен топдингми, демак сенники. Ортиқча тортишиб ўтиришга ўрин қолмаслиги керак. Тўғри айтдимми, Баҳром?

— Тўғри, ҳар кимнинг пешонасига ёзгани-да.

Яна қор ёғиб қолишидан кўрқиб улар ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб қолиш учун енг шимариб ишлашарди. Ҳаммадан ҳам Баҳром қийналди. Очлик туфайли совуқ гоҳо жон-жонидан ўтиб кетарди. Шундай кезларда Тўғонсойнинг оппоқ қорларни ёпиниб, сукунат сақлаб турган тоғлари одамни ютиб юборадигандек туюларди. Тўғон ҳам сувини қизгангандек баъзан юзига муздан парда тортиб олар эди. Шу аҳволда ҳам улар бор кучларини йиғиб ишлашди. Ҳар қандай азобларга ҳам чидашар эди. Аниқроғи, чидашга мажбур эдилар. Ҳар кимнинг ўз мақсади, режаси бор. Лекин бу ҳақда бирибирига айтиб ўтиришмайди. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Кўнгилларида туғилган мақсадлари уларни бир хилда меҳнат қилишга ундаб турар эди.

Бўралаб қор ёғиши ишнинг белига тепди. Яна қорнинг эришини кутиш керак. Қурбон бу фурсатни ҳам бой бергиси келмади. Йиғилган олтинларни қаергадир олиб бориб сотиб келди. Учовлоннинг қўллари яна салмоқли пулларни ушлаб яйради. Баҳром пулни иссиғида Малоҳатга топшириш учун икки марта уйга келиб кетди. У Малоҳатнинг хурсанд бўлишини, шўх-шўх гапириб булбулдай сайраб қолишини жуда-жуда истар ва шунинг учун юзига, кўзларига тикилар эди. Аммо қувонччи, хурсандчиликни, ширин сўзларни гўё ер ютган. Малоҳатнинг юзлари кундан-кунга сўлгин бўлиб бораётганга ўхшарди. “Демак, бу пуллар унинг чехрасини очишга камлик қилади, — ўйлади Баҳром. — Умр шиддат билан ўтиб борапти. Шошилмасак бўлмайди. Арзимаган қорнинг эришини кутиб ўтириш ҳам ярамайди. Ишлаш керак, ишлаш керак”.

Малоҳат Баҳромнинг қўллари тарашадек ёрилиб кетгани ва ўзи бутунлай озиб-тўзиб қолганлигини кўриб унга ачинди.

— Эртдан кечгача оғир меҳнат қиласиз. Ҳаво эса совуқ. Шу рўза тутмасангиз биров уришармиди? — деди у эрига.

— Мана шу топаётган ризқ-насибам рўзанинг каромати, билсанг. Кўникиб ҳам кетдим. Буёғи энди оз қолди. Ҳадемай рамазон охи ҳам тугайди.

Баҳром кейинги гал келганида Сардор иситмалаб ётган эди. Баҳром дўхтир олиб келишга шошилди ва Омон дўхтирни топиб келди.

— Каттиқ шамоллабди, — деди дўхтир. — Уйда ётиб даволанса бўлади. Фақат печкага кўпроқ ўтин солинглар. Мана бу дориларни олиб келсангиз вақти-вақти билан ичкизасиз. Зарурат бўлса меъни чақиринглар.

Баҳром дорифурушларнинг уйларига бориб, айтилган дориларни топиб келди. Кечкурун Сардор терлаб ухлади. Кечаси иссиғи тушди ва яхши ухлади. Аммо эрталаб яна иситмаси бироз ошди. Баҳром дориларни қандай тартибда ичкизиш кераклиги ва зарур бўлганда Омон



дўхтирни чақирини Малоҳатга уқтириб, ўзи Тўғонсойга жўнади. Аслида Сардорни бу аҳволда қолдириб сафарга жўнашга юраги бетламаган эди. Бироқ ундай қилса дўстлари хафа бўлиб қоладигандай туюлди.

\* \* \*

Малоҳат печкага таппи солган эди, мўри курумга тўлиб қолибди шекилли, тутаб кетаверди. Сардор эса терга ботиб, қисқа-қисқа йўталар, умуман йўталишга қийналиб ётган эди. Бурқсиб кетган тутун унинг нафас олишини янада қийинлаштиради. Шу пайт Зулайҳо келиб қолди.

— Уф-фей, ҳой Малоҳатхон, уйда мисиз? — деди у тутун орасидаги Малоҳатни кўролмади. — Бугун мамлакатга исирик тутатяпсизми, нима бало? Вой-воей, кўзларим ачиб кетаяпти-я, димоғларим ёрилай деяпти. Буёққа чиқинг.

— Келинг, Зулайҳо опа, тортинмай кираверинг.

— Тортинманг дейсиз-а. Бу тутуннинг ичига кирган одам ажалидан беш кун бурун ўлади-ку.

— Манави печка ўлгур қайсарлик қилаяпти. Қанча ўтин солсам ҳам ҳеч ёнмайди денг. Фақат тутагани- тутаган.

— Мўрисини тозалаш керак, айланай, мўрисини, ҳа энди у эркакларнинг иши. Бодом мойини топиб келган эдим. Сардоржонга ичкисангиз тез кунда отдай бўлиб кетади. Айтганча, ўзи қаерда?

— Ана, печканинг ёнидан жой солиб берганман.

— Ҳай-ҳай, бола бечорани шунчалик қийнайсизми. Мана бу хонага жой солиб берсангиз бўлмайдими? Кичикроқ экан, тез исийди. Ёки бу хонанинг ҳам печкаси тутайдими?

— У ернинг печкаси яхши. Лекин ўғлим у хонада ётишни унчалик хушламайди.

— Шу булутдай тутуннинг ичида ётишни хушлайдими?

— Э кўйинг-е, ёқинг бу хонага ўтинни.

Малоҳат кичик хонадаги печкага ўт ёқди, ўт гурил-лаб ёнди. Печканинг ёнидан жой солди. Кейин Сардорни етаклаб шу хонага ўтказди. Сардор қийналиб қисқа-қисқа йўталар ва кўкрагини чангаллар эди. Зулайҳо унга бир қошиқча бодом мойини ичкизди.

— Ана энди ётиб терла, айланай. Худо ҳоҳласа ҳадемай соғайиб кетасан, — деди у.

Сардор тўшакка ётиб, бошигача кўрпани ёпиб олди. Оловнинг гуриллаб ёнишидан уй ҳам анча исиб қолди. Малоҳат Сардорнинг ёнига ўтириб, унинг пешонасини ушлаб кўрди.

— Бир неча кундан бери шу аҳвол, — деди у хўрсиниб. — Иситмаси гоҳ тушади, гоҳ кўтарилади. Касалик кундан-кунга зўрайиб бораёпти. Ишқилиб тузалиб кетсин-да. Омон дўхтирга яна бориб келмасам бўлмайди. Келиб кўрсин. Ҳар ҳолда дўхтир одам яхши тушунади-да. Яна бирон маслаҳат берар.

— Тўғри айтасиз, айланай. Чақириб келинг. Укол-пукол қилса янаям яхши. Ҳа, айтганча, бугун кечқурун ҳамма кўшни хотинлар Адолатхонларнинг уйига йиғилишармиш. Биргалашиб лайлатулқадр кечасини кутамиз. Сиз ҳам албатта боринг. Халифа хотин ҳам келар экан.

— Вой, ўғлимни шу аҳволда ёлғиз қолдириб кетаманми?

— Ҳечқиси йўқ, Сардоржон чақалоқ эмас-ку, капкатта йигит. Овқатини, дорисини берсангиз жимгина ухлаб ётади. Адолатхоннинг уйи ҳам бор-йўғи уч ҳовли нарида. Хавотир олсангиз тез-тез хабар олиб турасиз. Бир кеча ухлмасак ҳеч нарса қилмайди. Барча яхши ниятларни Худодан сўраб тонг оттираемиз. Қайтанга Сардоржонга ҳам Худодан соғлик сўрайсиз.

Зулайҳо кетгач, Малоҳат Омон дўхтирни айтиб келиш учун кўчага чиқди. Лой кўчалардан тез-тез юриб

борарди. Бир маҳал ҳасан дорифурушнинг уйи ёнидан ўтаётганида Мардонга рўпара келиб қолди. У ўзини қайси панага уришни билмай атрофга аланглади. Агар Мардон уни чақириб қолса-ю, гаплашиб туришганини биров кўриб қолса яхши бўлмайди. Аммо Мардон машинасини нақ Малоҳатнинг йўлига кўндаланг қилиб тўхтатди. У машинадан чаққонлик билан тушиб Малоҳатга салом берди. Малоҳат эса унга тик қараб қотиб қолди.

— Вой-бў, Малоҳат, сениям кўрадиган кун бор экан-ку. Нега бунча бежо қарайсан? Ўтир, машинада гаплашамиз.

— Йўғ-е, кўйсангиз-чи, Мардон ака, одамлар...

— Ҳалиям одамлардан кўрқиб юрибсанми? Очигини айтсам, сени жудаям соғиндим. Савдо ишлари билан Россияга кетган эдим. Анча вақт ўша ёқда бўлдим. Кеча келдим. Бугуноқ сени йўқламоқчи эдим.

— Кечирасиз, Мардон ака, бошқа пайт гаплашармиз. Ҳозир мен шошайман, дўхтирни чақириб келишим керак.

— Дўхтирни? Нима учун, тинчликми?

— Ўғлим шамоллаган.

— Унда машинага ўтир бирга борамиз.

— Йўқ, ўзим бораман. Сиз борсангиз яхши гап бўлмайди.

— Дўхтирга ўзинг чопиб юрибсан, Баҳром қаерда?

— Тўғонсойга кетган.

— Нима учун?

— Ўшаёқда ишлаяпти.

— Э-ҳа, олтин қазаяптими? Сени зару маржонларга ўрай, дебди-да.

— Илтимос, мазах қилманг.

— Унда жуда соз бўпти. Кечқурун уйларингга бораман, ўғлингдан ҳол-аҳвол сўрагани. Қолган гапларни ўша ерда гаплашамиз.

— Вой тавба, нималар деяпсиз? Кейин нималар бўлишини биласизми? Қолаверса, кечқурун мен уйда бўлмайман. Кўшнимиз Адолатнинг уйида ҳамма хотинлар лайлатулқадрни кутамиз.

— Ўзим сени топиб оламан. Гап битта. Ҳозирча хайр.

Машина зувиллаб жўнаб кетди. Малоҳат бироз юргач, ортига бурилиб, узоқлашиб бораётган машинага қаради. Гўё машина ўз-ўзини бошқариб кетаётган, Мардон эса Малоҳатнинг юрагига бекиниб қолиб кетгандек эди. Шу хаёл уни бутунлай чулғаб олди. Кейинчалик у қайси кўчага юргани ва қандай қилиб Омон дўхтирни айтиб келганини ҳам эслолмади.

Дўхтир Сардорни бошқатдан текшириб кўрди. Иситмасини ўлчаб кўргач, дарров укол қилди.

— Пневмонияга ўхшайди, — деди у. — Район марказидаги касалхонага олиб бориб ётқизсаларингиз яхши бўларди. Касали яна ҳам кўчайиб кетмасин, дейман-да. У ерда тартиб билан даволашади. Эртагаёқ бирон чорасини кўринг, келин. Агар Баҳром келса албатта шу гапларни айтинг.

Малоҳат ўзига нима бўлганини билмасди. Очиғи, буни ҳушёрроқ ўйлаб ҳам кўролмади. Нимагадир яна хаёлидан Мардон кетмай қолди.

Мардонни ҳам тушуниш қийин экан-да. Нияти нима ўзи? Бировнинг хотини билан нима иши бор? Хўп, бир пайтлар уни яхши кўриб совчи қўйган. Аммо энди нима учун хушомад қилаяпти? Малоҳат қиз бола эмас-ку. Тишланган олма бировнинг ризқи. Мардон чиндан ҳам ҳалиям уни севадими? Малоҳат-чи, яхши кўрадимми? Унда нега Мардоннинг бағрига кириб кетмайди? Кўрқадими? Нимадан, кимдан? Ёки ёмон кўрадимми? Унда нега жеркиб ташламайди? Нега лабларидан бўса олган пайтларда сочларини юмдалаб фарёд кўтармасдан уялиб, тили лол бўлиб қолаверади? Нега эндигина чорасини топиб, оиласига яқинлашиб бораётган одам кутилмаганда бу-

тунлай дарагини сездирмай кетганда Малоҳат қандайдир муҳим нарсасини йўқотган одамдай қарахт бўлиб қолди? Шундан сўнг кўчада дуч келиб қолганда нега кўнгли ёришиб кетади?

Малоҳат ўй-хаёллар гирдобиди сузиб юрар эди. Кечкурун у яна Сардорнинг пешонаси ва баданини ушлаб кўрди. Бодом мойи фойда бердимми ёки уколнинг таъсирими, иситмаси тушибди. Уни етаклаб бироз ҳовлини айлантирди. Кейин Сардор хушламайгина бир-икки қошиқ шўрва ичди. Дорилардан ҳам ичгач, яна тўшакка ётиб ухлаб қолди. Шу пайт даҳлиздан Зулайҳо мўралади:

— Ҳой, Малоҳат, зимистонда нима қилиб ўтириб-сиз? Сардоржон яхши бўлдимми?

— Ҳозир анча яхши. Ухлаяпти.

— Худога шукур-е. Адалникига борасизми энди?

— Ҳозир қўйлагимни алмаштирай.

У шу гапни бехосдан айтиб юборди-ю, деворда осиглиқ турган кийимлари олдига борганида иккиланиб қолди. Аслида унга қўйлак алмаштиришнинг унча фарқи йўқ, барибир ҳамма қўйлаклари эскириб бўлган эди. Баҳром топиб келган пуллар ҳали қўйлакка ортмайди. Улар бошқа мақсадда йиғилаяпти. Зулайҳога қойил. У ҳам буларга ўхшаб бечораҳол бўлса-да, янги қўйлак кийиб олибди. Яна ачимсиққина атир ҳам селиб олганига ўласизми. Фаросатингга балли.

Малоҳат илмоқдан бошқа қўйлагини олиб кийди. Кейин эсига бир нарса тушгандай кўзлари чақнаб кетди. У бир пайтлар Мардон совға қилган зиракни яшириб қўйган жойидан олди. Бироз иккиланиб тургач, таваккал қилиб қулоқларига тақди. Бошидаги рўмолини бошқатдан ўради. Сардор ётган хонага мойчироқни ёқиб астагина ташқарига чиқди.

Улар Адолатнинг уйига келишганда аллақачон хотинлар тўпланиб бўлган экан. Ўн беш чоғли хотин йиғилган уй худди майнанинг уясига ўхшарди. Бир-бирига навбат бермай гапиришади. Овозлар аралашиб кетганидан бир-бирларининг гапларига тушунмай қолишарди. Унинг тўрида халифа хотин қандайдир китобларни кучоқлаб ўтирар эди. Унинг ёнида бўйни ва билакларидаги тилла тақинчоқлари ҳаммининг кўзини қамаштириб ўтирган Чамангул овозини баланд қўйиб гапирар ва ҳар замонда гапларини тасдиқлаб олиш учун бутун даврага қошини чимириб қараб кўяр эди. У қараганда ҳамма хотинлар “гапингиз тўғри” дегандек бош ирғаб тасдиқлашарди. Ҳар ҳолда бой-бадавлат бу хотин Арабистонга бориб, чет элларни кўриб келган, кўп нарсани билади, деб ўйлашса керак-да.

Халифа хотин Курьон сураларини ва муқаддас диний китоблардаги ҳикматли гапларни ўқий бошлади. Шундан сўнг ҳамма жим бўлиб, унга қулоқ тутишди. Халифа хотин оятларни қироат билан, оҳангини куйга солгандек ўқир эди.

— Бугун лайлатулқадр кечаси, - деди у оят орасида. — Қадимдан бу кеча муборак рамазон ойининг одамларга саховат улашувчи энг муққадас кечаси ҳисобланади. Бу кеча уйқудан кечиб, Оллоҳ таолодан энг яхши ниятларни тилаб ўтирган одамларга Оллоҳ ризқ-насиба, бахт улашади. Шу кеча одамларни ҳазрати Хизр кузатади. Агар Оллоҳ насиб этса, ҳазрати Хизр кўзингизга кўринса, шу заҳотиёқ кўлингизда ушлаб турган буюмингиз олтинга айланади. Мабодо шундай ҳол юз берса эсанкираб қолмасдан Оллоҳга шукроналик келтиринг. Бу иноятни энг яхши ниятларингиз ва бахтингиз йўлида сарфланг.

Халифа хотиннинг бу гапларидан кейин биров дастурхондан битта олмани олиб ушлади, бирови каттароқ бир бўлак нонни олди, бирови чойнакни ушлаб бошқаларга чой узатиб турди. Чамангул эса ёнидаги болишни олиб кучоқлаб ўтирди. Малоҳат ҳам битта ёнғоқни олиб кафтига солди. У халифа хотиннинг қироат-

ларини тинглар экан, Тўғонсойдаги бахт ахтариб юрган эрини, уйда бетоб ётган ўглини ўйларди. Кейин нима учундир хотинларга назар солди ва бирданига ажабланди. Хотинлар халифа хотинни тинглаётгандек жим ўтиришарди-ю, аммо ҳар ким ўз хаёли билан овора эди. Гуё ҳамма бу ерга лайлатулқадрни кутиш учун эмас, бир-бирини синаш учун келганга ўхшарди. Ҳаммининг ёнида ялтир-юлтир либос. Уй иссиқ бўлишига қарамай баъзилар қимматбаҳо палтосини ечишни истамасди. Ҳаммада тилла тақинчоқ бор. Ҳамма бир-бирини кўргазмага қўйган буюмдек томоша қилади. Даврага жойлашиб ўтиришлари ҳам уларнинг кийган кийимлари-ю, тилла тақинчоқларининг қийматига қараб белгиланган эди аслида. Шунда Малоҳат ўзининг пойгакда ўтирганлигини сезди. “Яхшиям зиракни тақиб келибман. Бўлмаса пойгакдан ҳам жой тегмас экан”, деб ўйлади у.

Унинг кўзларига ёш қалқиб чиқишига озроқ қолди. Шу пайт эшикдан мўралаган қиз уни туртиб қақирди:

— Сизни ташқарида бир эркак киши қақираяпти, эрингизни сўраб келган эмиш, — деди у.

Мардон! Малоҳат худди шуни кутиб турган одамдек кўзлари чақнаб кетди. “Кечкурун келаман, деган эди-я, ёдимдан кўтарилибди”. У шоша-пиша даҳлиздаги илмоқдан палтосини олди-да, ташқарига отилди.

Кўчада ростдан ҳам уни Мардон кутиб турарди. У машинадан тушмади ва Малоҳатга машинага ўтир, дегандек ишора қилди. Малоҳат машинага ўтирди. Машина уларнинг уйи тамонга юрди ва кўчанинг нариги бетига тўхтади. Улар машинадан тушишди. Мардон машина юкхонасидан каттакон сумкани олди ва машинани қулфлаб қўйди.

Улар уйга киришганида Сардор ҳамон ухлаб ётар, ўқтин-ўқтин йўталиб кўяр эди. Чироқнинг пилиги кўтарилиб, шишаси қорайиб кетибди. Хона ҳам мойчироқнинг тутаб ёнишидан димиққан эди. Малоҳат чироқнинг пилигини пасаитирди. Ташқарида ҳаво совуғанлиги учун эшикни очиб уйни шамоллатишни хоҳламади. У Сардорнинг ёнига ўтириб, пешонасини ушлаб кўрди. Яна иситмаси кўтарилибди. Мардон ҳам унинг ёнига ўтириб, Сардорнинг пешонасига аста қўл текизди.

— Иссиғи баланд-ку, — деди у.

— Бир неча кундан бери шунақа, иситмаси гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушаяпти.

— Дори бердингми?

— Ҳа.


Улар ним қоронғи уйда анча вақт жим ўтиришди. Бир маҳал Малоҳатнинг қўли Мардоннинг кўлининг тафтини сезди ва сесканиб кетди. Мардон секингина уни ўзига торта бошлади.

— Қўйинг, Сардор уйғониб қолади, — деди Малоҳат пичирлаб.

— Унда нариги хонага ўтиб бироз гаплашиб ўтирайлик, — деди Мардон ва ўрнидан турди.

Малоҳат ҳам ўрнидан туриб, нариги хонага ўтди ва гугурт қақиб мойчироқни ёқди. Чироқ ёғдусида Мардоннинг тишлари ярқираб кетди. У Малоҳатни секин тортиб, елкаларидан кучоқлади. Пешонасидан, қовоқларидан, юзларидан ўпди ва ниҳоят лабларига лаб босди. Шунда Мардоннинг лабларидан ароқ ҳиди келди. Малоҳат тилсиз, мажолсиз одамдек Мардоннинг кучоғида маст бўлиб қолди. Кейин Мардон сумкадан коньяк, бир қанча егуликлар ва магнитофонни олди. Магнитофондан майин куй тарала бошлади. Мардон пиёлага коньяк қўйиб Малоҳатга узатди. Малоҳат бирон марта ичиб кўрмаганлиги боис пиёлани оғзига олиб боришга ийманди. Мардон бошлаб берди. Малоҳат ҳам Мардоннинг қистовидан кейин бир хўплади. Кўникди шекилли, кейинги қадаҳларни дадил кўтарди.

Мардон магнитофоннинг овозини баланд кўтарди. Чўнтагидан узукни олиб Малоҳатнинг бармоғига тақди.



Эшикни ичкаридан маҳкамлаб, Малоҳатни кучоғига оқди.

Малоҳат бармоғидаги узукка маҳлиё бўлиб тикилди. Узукнинг кўзлари чироқ ёғдусида ял-ял товланар, унинг кўзларини қамаштирар, устига-устак Мардоннинг тинмай бўса олишлари ҳам узук кўзларидек уни бутунлай сеҳрлаб қўяётган эди. У Мардоннинг кучоғида тўлғанар, хушомад сўзлар ҳам магнитофондан таралаётган қўшиқ ҳам унинг кулоқларига кирмас, у гўё денгизда сузиб юрганга ўхшарди.

\* \* \*

Эрталаб саҳарлик қилишаётганларида кампир бир гапни эслатди:

— Рўза ҳам охирлаб қолди, бугун кечкурун лайлатулқадрни кутамиз. Хизр йўқлайдиган кун бугун, — деди у.

— Ҳа-я, айтганча, бугун дам олсаларингиз ҳам бўлади, — деди чол. — Ҳаво ҳам совиб кетди. Кечкурун биргалашиб лайлатулқадрни кутамиз. Бу оқшомни бедор ўтказган маъкул. Ризқ-насиба топиш умидида меҳнат қилиб юрибсизлар. Бу кеча ҳазрати Хизрнинг ўзи уйғоқ кишиларга насиба олишиб чиқади.

Шерикларини уйғотганда Баҳром уларга шу гапни такрорлади. Қурбон билан Қиличбек бир-бирларига қараб олишди-да, масхараомуз кулиб қўйишди.

— Бир ками бер деб осмонга тикилиб ўтириш қолувди, — деди Қурбон. — Худо бераман деса ишлаганга беради, қўл қовуштириб ўтирганга эмас. Қани кетдик, тухум босиб ётишдан фойда йўқ.

Ҳаво аччиқ совуқ бўлишига қарамасдан улар роса меҳнат қилишди. Кўлмак юзидаги музни ёришар, кумни кавлаб олишаётганида сув юзи музлаб қолар, кейин яна ёришар эди. Муздай сув қўлни кесиб юбормоқчи бўларди. Улар кумни ювиб, дам-бадам ўчоққа исинишар, бочкадаги иссиқ сувга қўлларини ботиришар эди. Пешиндан кейин осмонда булутлар кўринди. Ҳавонинг авзойи ўзгара бошлади.

— Яна қор келаётганга ўхшайди. Бир ёғиб берса яна ишимиз тўхтаб қолади. Имилламай тезроқ қимирланглар, вақт борича улгуриб қолайлик, — деди Қурбон.

Совуқ кучайгандан кучаяр эди. Қурбон билан Қиличбек ҳар кун одатлари бўйича яна бир стакандан ароқ ичиб олишди. Баҳром эса совуқни енгиш учун қудуқ билан ҳовуз ўртасида зир югуриб қум ташийверди. Шунда совуқ унга чанг солмади. Кечкурун Қурбон билан Қиличбек ашқол-дашқолларни йиғиштиришаётганда Баҳром уларга таклифини айтди:

— Бугун бир йилда бир мартагина келадиган, худо суйган бандасига барака улашадиган кун. Келинлар, шу оқшом ётоққа қайтмай ишлайлик. Бир кеча ухламасак осмон узилиб ерга тушармиди.

Шериклари хандон отиб кулишди.

— Агар Худо фақат суйган бандаларига барака тақсимлаб чиқадиган бўлса, унда биз умид қилмасак ҳам бўлар экан, — деди Қиличбек.

— Унда сизлар бораверинлар, мен бу оқшом шу ерда қолиб ишлайман, — деди Баҳром.

Унинг жиддий гапирётганини кўриб Қурбоннинг фигони чиқди:

— Эсинг жойидами? Шундоғам силланг қуриб, юришга ҳолинг йўқ-ку. Ҳойнаҳой бутун тоғни ушлаб турсам олтинга айланади, дерсан? Бориға шукур қил, ҳар кунги териб олаётганимиз ҳам етади. Ҳаво ҳам бузилиб келаяпти, кетдик, бир балога йўлиқмайлик.

— Сизлар кетаверинлар, мен шу ерда қоламан.

У сўзида қатъий туриб олган эди. Шериклари билганингни қил, дегандек қўл силташиб, ҳамма анжомларни шу ерда қолдириб жўнаб кетишди. Баҳром бироз вақт лабини тишлаб ўйланиб турди. Кейин бир четга чирт этиб тупурди-да, қўлларини ишқалаб ўрнидан турди.

Ўчоқ ёнига бориб, рўза билан ёпилган оғзини очиш учун калима ўқиди. Термосдан пиёлага чой қуйиб ичди ва тугундаги егуликларни олиб кавшади. Ўчоқдаги ёниб турган олов устига яна ўтин қалади. Атрофга қаронгулик чўккан эди. У пўстинига маҳкам ўраниб, фонарни ёқди-да, қудуқ ёнига борди. Қозикни ерга чуқурроқ қоқиб, арқоннинг бир учини унга боғлади ва иккинчи учини қудуққа ташлади. Кейин арқонга осилиб қудуққа тушди. Қудуқ ичи кавланаверганидан ғор бўлиб кетган эди. Фонар ғор ичини ёп-ёруғ қилиб турарди. Баҳром пўстинини ғорнинг бир четига қўйди-да, енг шимариб ишга киришиб кетди.

У чўкич билан уриб қум кавлар эди. Ғор деворларига чўкични ҳар гал урганида ғор гумбирлаб кетар, гўё ғорнинг тепа қисми ҳозир кулаб тушиб уни босиб қоладигандек ваҳима солар эди. У кавланган кумни бир четга уюб қўяверди. Анчагина қум уюлгач, челакни қумга тўлдирди. Челакни ғор оғзига олиб келди, арқон учидagi илмоққа илдирди. Ўзи арқонга осилиб юқорига чиқди ва арқонни тортди. Кейин яна тушиб-чиқавериб, ун челак кумни ташқарига уйди. Томоғи қақраб, пешонасидан тер қуйиларди. Ташқарида ҳаво баггар совуган, пастдаги ўчоқнинг оловини ҳисобга олмаганда милт этган шуъла кўринмайди. У ўчоқ ёнидаги термосни олиб келиб, қудуққа тушди. Қудуқ ичи ҳар ҳолда иссиқроқ эди. У ғорда ўтириб пешонасидаги терни артди. Термосдан тўйиб-тўйиб чой ичди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, Баҳромни эса силласи қуриб, ҳолдан тойгани учунми, уйқу элта бошлади. Сал бўлмаса ухлаб қолаёзди. Шунда у кўзларини ишқаб ўрнидан турди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ухлаб қолмаслик керак. Қум босиб, ёки ҳеч бўлмаса зах тортиб бир балога йўлиқиб қолиш ҳеч гап эмас. Шунинг учун у яна қум кавлашга киришиб кетди.

Бир маҳал ғор оғзидан юракни талвасага солувчи гувиллаган овоз эшитила бошлади. Баҳром қўлидаги чўкични маҳкам ушлаганча қўрқа-писа ғор оғзига борди. Фонарни ёқиб қаради. Ташқарида бўрон бошланган, қор учқунлаётган эди. У шошилиб кумни челакка солди. Юқорига чиқиб арқонни тортди. Бўрон одамни учириб кетгудек қутурарди. Бугун дара бўйлаб гувиллаган ваҳимали овоз ҳукмрон эди. Ўчоқдаги олов ҳам ўчиб қолибди. Атроф зим-зиё. Баҳромни қўрқув босди. Шериклари билан ётоққа қайтиб кетавермагани учун афсусланди. Лекин энди пушаймондан фойда йўқ, фақат иш билан овуниб вақтни ўтказиш мумкин.

У ғордаги кумларни ташқарига чиқариб бўлгач, яна чўкични ғор деворларига уришда давом этди. Манглайдан қуйилиб келаётган тер кўзларига тушиб, ачиштирар, лекин у қафтларининг орқаси билан терни сидириб, яна чўкич уришга зўр берарди. Баҳром чўкични шундай асабий урардики, гўё у қорга қарши уруш очган, қор эса ҳаледганда таслим бўлгиси келмас эди. Кўзларини шўр пешонасидан оқиб тушган тер эмас, ботинидаги алам, бўғздан тошиб келаётган кўзёшлари ачиштираётганга ўхшарди. У толиқди, букилиб-букилиб бораётган оёқларини бардам тутишга уринар, тобора оғирлашиб келаётган чўкични инграниб кўтарар ва ғор бағрини беаёв ёрар, чўкични ҳар кўтарганида Тангридан мадад сўраб, калима қайтарар эди; у ушбу қаётмамот жангида фақат галаба қилишни ўйларди. Девордан учқун чақнаб кетди. Учқунга қизиқиб у яна қайта-қайта чўкич урди. Бир пайт қумга қўшилиб яримта пишқи гиштдек келадиган тош Баҳромнинг оёғига тушди. У чўкични ерга қўйиб нафасини ростлади. Пешонасини артди ва беихтиёр бояги тошни қўлига олди. Астагина тошни силади. Тошнинг юзидаги қум артилгач, у ялтиради. Баҳром миясига келган фикрдан чўчиб тушди: “Олтин!” Юраги ҳаприқиб, шоша-пиша тошни камзуллининг енгги билан тозалаб артди ва фонарга яқин олиб борди. У ҳақиқатдан ҳам соф қуйма олтин эди. Бу эса



узоқ давом этган машаққатли жанг якунига етганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини

Баҳром дустинининг мушукни солса ҳам сифати  
— нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини

Ана, булар экан-ку, деб уилаб борарди у. Биз  
— нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини

Энди қоронғулик ҳам, оёқ-қулларини музлатаётган  
— нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини

булганга ухшайди”, — уилади ва кунлига минг шубҳаю  
гулгула орадаб уйи томонга бурилади. Ховлига кирар экан,  
миясиди айланаётган ёмон хаёллар учун узини қойибли.  
Аммо уй олдига яқин борганида дахлизга тушиб, юра-  
ни тез-тез ура бошлади. Дахлиз эшиги оқик, ичкарида  
баланд овозда қушиқ янгради. У астагина дахлизга мура-  
лади. Қушиқ янграётган уйга қулоқ тутди. Эшиқ турки-  
шидан мойчиноқ туғуни аралаш ичкилик хили ағкиб  
туради. Магнитофондан таралаётган қушиқ тинди. Ич-  
каридан ҳансираган маст-аласт овозлар эшитилди. Баҳ-  
ром овозларни таниди. \* \* \*

— Ҳеч ким сени менчалик бахтли қилолмайти, Ма-  
лоҳат, — деди Марлон. — Истаганингни муҳайи қиламан.  
Мен билан тез-тез учрашиб турсанг бас: Сен далақачон  
меники бўлишинг керак эди. Сен дунёда тенги иуқ аёл-  
сан, жоним.

Сизга ишонаман, Марлон ака, — деди Милоҳат  
ҳансираб. Уш пайтдаёқ сизга тегинишга розилик берма-  
ганимга афсусланаман.


Буса овозлари эшитилди. Хансираган пишқириган  
овозлар эшитилди. Кейин бу беҳаё овозларни магнито-  
фондан яна тарала бошлаган қушиқ босиб кетди. Баҳ-  
ром шў тобла овозларни эшитиб турган қулоқларини  
кешиб ташлашга ҳам тайёр эди. У ҳаммасини тушуниди:  
энг муқаллас оқшом деб уилагани бу кеча унга нима-  
ларни ҳаля этганини ағлади. Баҳром учун бу кеча ин-  
соннинг қадр-қиммати сариқ чақага арзимаган, гурур  
ва ифпат, нафсоният топаган кеча бўлди. Бу кеча омад  
бир ялт этиб саробга айланган, тоғини ва иуқотини, гала-  
ба ва мағлубият, бахт ва бахтсизлик қоришиб кетган  
энг узун кеча бўлди.

Баҳром ҳонасида Уллаб етган Сардорни қучиб ош-  
хонага борди. Кейин нафасини бир ростлаб олди-да,  
ошхона бурчагида турган канстерна олиб дахлизга бор-  
ди. Хиёнаткорлар етган уй эшигининг зулфини секинги-  
на утказди. Идишдаги мойни эшикларга, деворларга се-  
лди. Қолганини дахлизга тўкиб юборди ва гуртур қақиб,  
узи Сардорни опичлайсола ташқарига опилди. Уи бирда-  
нига ловуллаб аланга олди. Аланга шундай авж олдики,  
уининг ичида хиёнат ва разолат, алам ва изтироб, сира-  
сини айтганда, алдовларга тула ҳаёс ениб кетаётган эди.  
Баланд парлада янграётган Қушиқ оловни уинатаётган-  
га ухшарди. Хиёнаткорлар аланга ичида қолганликларни  
ни сезиб, уларини деразала уришди. Аммо ҳарчанд ури-  
масин, тақдирдан қочишини иложи иуқ, дераза паң-  
жараси ҳам уларнинг туноҳларини кечирмагандек маҳ-  
кам турар эди.

Ташқарига буралаб қор еғар, қор гуе аланга тин-  
гач, бутун утмишини ешиб, ҳаммасини оппоқ қилиб  
курсатишга беҳуда чиранаётганга ухшарди. Ховли урга-  
сида хайкалдек қотиб турган Баҳром енаётган уйга қараб  
юм-юм ийғларди. Баҳром ийғлаб турган жойида чунтак-  
ка қул солди. Қули қандайдир муздай нарсага тегди. Хай-  
рон бўлиб уни чунтагидан чиқарди. Не куз билан курсин-  
ки, у Баҳромни бахтли келажакка, улуг мақсадларга  
умидлантирган олтин эди. Баҳром муздай олтин устига  
күзешларини тукди. Кейин уни боши узра баланд кутар-  
ди ва олов қаърияга отиб юборди...

2003 йил.

— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини  
— ут ба нитро... Баҳромнинг галабаси қарор топаётганини





# АЛИШЕР НАВОЙИ КҶУНҶИЛ КҶУЙҶАН САНАМ...

Узоқ йиллар Алишер Навоий Гули исмли қизни севган, деган тасаввурда эдик. Негаки, ўзбек халқ эртакларида, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасида, Ойбекнинг “Навоий ва Гули” достони ва бошқа кўйлаб бадий асарларда Гули тимсолига такрор-такрор дуч келардик.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Шуҳрат Сирожиқдинов “Ёшлик” (5-сон 1991) журналида Алишер Навоий Хадичабегимни севган деган янги фикр билан чиқди. Мен ҳам “Соҳибқирон юлдузи” газетасида 24 феврал 1998 йили “Навоий севгиси, Навоий фожияси” номли мақола эълон қилиб муҳтарам Сирожиқдинов фикрларига қўшилдим.

Алишер Навоий ва Хадичабегим севгилари тарихини қуйидагича тасаввур қиламан: 1457 йилда Самарқанд ҳукмдори келиб Ҳиротни эгаллади. Ўша йили унга олти яшар Хадичани тортиқ қилдилар. 1460 йилда Алишер Навоий Машҳаддан Ҳиротга қайтиб, сарой хизматида бўлди. Унинг Абусаид Мирзонинг ўғли Абобакр Мирзога сабоқ бергани маълум. Шунга қараганда шохнинг шоирга нисбатан меҳри ва шончи бўлган. Алишер ва Хадича бир-бирларини ёқтириб қолган бўлишлари мумкин.

1465 йилда шох Хадича билан “қўйилади”. Кўп ўтмай “Алишер Навоий Ҳиротдан чиқариб юборилсин!” деган буйруқ берилади.

Олимларимизнинг Навоийнинг Ҳиротдан чиқариб юборилиши ҳақидаги мулоҳазалари: биринчиси, Ҳусайн Бойқаро мактабдоши эди; иккинчиси: шоир тоғалари Абусаид душмани эдилар; учинчиси, шоир Абусаид сиёсатидан норози эди. Мен Навоий ижодини ўрганиб бу мулоҳазаларга қўшилмадим. Сабаб: агар ўша даъволар рост бўлса: шоир бошданок саройга яқинлаштирилмас эди; шох ўғли адабий тарбиясини шоирга ишониб топширмасди...

Навоий Саййид Ҳасан Ардашерга ёзиб қолдирган шеърини мактубида қуйидагича мисралар бор:

*Сафар тушти олдимга беихтиёр,  
Қазо амрида элга не ихтиёр...  
Аниким, қилиб ишқдин ёралиғ,  
Насиб айлабон анга оворалиғ...*

Алишер Навоий Самарқандга жўнар экан, сафар ҳисларимнинг ўтини сўндирар деган ўй-хаёлда эди. Чунки у “Сафар ишқ ўтини камайтиради”, “Сайр ишқни камайтиради” деган ҳикматларни эшитган эди. Бироқ...

*Айладим азами сафар, бўлғай дебон ишқ ўти кам,  
Ул худ афзун бўлди ҳар манзил демайким, ҳар қадам.*

*Сайрким, дерлар, кам айлар ишқни, кўр, эй рафиқ,  
Ким, жаҳон овораси бўлдим, ғалат чиқти бу ҳам!*

Ушбу шеърини иқроорлар шоир муҳаббатининг ҳар қадамида орта борганини кўрсатмоқда, холос...

Мавлоно Хондамир ва Заҳириддин Бобур “Мақоримул ахлоқ” ва “Бобурнома”да Навоий Самарқандда асосан шаҳар

ҳокими Аҳмад Ҳожибек даврасида яшарди, деган маълумотларни берадилар. Агар Абусаид розилиги ва илтимоси бўлмаса, Абусаид Самарқандга ҳоким қилиб юборган Аҳмад Ҳожибек Навоийни ўз доирасига олаолармиди? Албатта, йўқ...

Хадича бегим Абусаид Мирзодан Оқбегим исмли қиз кўрди.

1469 йилда Абусаид Мирзо Қорабоғ жангида асир тушиб, ўлдирилди. Ҳарам Ҳиротга қайтди. Ҳиротни Ҳусайн Бойқаро эгаллади. Энди ҳарам Ҳусайн Бойқарога қарашли. Хадича энди ўн саккизга кирган жувон...

Шох Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзога мактуб йўллаб, Навоийни Ҳиротга чорлади. Шоир она шахрига келса... Хадича яна ҳарамда... Шоирнинг лирик фарёди:

*Ишқ ичра қани мен киби зеру забар ўғлон,  
Ҳар кимки йўқ ондин батар, ондин батар ўлгон?!*

Энди шоир ижодига “шоҳ” ва “моҳ” сўзлари учрайдиган шеърлар кўпаяди. Ҳусайн Бойқаро – шоҳ сафарда, Хадича – моҳ унга қайрилиб боқмайди:

*Борғали шаҳ ойча бир май ичмадим моҳим била,  
Кошки бир ойчилик борғай эдим шохим била...*

Шох Ҳусайн Бойқаро учун Алишер Навоий улуг ва муқаррам зот. Хадича шоирга бефарқ:

*Гар қуёшдин қадрим ортиқроқдурур шох олдида,  
Заррадин юз қатла ўқсуқракмен ул моҳ олдида...*

Хадичабегим бутун аёллик латофати ва заковатини ишга солиб Ҳусайн Бойқаронинг энг суюкли хотини даражасига етади. Давлат ишларига бавосита ва бевосита аралаша бошлайди...

Хадичабегимнинг Алишер Навоийга ҳам муносабати тубдан ўзгаради. Унга гул беради, гул юборади:

*Гулкеим, ёр бергай мен киби урён гадоларға,  
Магарким, сончқаймен ани бош узра яроларға.*

Навоий шеърларини мақтайди, уни руҳлантиради:

*Гар Навоийға Сулаймон мулкича бордур не тонг,  
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламыш.*

Шоир шох хотинини Сулаймон пайғамбарнинг пари хотини Билқиси исми билан шарафламоқда. Хадичани замон Билқиси демоқда.

Бироқ энди Навоий ўзини унга бефарқ кўрсатади. Сабаби - аён. Хадича – шоҳ хасми. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийлар ўзаро жонфидо дўстлардирлар. Шоир ўзига ўғит беради, ўзини тергайди:

*Шаҳ ҳарамда, Навоий, неча топсанг эйтибор,  
Билгил ўз ҳаддингизко беҳад ривоят қил адаб.*

Муқарраби султоннинг гаплари бу ахир...

Зайниддин Маҳмуд Восифий “Бадоеъ ул вақос» асарига бир воқеани ҳикоя қилади: Хадичабегим Давлатбахт исмли чўрини кечқурун Алишер Навоий уйига атайлаб юборади ва тунаб қолиш кераклигини буюради. Бу буйруқни ҳеч ким икки

қилломайди. Мақсад: Навоийнинг жинсий қобилиятини синаш эди... Савол туғилади: бу масалани ҳал қилишнинг Хадичага не қизиғи бор эди?

Шоир қариди. Соч-соқоллари қордай ошмоқ. Азоб-уқубатлар юзини сарғайтириб юборган. Хадичабегим шоирга сап-сарик беҳи совға қилади. Шоир унга жавобан куйидаги шеърини ёзадики, синчов китобхон беҳи тимсолида шоир ишқий ва умрий изтироб асоратларини идрок эта олади:

*Беҳи рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга сиймо,  
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ донан савдо.*

*Мазаллат туфроғи сориғ юзумда бордур андоқким,  
Беҳида гард ўлтурғон масаллиқ тук бўлур пайдо.*

*Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариғ чехрам,  
Момуғ ичра беҳини чирмағон янглиғ киши амдо.*

*Юзумда тиғи ҳажринг захми ҳар сори эрур беважх,  
Беҳини тиғ илан чун қатъ қилмоқ расм эмас қатъо.*

*Юзум туфроқдадур ҳар дам қуруғон жисм рангидин,  
Беҳиға сарингулик шохи заъфидин бўлур гўё.*

*Бу гулшан ичра беҳбўд истаган доим беҳи янглиғ:  
Кийиб пашмина, тоатқа қадин ҳам асрамоқ авло.*

*Навоий, гар қуёш норанжидин беҳрак кўрар тонг йўқ,  
Беҳиким, лутф этмиш маҳди улё исматуд дунё.*

Ҳазалнинг биринчи мисраси мазмуни: "Сенинг айрилигинг дардидан юзим беҳидек сарғайиб кетди". Шеърнинг охири байтги мазмуни: Навоий дунёнинг энг пок аёли, шоҳнинг жуфти ҳалоллари унга совға қилган беҳини қуёшдан ҳам афзал деб билади.

Бу мисраларда ошиқнинг ушалмаган севгисига очиқ икром кўришиб туришти...

Ҳарқалай, шоир бадний мулкидан топган байтларимиз асосида шоир муҳаббати тарихидан бир лавҳа яратдик. Воқеа ҳақиқатини Оллоҳгина билади...

Ваҳоб РАҲМОНОВ

Камолуддин МИНГБОЕВ

НАЗМ



\*\*\*

*Маъшуқам,  
Нималар дединг?  
Нималарнидир уқтирмақ,  
тушунтирмақ истадинг.  
Билдим. Мен... мен Сени  
Соғиндим.  
Сен соғиндингми  
Ўша югурган чанг кўчалар  
тупроқларига қўшиб...*

*ЙУЛ МАНЗАРАСИ*

*Ёнимда дўст  
Жонимда дўст  
Муссалам Боғу*

*Дастурхонимда дўст  
Тўйимда дўст  
Ўйимда дўст*



## СЕВГИЛИМ, СОҒИНДИНГИМИ?

*Кўрсимда...  
Амалимда...  
Ўзи нени хоҳлайман?  
Эй, дўст.  
Дўст бўлсанг, ҳозир бўл  
Дастурхоним бутун  
Тўйгача гап кўп  
«Онам - комедант»  
Кўрсини ясапти усто...*



*СЕВГИ ИЗХОРИ ҲАҚИДА*

*Сўзларга меҳрли бўлинг.  
Ален Боске*

*Йўлнинг қоқ ўртасида  
Йигит маст. Отдек пишқириб  
«Севаман» деб бақирарди.  
Қизлар ҳавас-ла боқишиб  
Йигитинг бўлса, шундай бўлсин,  
дея Саломатга чиқ-чиқ деб  
ҳам шивирлаб қўйишарди.  
Аммо, қиз-чи,  
билар эди  
Мастлик - ростлик эмас.  
Ҳақиқат ҳайқириб айтилмас.  
Изҳор этилади муҳаббат  
Аслида шивирлаб.*



Назира БОЙМУРОДОВА



# ҚАРО ҚЎЗЛАР ҚАРОҒИДА ЯШАЙМАН

## МЕНИНГ ЎЗ ОВОЗИМ БОР

Менинг ўз овозим бор,  
Кўзда олтин созим бор.  
Ўз тилим, ўз ватаним,  
Ҳам баҳору ёзим бор.

Ўзгага қилмам тақлид,  
Ўз тошу тарозим бор.  
Ўз эрким, ўз ғурурим,  
Халқимга эъозим бор.

Аллоҳ деб интилувчан,  
Шу кичик юрагим бор.  
Шу ватанга, шу юртга  
Менинг ҳам керагим бор.


Момоларим суйлаган  
Мўъжиза эртагим бор.  
Юрагимда ниш урган  
Шеър деган куртагим бор.

Осмониимнинг бағрида,  
Ҳеч сўймас қуёшим бор.  
Юртга истиқлол берган,  
Мардона юртбошим бор.

Ўз юртимда янграган,  
Шўх куйим, садойим бор.  
Ҳар дамда асрагувчи...  
Ёлғизим, Худойим бор.

## ЯШАЙМАН

Қаро қўзлар қароғида яшайман,  
Атиргулининг япроғида яшайман.  
Ўзбек деган шу миллатга ярашиб,  
Ўзбегимнинг ардоғида яшайман.



Шу ватану шу юрт учун туғилдим,  
Ноҳақликни кўрганымда бўғилдим.  
Фақат ёлғиз Яратганга сизгиндим,  
Мен Аллоҳнинг паноҳида яшайман.

Киндик қоним тўкилган юрт — жаннатим,  
Шу тупроққа сингусидир меҳнатим.  
Юксақларга қўтариб юрт шухратин,  
Жаннатмакон гул боғларда яшайман.

Юртим чексиз, йўқдир унинг адоғи,  
Ўпай деҳқон халқимнинг қўл қадоғин.  
Ҳилпиратиб Ўзбекистон байроғин,  
Муқаддас юрт тупроғида яшайман.

## ДЎСЛАЙИМ

Эй дўстим, ёнимга чаман бўлиб кел,  
Жаннатнинг хуш атри райҳон бўлиб кел.  
Нитоҳим йўлингга қилмай интизор,  
Бағримни тўлдириб, шодон қулиб кел.

Сен келсанг, ғамларим унут бўлади,  
Юрагим шодланиб, хушнуд бўлади.  
Рухимда қолмайин, қайғудан асар,  
Борлиғим бир ажиб нурга тўлади.

Сен менинг умримнинг хуш онидурсан,  
Покиза кўнглимнинг султонидурсан.  
Юракка дўстликнинг риштаси пайванд,  
Уйимнинг энг азиз меҳмонидурсан.

Дўстим, иккимиз бир юрак бўлайлик,  
Яхшилар тилаган тилак бўлайлик.  
Ҳамisha эду юрт дуосин олиб,  
Шу азиз ватанга керак бўлайлик.

Назира Боймуродова — 1981 йилда Жиззах вилояти Пахтакор шаҳрида туғилган. ЎЗТВда илк фаолиятни “Ёшлар овози” кўрсатувида бошлаган. Ҳозирда “Мунаввар тонг” кўрсатувида фаолият юритиб келмоқда. Шеърлари “Ёшлик”да илк бор берилмоқда.

Дилфуза ҚЎЗИЕВА



# ОҚСОҚ ҚИЗНИНГ ҚИСМАТИ

Хикоя

Опамга ҳасад қилардим деб айтолмайман-у, аммо унга чиндан ҳавасим келарди. Опам дадамга тортган: баланд бўй, оқ юзли, кўк кўзли қиз. Соҳибжамол. Унга ҳамма нарса ярашади. Уйимизда тўнғич-у, аммо энг эркаси шу. Янги мато чиқса, аввал опам кияди, ундан кейингина онам ва қолганларимизга навбат тегади. Айниқса, даданинг меҳрини айтмай қўяқоламан...

Мен опам ҳақида истаганимча ёзаверишим мумкин. У гоҳ шўх, гоҳ бепарво, гоҳ шафқатсиз, гоҳида маъсум... Бироқ, шунга қарамай бир умр ўртамизда ўтиб бўлмас ғов бордай. Биз бошқа опа-сингиллардек пичир-пичир сирлашмасдик, лекин юмма талашиб уришмасдик ҳам... Опам мендан икки ёш катталиги учунми, эсимни таниганимдан буён фақат унинг буйруғини бажараман. Уйимиздагиларнинг ҳеч бири унга заррача эътироз билдирмасди. Мени ёмон кўришарди деёлмайман, бироқ улғайганим сайин ўз оиламга ортиқча эт, ўлик бармоқча эканлигимни болалик онгим билан англай бошлаган ва тобора опамга мутеланиб борардим. Чунки...

Мен оқсоқман... Айтишларича, ичкиликнинг оқибатида шундай туғилганмишман. Нега, дейман баъзан, нега даданинг ичиси келиб-келиб менда таъсир этди? Нега менда?! Нега опам ёки укаларимга эмас? Нега менинг яқин дугонам йўқ. Нега синфимиздаги ўғил болалар бир-бирининг жиғига теккилари келса, зимдан менга ишора қилишиб, "Ана, сенинг хотининг" деб мазаҳ қилишади?

Эсимда, саккизинчи март байрамида синфдош қизларга ўғил болалар совға беришарди. Синфимиздаги энг чиройли қизлар ўша куни ҳатто атайдан совға учун бўлак халта кўтариб келишар ва гулларга кўмилиб, уйга қайтишарди. Ўша кунлари опам олам-олам қувончу йигитлар табриклаган совға-саломлар билан, онам ишхонаси тақдим этган чайнагу пиёлалар билан, фақат мен... бошим эгик, залворли папкаمنى қийшайтириб кўтарганча оқсоқланиб уйга қайтардим. Ўша пайтдаги биргина сунъий гулчами, биргина садаф тароқми совға қилишларини қанчалик интизор кутганларим фақат ўзимга аён. Мен опам хона ичига беписанд ёйиб ташлаган совғаларни кўзим ёнганича бирма-бир кўлимга олиб сийпалар, опам каравотида чалқанча ётганича, ошпоқ кўзларини бош устига қўйиб, сўйларди:

— Анув ромашка гули бор атир билан рўмолчани параллел синфимиздан Алишер "подарит" қилди. Ҳалиги бўйинбоғ тақиб юрадиган — келишган бола-чи? Анув халтадагилариними? Кўряпсанми? Совун, атир, дезодорант — бир комплект... буни... буни берган болани сен танитайсан. Укасидан жўнатибди. Яқинда армиядан келган. Бўйлари баланд-чи... Яхши кўриб қолганмишлар. Китобни эса кимам берарди. Азиз кўзойнақдан бошқа.

— Сени табриклашмадимми? — шунчаки сўрайди опам ахийри эснаб, уйкуга кетаркан. Сўнг олийҳимматлиги тутади: — Анови соч тўгноғичини олақол, ҳе Шароф берганини, барибир ўша тўнкани жиним сўймайди... Шу сўзларни айтгач, опам ухлаб қолади.

Очиғи Худо ўзи қисган бандаларини шундай хулқ-атвор билан яратадими, ёки мен ўзим шунақаманми, ҳар холда опамга нисбатан анча эрга улғайдим. Опамни мактабимиз йигитлари ҳоли- жонига қўймай атрофида гиргиттон бўлар, лекин опам уларнинг ҳаммасига беписанд қарарди...

Мен эса... мен ўша, опамга изҳори дил айлаган йигитларнинг мени ҳам ёқтириб қолиши мумкинлиги тўғрисида бирорта хомхаёлни ўзимга ёпиштириб олардим-да, шу ўй-фикрлар билан неча кунлаб маст юрардим.

Токи бир куни...

Ўшанда биз саккизинчи синфни битираётгандик. Давлат имтихони... Иншо. Тўрт соатлик азоб ичида берилган варақларни бир амаллаб тўлдириб, ташқарига чиқишим билан опамга кўзим тушди. Бугун опамларга ҳам имтихон эди. Топшириб чиқдимикин?

— Мухайё, буёққа қара, - деб қақирди мени опам. Ёнига етиб борганимча имиллашимдан бетоқатланиб, бир-икки "уф" ҳам тортиб қўйди.

— Уйга бориб, онамга айтасан: мен Нигора билан унинг холасиникига кетяпман... Виласан, эртага алгебрадан топширишимиз керак. Нигоранинг холаси ўқитувчи экан-да, ўша бизга йўл-йўриқларини ўргатади. Эшитдингми? Яна онам Нигоралариникига телефон қилиб ётмасин. Биз Нигора билан холасиникига ётиб қоламиз. Тушундинг?

— Қаерда? — сўрадим негадир ваҳима билан. Чунки, онамнинг феъли маълум. Қилғиликни опам қилади-ю, доим мен балога қоламан.

— Э, нима ишинг бор! — силтаб ташлади бир вақт опам. Шу пайтда қандайдир қиз-қизил мотоцикл вағиллаб мактаб дарвозаси олдидаги ялангликда, синфимиздаги болаларнинг кўзини куйдириб икки-уч айлана ясади-да, қаттиқ-қаттиқ сигнал берди. Опам ялт ётиб ўша ёққа қаради-да:

— Ҳозир, - деб имо қилди.

Мотоциклчи бир пасга улловининг унини учирди-да, крассовкали узун оёғини ерга тираб, бош кийимини олди ва биз томонга қулиб қаради... Ўша лаҳза юрагимнинг қандай гурсиллаб кетганини назаримда бугун олам эшитди. Бу йигит худди ўша — менинг орауимдаги, тушларим, хаёлларимдаги сирли сиймо эди.

— Тушундингми? - яна таъкидлади опам. — Эрталаб мактабга ўша ёқдан келавераман, хўп, бўпти...

У югурганича мотоциклчи томон кетди. Опам ҳам бошига қизил-кўкирт пләм кийиб, ҳалиги йигитга мингашди ва улар бутун оламни бузворгудай тариллаган мотор овозию шиддат билан айланган гилдираклар қолдирган чанг-тўзон ичра ғойиб бўлдилар...

— О, Бобби! — хиринглашди ортимдан синфимиздаги болалар.

Миқ этмадим. Ўзим бунақа масхарага кўникканман. Аммо буниси опамга қаратилган эди.

Бироқ онам мен кутганчалик опамнинг қаёққа кетганини сўраб тергаб ўтирмади. Ишдан ҳориб келгани учунми, укаларимга бақариб-чақариб юмушларини бажарган бўлди-да, ухлагани кириб кетди.

...Тонгга яқин ётоқхонамизнинг эшиги охишта очилиб, ғираширада кимдир пайнасланиб юрганини сезиб, сачраб уйғондим. Шарпа менинг оёқ учимдан ўтиб, тўрдаги кароватта бориб ўзини "гуре" ташлади-да, кутилмаганда "пиқ-пиқ" йиғлай бошлади. Мен ҳамон ярим ғафлатда нима бўлаётганини анг-





ламасдим. Кўзим ғира-ширага ўргана бошлагач, қароватда сочлари ёйилиб, юзтубан бўлганча ёстиққа юзини босволиб, елкалари учиб-учиб, хўнграб-хўнграб йиллолмаётганидан бўғиқ ҳиқиллаб ётган опамни кўрдим. Мен юрак ютиб бир сўз айтолмасдим. Аммо миҳжа ҳам қоқолмасдим. Биринчи хўрозларнинг қичқирғи эшитила бошлаган чоғ, опам йиллайвериб, ҳолдан тойганиданми, қаттиқ ухлаб қолди.

Эрта туриб чой-пой дамлаб, ҳовлини супуриб-сидириб поношта қилиб бўлдиқ ҳамки, опам чиқмади. Мактаб кийимларимни кийиш учун хонамизга кирмоқчи бўлиб эшик зич ёпиқлигини кўрдим... Эшикни итаришим билан очик турган деразадан кирган элвизакданми, эшик шарақлаб кетди. Ҳамон ўрнидан турмаган опам сесканганча кўрпани бошига довуз тортиб олди-да, секин мен томонга қаради... Уни бунақа забун қиёфада умримда илк бор кўришим эди.

— Онам кетдими? — сўради у деярли пичирлаб. Мен индамай ортимга бурилдим-да, онамнинг кетган-кетмаганини билмиш учун ҳовлига чиқдим. Қайтиб кирганимда опам ашил-ташил кийинаётган, томонини эса ҳаво ранг дурра билан ўраб олганди.

— Кетибди, — дедим мен ҳам ўз навбатида кийим жавонидан кўчалик либосларимни оларканман. Опам одатига зид равишда ойнанинг қошида узок ўтирмади, аксига бир назар ташлади сўнг юзини чир ўтириб чиқди-кетди. Шу-шу у одамови бўлиб қолди...

Таътилга чиққангидан кейин ҳам опам бир неча тунлари ғойиб бўлиб, тонгга яқин қайтар, аммо биринчи гадаги каби пиқилтамас, қотиб ухларди-қоларди.

Онам ўқишдан “қулаб” қайтгач уйимизни совчи босди... Бироқ, опам уларнинг ҳеч бирига рўйхуш бермасди. Бир кунни унинг қаттиқ ўқиб қусаётганини кўриб қолдим. Сўнг бу қусишлар, ўқичилар шўрлик бир қултум сув ичса ҳам такрорланаверди. Онамнинг ўтақаси ёрилгудай бўлиб аввалига роса кинначига югурди, ахйири бўлавермагач дўхтирга олиб борди. Ўша кун дарвозадан кириб келаётган одам билан онамни кўриб эсим оғиб қолоаёзди... Онамнинг юзида қон йўқ, оппоқ оқариб кетган, онамнинг мовий кўзлари эса бир нуқтага тикилганча, қарахт қотганди. Улар миқ этмай тўғри ётоқхонага ўтиб кетишарди. Орадан чорак соат ўтди ҳамки, чиқишмади. Секин ётоқхона эшиги ёнига бориб ичкарига қулоқ тутдим. Аввалига онамнинг йиллаб, пичирлаб нималарнидир деяётганини, кейин кутилмаганда “Шарақ-шуруқ” шапалоқ овозини эшитдим.

— Гаширасанми-йўқми қанжик?! Ким билан ўйнашиб юрибсан, бахтиқаро! Гашир... — яна шапалоқ шарақлади. Аммо опам “миқ” этмасди. Ахйири онам хўнграб юборди... Мен қочиб кетдим... Юрагимга бир мудҳишлик қулғула сола бошлаган, негадир бу мудҳишликни англамоқчи бўлганим сайин мотоциклчи ўша йигит кўз олдимга келаверарди.

Ҳафтанинг охирида кутилмаганда онамни отамнинг узок қариндошига унаштиришди... Онам қудаларга онасидек бўлиб қолган қандайдир ҳоласининг оғир ётганини, “Шу қизимнинг тўйини кўрсин” деб илҳақ бўй турганини минг бир истиҳола билан тушунтиргач, қуда тараф қарз-қавола қилиб бўлса ҳам тўйни тезлатиб юборадиган бўлишди. Опамга куёв бўлмишнинг суратини келтириб, қачон учрашишларини сўрашганда:

— Ҳеч қачон, — деди у қатъий.

Холалар унинг бу қайсарлигини қиз боланинг нозиға йўйиб қулишди.

Бу орада уйда юмуш қўшайган, онам, онам, мен ҳаммамизга кечга яқин итдек хориб-қотиб қолардиқ.

Пайшанба кун ҳовлига одам сифмай кетди. Бир уйда онамнинг синфдошлари ўйин-қулгу қилар, айвонда хотин-халаж, сўриларда кексалар, шовқин-сурон, ғовур-ғувур...

Синфдошлар билан чақчақлашаётган онам тиктирган кийимларини, келин либосини қизларга бирин-бирин кўз-кўз қилар, синфдош йигитларнинг “қичик” гапларига шарт-шурт жавоб қайтариб ҳаммани қудираётганди. Мен уларга иссиқ чой олиб кирганимда, тўрда ўтирган жиккаккина бола қўлидаги чўғдек жажжи пиёлани виқор билан кўтарганча салобат билан қадаҳ сўзи айтаётган, ҳамма сув кўйгандек унинг каломига қулоқ тутганди. Шу чоғ... Кўча томондан мотоциклнинг вағиллагани эшитилди-ю, онамнинг қўлидаги қадаҳ дастурхон четигадаги ликопчага жангилаб тушиб кетди. Енгил қулги кўтарилди.

— Биринчи кечанинг ваҳимаси майни хароб этди, — изох берди бунга “тоғ” айтаётган жиккак ва яна вазминликда давом этди. Аммо кўча деразаси томондан қайта ва қайта вағиллаб ўтаётган мотоцикл овози унинг қолган сўзларини эшиттирмади. Мен онамга қарадим. У бошини эгиб олган бўлса-да, бутун диққат-эътибори кўчада эди.

Ҳалати қизиқиш билан чой қолдиқлари солинган шисталарни йиғиб олдимда, уларни ўчоқбошига қолдириб, кўчага чиқдим. Узоклашиб кетган қизил мотоцикл кўчанинг бошидан ортга қайтди-да, уйимизнинг орқасида бир айлана ясаб, яна олдинга интилди. Шу чоғ кўчани чагитиб бир тўда болакайлар югуриб кела бошлашди:

— Куёв келди, ур-ре-е, куёв келди-и-и... — Йўл бошидан пачоққина автобусда куёв жўралари карнай-сурнайларни ғат-ғатлатиб келишаётганди.

Ана-мана дегунча қий-чув, карнай-сурнай билан кириб келган куёвжўралар ҳам меҳмон қилиб бўлинди. Энди мулла никоҳ ўқитиш учун ҳар иккала тарафни қисталанг қила бошлаган, ташқаридаги тонгдан бўён чакаги ўчмай бақариб ётган овоз кучайтиригичлар ўрнатилган магнитофонни ҳам қайсидир барака топгур ўчириб ташлаган чоғи, тўйхона уяси бузилган аридек ғўнғиллашга тўлган эди.

Ўртадаги онамнинг юклари терилган хонага аввал мулла, сўнг холалар, куёв томонга бош-қош бўлиб турган дўшили, баланд бўйли, ўктам киши киришди ва кўп ўтмай паранжига чирманган онам ҳам, дугонаси ҳамкорлигида боши эгик кириб келди.

— Қани, бисмиллаҳир-роҳманир роҳим, — қироат билан сўз бошлади мулла. Бир пайт... Менга шундай туюлдими, ё ҳақиқатданми, яна кўча тарафдан мотоциклнинг қаттиқ вағиллаган товуши эшитилди. Сесканиб ялт этиб онамга қарадим: назаримда, у ҳам титраб кетди. Мен шошганча хонадан чиқдим-да, яна бориб кўчага қарадим: ҳа, ўша! Пат-патлаётган уловида ўтирганча бир оғини ерга маҳкам тираб, негадир тўйхонага эмас, кўчанинг бошига ўйчан термулиб турган ўша йигит эди...

— Сиз бу ерда нима қилъисиз? Кетинг, бу ердан кетинг!!!

Ҳайқирдим ич-ичимдан энди ўзимни яширишга уринмай. Аммо... бу гапни овоз чиқариб унинг ўзига айтиш шартлигини, зарурлигини англаб, негадир юрагим зириллаб кетди... Йўқ, мен унга бетма-бет бўлишга, юзига тик қараб гапиришга, уни йўлдан қайтаришга журъатим етмаслигини англадим... Гўё мен бу билан уни онамдан рашк қилаётганимни тан оладигандек эдим. Хўрлигим ортиб, шартта орқамга бурилдим-да, ичкарига кирдим.

— Жимлик розилик аломати, рози экан, рози, — эшитилди ўрта уйдан амманнинг овози...

— Ўзи айтсин, ўзи... Ана, куёвбола биринчи сўрашимдан “Розиман” деб юборди. Келин уч сўрашимдаям миқ этмади. Айтсин-да... эмасам... — Мулланинг гапи таҳдиди бўлса-да, овозидан ҳаммаси ҳаллиги билиниб турарди...

Мен онамнинг қандай жавоб беришини эшитмаслик учун эшикдан йироқландим...

Хаёлимдан уни сира қуволмаётгандим, сира... Мен умримда илк бор, ўзим очик-ошкор виждоним олдида уялмай-нетмай ҳасад қилаётгандим: ҳаммаси уники, тўй ҳам, келинлик либослар, иззат-икром, онам кийгизган тўйнинг иссиқлигиданми, хижолатданми дам ўтмай пешонасидаги терини артаётган, унча кўримли бўлмаса-да, оғир-босиққина куёв ҳам, кўчада, шундоқ дарвозанинг олдида ўзини оловга отишга тайёрдек турган... анови У ҳам... ҳаммаси уники, ҳаммаси ва... Ва нима учун?

— Ўзим кийинаман, — йўлақдаёқ бошидаги паранжини улоқтириб ташлаган онам дугоналарининг ҳаммасини оқ фата-қуйлагли осиелик турган хонадан суриб чиқарди-да, эшикни “шарақ-шуруқ” ичкаридан қулфлаб олди.

— Нима бало, рангида ранг қолмабди, — деди қизлардан бири...

— Биз унга нима қилдик, эрга тегаётган бир умикни?

— Яхшиликка ёмонлик, — қўлидаги тароқ билан соч турнагичларни бурчакка итқитди бошқа бир қиз. Адашмасам, шу қиз онамнинг сочини “законий” қилиб турмаклагоқчи эди.

Бу орада онам укамларга бақариб-чақариб, қуда тарафга кетадиганлар-у, олиб бориладиган кўрпа-тўшак, латта-путталар билан овора, мен ҳам идишларнинг бир қисмини ювиб

бўлишим биланоқ “вечер”га деб тиктирган ялтироқ куйлагимни тезроқ кийиш учун шошаётган, қандайдир бутун борлиққа, тўйхона товушига аралашиб кетгандим... Ва бирдан:

- Келин қочибди!
- Ҳа, кетиб қолди!!!
- Қочиб кетди!!!
- Шарманда!
- Ушланглар!
- Шарманда!
- Қайтариш керак!
- Шарманда.
- Расво...

Ўзимни бутунлай йўқотиб қўйган, хушимдан айрилайётгандим...

— Ким билан? — сўрай олдим аранг...

Кўр бўлдимми, кар бўлдимми, ё буткул ақлимни йўқотдимми... Бечора онамнинг қовоқлари шишган, янги атлас кўйлагининг ёқаси йиртилган, отамнинг муштидан моматалоқ бўлиб кетган, ўнг қовоғини яширишга уриниб хўнг-хўнг йиғлар, нималардир деб қарғар, аммо сўзларини англаб бўлмади.

— У ёқдагиларнинг ҳаммаси вечерга тайёргарлик кўриб кутиб турибди. Бечоралар, охириги туфлисигача сотиб, қанча қарз билан қилган шунча тахликани... ..фуруш, ипсослар! — куёв томондан келган дўшпили тоғанинг кўзи косасидан чиққудек бақирар, йўлакда дуч келган нарсани телар, отам эса нуқул “оқ қилдим, оқ қилдим, бундай қизим йўқ” деб гудранарди...

Бир зумда тўйхона гўристондек жимиб қолди. Одамлар аллақачон тарқаб бўлган, фақат куёв тарафдагилар билан ўзимизгина қолгандик.

Мен онам бирор соатча илгари кириб кетган хонага бордим-да, кўзим шу осиглигича қолган оқ келинлик либоси ва ланг очик деразага тушди...

Кўп ўтмай, онамни излаб кетганлар ҳам қайтиб келишди, қизни тополмаганларини айтишди. Отам яна онамга ёнишди:

— Ким эди у? Ким билан? Нимага сен билмайсан? Нимага? — Ҳай-ҳайлашиб, уларни ажратиб қўйишди, бирданга ҳаммалари жимиб, нималарнидир маслаҳат қила бошлашди, фақат ахён-ахён онамнинг шиқ-пиқ йиғисию дўшпили куда тоғанинг: “шунча қарз-қавола билан бунақа куйиб қолиш ўзи бўлмайди”, деганинигина англаса бўларди.

— Юр, — онамнинг овози негадир дадил, ҳаттоки қувончликдек эди, — бўл иммилламай, кичкина томга ўт. Ма, бошингга рўмол ўра, муллангнинг олдига бошланг кирилмайди.

Мен ҳайратланиб, онамга эргашдим. Ичкарига киришим биланоқ тўрда бетоқат, асабий турган куёвга кўзим тушди:

— Муллабобо, шу гап! Никоҳ ўқимасангиз, мен бу шартга қўнмайман, — деди у менга қараб ҳам қўймай.

— Энди жи-я-ан... — чайналди мулла — шариатда қайта никоҳ ўқишимиз учун олдинги никоҳдаги хотинга талоқ бериш керак бўлмаса...

— Э, у жалабни хотин деманг менга! — бақириб берди куёв.

Уялганимдан ерга кириб кетгудек бўлдим. Аммо онам дадил экан. Мени чиқиб кетишга қўймай, “Муллабобо...” деб секин томоқ кирди.

— Ах-ҳа... кириш, қизим, кириш, ўтириш...

Мулла кимга қарата гапирганини англамасимданоқ онам мени елкамдан итариб, кўрпачага ўтқизиб қўйди.

— Хўп, бошланг бўлмаса! — куёв муллага юзланди, сўнг эшик томонга қараб бақирди, — Сирож, кир она, бунисидаям вакил бўл.

Мен ҳамон нима гапигига тушунолмас, бошимга ким томондан ташланган паранжи, дам муллога, дам онамга, дам бурчакда тиззасини кучоқлаганча бу ердаги гап-сўзларга мутлақо алоқаси йўқдек тилининг тагига ташлаб олган носини шимганча чурқ этмай ўтирган қари аммамизга жовдираддим, мени нуқилаб ўтиргизиб қўйишган жойга чўккаладиму, негадир айб иш қилиб қўйган одамдек менга қадалган нигоҳлардан ўзимни опқочиб, бошимни елкам орасига тортиб олдим.

Чўкиб қолган анчагина жимликдан сўнг мулла томоқ кирди.

— Хўш-ш, Холназар ўғли Худойназарбой, сиз ҳақиқатдан

ҳам Шермурод қизи Муҳайёхонни тан маҳрамликка олишга розимисиз?

Ўз номини эшитиб “ярқ” этиб муллага қарадим, шу баробарида сапчиб ўрнимдан туриб кетгандим, ҳалидан бери чурқ этмай ўтирган қари аммам этагимдан бир силтаб тортди-ю, акашак қўллари билан оғритиб чимчилади. Оғриқ ва хўрликдан кўзимдан ўт чиқиб кетди.

— Холназар ўғли Худойназарбой, Шермурод қизи Муҳайёхонни тан маҳрамликка олишга розимисиз? — қатъийроқ сўради мулла, оғир жимликни бузиб, куёв беўхшов хириглади.

— Энди буни нима аҳамияти бор муллабобо, ўқийвермай-сизми? А нима дединг, Сирож? — Сирож бўлмишлари ҳам хириглаб қўймоққа уринди. Аммо эплолмади, кафтига хижолатли йўтала-йўтала куёвга жавоб беришга ўтиди.

— Аҳамияти борми, йўқми, бу сиз билан бизди ихтиёримизда эмас. Сиз шу ерга тўпланган гувоҳларнинг олдида, хўш, бу ожизани тан маҳрамликка олишга розилигингизни билдиришингиз керак, бўтам, — асабийлаша бошлади мулла ҳам.

— Олдингини талоғи нима бўлади? — алам сезилиб турарди бу қитмир саволда.

— Хай олдингисига талоқ бering десам...

— Бердим талоқ: уч талоқ, уч минг талоқ бердим! Бўлдимми? Бунисини олдим! Розиман, розиман! Бўлдимми? Энди олло-ху ақбар! — куёв жазавага тушиб қўллари билан шу гапларни айтгач, бу машамаларнинг ягона айбдори шу одамдек ёнидаги жўрасининг елкасига бир мушт урди-да:

— Кетдик, Сирож! — деди, ва шитоб билан хонадан чиқиб кетди.

Ўша куни тўй (“тўйим” дейишга ҳам тилим бормайди) мотамдек ўтди. Менга-ку ҳаммаси барибир эди эндиликда. Аммо уйимизда бир учиб, бир қўниб турган куёв уйига келгач бутунлай бўшашиб қолди чаманда. Балким ҳайрон бўлаётгандирсиз, ўз ёнига ўзи қоврилиб ётган бу қиз куёвнинг ҳолатидан ҳам бохабар қоялтигим, деб. Аммо тушунинг, тўйимиздан менга қариндош бўлиб келган ягона одам — мана шу куёв эди. Мени фақат қуда тараф ўлик чиқаришгандек чурқ этмай олиб кетишган, онам ва бошқа қариндошларимизнинг тўйга боришга юзи бўлмай уйда қолишганди. Аввалига ҳеч кимга кераксиз матодек қандайдир хонанинг бир бурчагида ёлғиз ўзим сўнашиб ўтирдим, хонадаги хотин-халаж шапиллаб овқат емоғу, ғийбат билан овора, бирортаси мен томонга қиё боқмас, энди қадам ранжида қилганлар эса менга ирганиб қараб қўйишиб, бир-бирига маъноли қош учириб қўйишарди.

Ва ниҳоят мен бу ғавволар бошланмасдан олдин интиқ кутганим, умримда биринчи бор тиктирган ялтироқ куйлагимни эғнимга кийиб, ўйнаб-қулмоқчи бўлганим “вечер” ҳам бошланди. Қандайдир қовоғи солиқ иккита аёл ва бир келинчак тортиб-тортиб оқ келин либосини кийгизиб, афт-ангоримга упаэлик сурган бўлишди, сўнг даярли тургизлаб, куёвнинг ёнига чақирди. Эчкидек маъраётган отарчининг “Тўйла-а-ар мубора-ак”и остида даврани шоша-пиша икки қур айланиб чиқдик. Куёв тирсагимдан ушлаб олган, менинг бутун вужудим қалтирарди, уятдан бошимни кўтаролмасдим. Аммо бу келинлик ҳаяжони ва ибоси эмасди, йўқ! Мен сазойи қилинаётган эдим, сазойи! Ҳаммасидан қизиги кейин бўлди. Куёв менинг ёнимга ўтиришни истамас, ҳадеб ўша Сирож жўрасини куёвнинг ўрнига ўтиришга қистарди. Ўртоқлари бир амаллаб ўтиргизиб қўйишса, худди илон теккандек яна сапчиб ўрнидан туриб кетар, ким насиҳат қилса, у юз-кўзинг демай сўкиб ташларди, ниҳоят ўша уздабурон Сирож қўярда қўймай унга икки пиёла ароқни сиққортди. Куёв қизариб, илжайиб, мўмин-қобил бўлиб қолди. Совутан ошдек ўтган тўй охири дарвозахонада турган онам, амма ва ходаларимга кўзим тушди. Улар мунғайиб тўйни кузатишар, биров уларга одаммисанлар, деб эътибор қилмасди. Ниҳоят мени яна ўша хонага олиб киришганда, онам ёнимга келди.

— Қизим, — деди у менинг юзимга қаролмай, — мени сен ҳам шарманда қилма! Чиди, ҳаммасига чиди... — умрида балким биринчи бордир мени меҳр билан қаттиқ бағрига босди-да, сўнг қўнида ёш билан чиқиб кетди...

Шундай қилиб, мен бу хонадонга келин бўлиб қолдим... Аммо ҳаётнинг менга атаб қўйган аччиқ қуилари ҳали кўп экан.

Биринчи тунданоқ қуёв мени аёвсиз калтаклади, эгни бошимни йиртиб-йиртиб ташлади, сўнг...

Мен энди бокира эмасдим. Ҳа, олти ёшимда бокира эмасдим...

Ва ҳар тун сабабсиз хўрликлар, сўнг ўша иш, кундузлари эса қайнона ва қайинсингилу қайнопаларнинг тинимсиз даккиси, атайдан ўзимга эшиттириб онамни қарашларию отамни "сасеиқ алкаш", онамни "бузуқ, фоҳиша" дейишлари...

Ҳаммасига чидадим, югуриб-елиб хизмат қилдим. Оқсоқ-лигим туфайли соғлардан кам ҳаракат қилмайин дедим. Мен онамни шундай англаганим... "чида, қизим, чида!" Бу... энди сен учун уйимиз ёшиқ, дегани эмасми? Орадан тўрт ой ўтди... Одамзод хўрликларга ҳам кўникиб кетаркан. Ўша тун ҳам роса ичган қуёв (мен ҳамон уни эрим дедимасдим) аввалига «ўрин со!» деб ўдағайлади. Ҳа, ўрин солаётганимда эса, «лапанглама, фишллама чўчкадай бўли!» — деди...

Қўзим жикқа ёшга тўлиб унга қарадим:

— Нега менга бундай қарайсан, а? Шу ўқрайган кўзингни ўйиб оламан ҳозир!

— Ўйинг, - дедим секин, - кошки шу кунларни кўрмасам...

Шарақлаб тушган шاپалоқдан сўзим ҳам бўлиниб қолди. Қулоқларим шанғиллаб кетди.

— Ўлдирилинг, - пичирладим яна, - шу кунларни кўрмай, ўлдирилинг...

Яна шاپалоқ тушди, кейин мушт, тешик... Мен йиғламас, инграмас, ғужанак бўлганча тош қотандим...

— Яна ўлдираман! Менинг йиғитлигимнинг хуни сенда турибди, қанжик! Сенда!...

Қачон ҳушимдан кетганимни билмайман. Аввал кимнингдир йиғисини эшитдим. Сўнг музлаб қолган оёқларимда кимнингдир иссеиқ кафтини сездим...

— Э, бечора... бечора... Нима қилай, сендан жирканаман! Тақдирим шу экан деб ўзимни шунча овутай дейман, аммо сенга кўзим тушиши билан ўзимни босолмайман... Агар сен бўлмаганимда, мен шу аҳмоққарчиликларга кўнардим? Қайси гўрдан бўлса ҳам тоғлардан онамни, қаердан бўлса ҳам... Нима қилай уни яхши кўраем, нима қилай ахир?! Мени хўрлаб кетди у! Оёқ ости қилди мени! Лекин барибир уни яхши кўраман, уни, сени эмас...

Эрим... Музлаб қолган оёқларимга бошини қўйганча йиғлади эрим...

Ўшанда унга қанчалик меҳрим товганим кетганини — кўксига бош қўйиб, менинг ҳам тўйиб-тўйиб йиғлагим келгани ёлғиз ўзимни Худога аён эди... Ўзимга келиб, ўрнимдан қўзғалганимда эрим ўрнининг пойгинасида қотиб ухлаб қолганди. Унинг устига кўрпа ёқдим. Бирпас меҳр билан термилиб ўтирдим. Эндиликда унинг мен кўриб ўрганган, доимо жаҳдан бўзариб турадиган асабий чехраси қалбимга қадрдон бўлиб қолган эди. Секин боши узра энгашдим. Манглайдан ўпмоқчи бўлиб. Аммо яна журъат этолмай, қаддимни кўтардим. Аниқ қарорга келиб, чопганча ташқарига чиқдим. Тонг энди ёришаётган, осмонда хира милтиллаб биргина юлдуз ёниб турарди, шошганча ошхонага ўтдимда, бундан бир неча кун олдин атайдан яшириб қўйган бир шиша сиркани олдим. Қулқиллатиб бир шиёла қилиб қўйдимда ўткир ҳиддан димоғим ачишиб, кўзимдан довуллаб ёш тўкилиб кетганига қарамай, шахт билан сиркани симириб юбордим...

\* \* \*

Мендан ҳатто ўлим ҳам юз ўтирганди. Касалхонада бир ҳафтача қандайдир ёғ дорилар ичиришиб, осма уколлар билан муолажа қилишди. Ҳамма азоб бир томон, аммо ўзимни ўлдиришга бўлиб, тирик қолган вужудимнинг қийноғи бир томон бўлди. Айниқса, ўқтин-ўқтин оғриб турган қорним бир гал шу қадар азоб бердики, дунёни бошимга кўтариб бақирдим. Дўхтирлар текшириб, "Кўричак" деб тахлис қўйишди, кейин зудлик билан жарроҳлик котиға ётқизишди.

Норкозининг таъсири ўтгандан кейин ҳам оғриқлар пасамайди. Қорачадан келган хирург суҳбатлашди.

— Муҳайё қизим, одам ўзига бунчалик жабр қилмаслиги

керак, Худо сизга умрни бунинг учун бермаган-ку!

Сирка ичиб, ошқозон, қизил ўнгачини шикастлабсиз. Бунинг устига ҳомила эзилиб кетган бўлса ҳам тушмабди... Сирка ичганингизга алоқаси йўқ бунинг. Чунки ҳомила бундан олдин қаттиқ зарбдан ҳалок бўлган. Энди ўша... ҳомила бачадонни ҳам иритиб юборибди. Биз кўричак деб ўйлагандик, аҳвол ундан оғир чиқиб қолди. Бачадонингизни олиб ташлашга мажбур бўлдик...

Ўша кун онам келди... Тўсатдан! Онам... оппоқ аза либосида эди! Менга кўзи тушиши ҳамон хўнграб юборди.

— Кўргилигим курсин менинг, кўргилигим! Онандан айрилиб қолдик, болам! Бечора онам жувонмарг кетди... Сен чала жон қолдинг... Ув-в-в... кўргилигим курсин, Худоим, кўргилигим...

Опагинам! Мен сизингиз гўзал опам... Наҳот... Наҳотки у шунга лойиқ эди? Мен уни деб қанча хўрлик кўрган бўлсамда, уни ақалли бир оғиз сўз билан қарғамаганман, ҳамон унга сизинар, уни севардим. Буни мен учун энг оғир жулолик эди, энг оғир... Касалхонадан чиққунимча эрим тарафдан бирор киши йўқламади. Шу ерда пол ювиб юрадиган сенкилли бир санитарка қиз эримнинг узоқ қариндоши экан.

— Янга, акам сизинг жавобингизни берибди. ЗАГСдан ўтмаганимиз, судлашиб юрмаймиз. Талоғини бердим, деб айтибди, - деди у билдилаб.

Мен "Талоқ" деган муҳқиш сўзни иккинчи бор эшитдим. Мени отамникига опкетишди. Отам чўкиб қолган, укаларим хомуш, онам оппоқ либосда арвоҳдек бесамар кезингани кезинган, ичкаридан, бир замонлар опам иккаламининг ётоқхонамиз бўлган хонадан қандайдир чақалоқнинг биғиллаб йиғлаши сукунатни бузарди. Билсам, шўрлик опам шу гўдақни туғиб жон берибди. Ўнгача қаерда, ким билан бўлгани эса номаълумлигича қолган бўлса-да, вужудимнинг ҳар бир нуқтасида ўша, қизил мотоцикл минган узун бўйли йиғитга нисбатан нафрат уйғонганди. Тунда, ҳамма уйкуга кетгач, бутун қалбим ҳувиллаб бўшаб қолди. Бу юракда энди на оруз, на ўқинч, на пушаймон, на қайғу, на алам ва на муҳаббат бор эди...

"Агар ўлганимда, опам билан топишган бўлардим... Биз ҳаётда бир-биримиздан узоқ бўлиб яшадик, аммо ўлимдан сўнг чинакамига топишардим. Бир-биримизни қучиб сирлашган, бахтли бўлган бўлардим?" Юрагимга яна ўлим талваса солаётганидан бутун вужудимда ажиб роҳат сездим. Секин ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Бу гал мен ўзимни ўлдиришга аввалги сафаргидек тайёргарлик кўрмаган бўлсам-да шу истакнинг ўзиёқ мени ҳалок этишга қодирлигига ишонардим. Чунки руҳим ҳам, вужудим ҳам соч таласига илгинган томчидек титраб турарди. Шу шахт билан ташқарига чиқётганимда, яна чақалоқ инглади. Унинг жимишини кутиб бир паст тахтадек қотиб турдим. Аммо гўдақ ҳадеганда йиғидан тўхтаб демасди. Секин ўша хонага ўтдим. Чироқ ёниб турар, яланг қат кўрпада ҳатто бошидаги оқ докани ечмай ётиб қолган онам у ёнбошдан бу ёнбошга инграниб ағдарилар, гўдратар, уҳ тортар, аммо уйғонмас, чақалоқ эса қилтириқ, қип-қизариб кетган оёқ-қўлларини қоринчасига тириштириб олиб, ҳамон чирқирарди. Унга раҳмим келиб секин кўзимга олдим. Шўрликкинаннинг тағи хўл бўлди. Тўсатдан чақалоқ таққа йиғидан тўхтаб, бошчасини ҳар тарафга буриб, оғизинаси билан кўкрак қидира бошлади. Шошиб ўзимни йўқотиб қўйдим. Ҳаяжонланганимдан не қилаётганимни ўзим ҳам тушунмай, унга кўкрагимни тутдим. Бола ютоқиб, торққилаб, кўксимни сўра бошлади. Бир жойда эшитгандим! Астойдил, меҳр билан тутса, ҳар қандай аёлнинг ҳам кўкси ийиб, сут келаркан... Аммо... Аммо менинг кўзларимдан дув-дув ёш тўкиларди, холос... Қизалоқ яна ингалашга тушди. Вужудим титраб-қалтираб, унинг бўйин, қулоқларидан ҳидлаб-ҳидлаб ўлдим.

Бўм-бўш қалбим нурга тўлиб, қувончдан ёрилай дерди. Опам менга бир қисмат, қора қисмат атаб кетганди. Униси эса... Мен қанчалик кераксиз бўлиб қолган бўлсам, шўрлик шугина гўдақнинг ҳам ҳеч кимга кераги йўқ, аммо шу билан бирга биз бир-биримиз учун ниҳоятда зарур эдик...



Даврон РАЖАБ

# ЎЗИМНИ ПАРКАТИДИМ СЎЗЛАРГА БЎЛИБ



\* \* \*

Яширинмоқчи эдим Мен  
Эплай олмадим  
Униб чиқдим сўзларимнинг ичидан  
Маънолар ичида  
Яширинган Сўз  
Гарчи кўп  
Жой эгалламас  
Жисмга ўхшаб.

МЕН ЎЗИМНИ ПЛАНИМАДИМ  
Бегона эдим ўзимдан.

Сўзларимни таом каби улашдим  
Таом деб калом еди одамлар»

Ўзимни тарқатдим  
Парча-парча  
Сўзларга бўлиб.

\* \* \*

Кун бир олов ёнди-ю, сўнди  
Ўтган кунларимнинг ховури  
Музлар кўзларимни эритди.

Янги куннинг сафсатасида  
Нигоҳимнинг ичида сассиз  
Ором олди гулхан тонгача.

Менга нима бўлди билмайман  
Ўтган кунларимнинг қатидан  
Бирми икки гавҳар излайман.

КУЛМАЙСАН

ийгламайсан  
Хаёл мавжларида қотган кўзларинг.

Кулмаган  
Йиғламаган  
Дамлар пишқирав  
Умр аталмиш мuddат чайқалиб борар

ЖИСМ ДЕГАН КЕМАДА  
СУЗИБ БОРАСАН  
ВАҚТ ЭСА ДЕНГИЗ.

Кулмайсан  
Кулмайсан  
Гўзалсан.

\* \* \*

Йиғла энди қулгандай қилиб  
Кулма бироқ йиғлаган каби.

Телба каби бор-да келда юр  
Юрагингда ҳасрат, қуйқаси.

Йиғла бирон йўлини топиб  
Йиғла гўё кулаётгандек.

\* \* \*

Бир парча ҳаёлга  
Кўрғошин нигоҳла боқдинг

Тушунаётган эдинг Сен  
Лаҳза-да сузаётган хилқатни  
Муз сумалак каби,  
Эриди Таҳайюл.

Энди ҳавога қарама  
Шундай қараб  
Эритиб юборма  
Ҳавони ҳам.

\* \* \*

Вақт излайман  
Ўзимга қараш учун  
Кайфият излайман  
Бир кун мен ҳам  
Дардлашиб оларман  
Ўзим билан.

\* \* \*

Бу кун ичра  
Мен ўзимни кўрмадим  
Фақат кўлларим  
Тамаки тутатди  
Қилёфамни кўрсатмади  
Бирорта кўзгу.

\* \* \*

Сўзларингни ўқимадим Тонг  
Сен менинг аралашувимсиз  
Ўзингни Мен билан деб ўйлаб  
Содир бўлдинг.

Мен сенга лойиқ эмасман  
Гашираётганимда Сен билан эмасдим.

Сўзларимни ўқимадинг Тонг  
Сен ҳалиям мен билан  
Сухбат қураясан...

**Даврон Ражаб** – 1967 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Олий Адабиёт курсини тугатган.

«Бир томчи юлдуз» шеърлар тўплами муаллифи. Шеърлари «Ёшлик»да чоп этилган.

# ОИЛАНИНГ ШАХС ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИ

Инсон бутун ҳаёти давомида оила таъсирини сезиб туради: дастлаб ота-онаси билан, сўнг ўз оиласида ҳаёт кечиради. Ҳар икки ҳолда ҳам оила инсонга унинг шахс сифатида қарор топишига тарбиявий таъсир кўрсатади. Бу — дастлаб ота-онанинг, сўнг, рол ўзгаргач, ҳаёт тақозосига кўра, ўзи томонидан, янги мажбуриятлар ёрдамида тарбия топишидир. Инсоннинг шахс сифатида асосий хусусиятлари, табиийки, оилада қарор топади. Бу ерда ота-онанинг оламга муносабати бола томонидан ўзлаштирилади, бу эса боланинг онага нисбатан муҳаббатини ва ишончини белгилайди. Баъзан ота ёки онанинг тасодифий айтган сўзи бола эътиқодининг шаклланишида мутахассис билан ўтказилган узундан-узок машғулотларга қараганда кўпроқ натижа бериши мумкин.

Аввало ота-онанинг ўзи маънавий фаол бўлиши зарур, шундагина болани илм ва эътиқоднинг зарурлигига ишонтириш мумкин.

Гап шундаки, эътиқоднинг шаклланиши, билимдан фарқли равишда ҳис-ҳаяжон билан кечади. Ҳис-ҳаяжон маънавий фаолликни шакллантириш учун айниқса муҳим: чунки у кези келганда моддий фаровонлик, катта даромадлар билан тўқнаш келади. Агар ота-она фаолиятининг асосий сабаби моддий фаровонликка эришиш бўлса, у ҳолда болада маънавий меҳнатнинг қиммати, унинг шахс учун беивосита ва тўғридан-тўғри фойдаси ҳақида ишонч уйғотиш қийин бўлади. Бу ҳолда бола машғулотларини моддий фаровонликка эришиш воситаси сифатида идрок этади ва ҳамма нарсага фақат манфаатпарастлик нуқтаи назаридан ёндошиши мумкин.

Барча замонларда мавжуд бўлган иқтисодий муаммолар бегараз маънавий фаоллик имкониятларига салбий таъсир кўрсатади, албатта: вақт ва маблағ етишмаслиги биринчи навбатда қорин тўйдириш тўғрисида ўйлашга мажбур этади. Бироқ агар оиланинг маънавий эҳтиёжлари катта ва барқарор бўлса, уларнинг маънавий ишга ҳар гал бутун вужуди билан шўнғиётганини ва бу иш юзага келтираётган ижобий ҳис-ҳаяжонини бола сезмаслиги мумкин эмас.

Айни маҳалда ота-оналар ёшлар маданиятининг долзарблигини тасаввур этишлари лозим, чунки ёшлар мусиқаси, киноси, адабиёти ва ҳоказолар тўғрисидаги анча билимли фикргина болада, айниқса тенгдошлар билан мулоқот етакчи фаолиятга айланган ўсмирлик даврида бадий дидни шакллантиришга таъсир кўрсатиши мумкин. Ота-оналар ёшлар дунёқарашини етарлича яхши билишса ва тушунишсагина бу ёшда ота-оналар билан болалар ўртасида дўстона муносабатлар ривожланади.

Оиладаги психологик муҳит кўпроқ боланинг умумий пессимистик ёки оптимистик кайфиятини белгилаб беради. Бунда ота-оналарнинг ўзаро ва болалар билан ижобий ҳиссий алоқалари, ўзаро ишонч ва бир-бирини тушуниш даражаси муҳим.

Бу омилларнинг бари маънавий ҳаёт соҳасида фаолликни шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Шахс маънавий фаоллигини ривожлантиришнинг муҳим шарт — ўз эътиқодини рўёбга чиқаришга тайёргарликни тарбиялаш.

Эътиқодларнинг рўёбга чиқарилиши доимо одамлар ҳаётининг муайян тарихий шароитда мавжуд бўлган ижтимоий имкониятлар билан маълум даражада чекланган бўлади. Ижтимоий вазиятнинг ахлоқий ва сиёсий эътиқодларни рўёбга чиқаришга таъсири айниқса жуда кучли, шахснинг бирон-бир шароитидаги ижтимоий мақоми унга боғлиқдир. Сиёсий эркинликнинг йўқлиги ёки юксак ахлоқий хатти-ҳаракатга талаб йўқлиги шахснинг дунёқарашини шикаст топишига, лоқайдликка ёки юксак идеаллардан воз кечишга, мослашувчанликка, тутуруқсизликка ҳамда ҳаёсизликка олиб келиши мумкин.

Киши ижтимоий вазиятни яхши тушунса, юксак идеалларга эга бўлгани ҳолда ўз олдига рўёбга чиқариб бўлмайдиган мақсадлар қўймаса, шундай мақсадлар қўйишни бошқа одамлардан талаб қилмасанига маънавият амалий таъсирчан бўлади. Бу мақсадлар жўн бўлсин дегани эмас. Юксак маънавиятли киши ҳар қандай шароитда ушбу вазиятда мумкин бўлган тарзда ҳаракат қилади ва бу билан вазиятни ривожланишга, яхши томонга ўзгаришга мажбур этади. Башарти мақсад воқеликдан узилиб қолган бўлса, бу фаолликни эмас, балки самарасиз орзу-хаёлларни юзага келтиради.

Болада ташқи шароитни ҳамда ўз кучини тўғри баҳолаш қобилиятини ривожлантиришда ота-онанинг роли катта. Бундай қобилиятни ақл билан ривожлантириб бўлмайди. Бунда аниқ фаолият олиб бориш, аниқ мақсад қўйиб, унга эришадиган тарзда меҳнат қилиш зарур.

Бу жараёнда ота-онанинг роли мақсадни танлаш вақтидан бошланади. Ота-оналар фарзандларини турмуш ташвишларидан имкон борича узоқроқ муҳофаза қилишга интилишади. Натижада бу ҳаётга мослашмаган, мустақил бўлмаган шахс шаклланишига олиб келади. Бундай одам атрофидаги барча нарсани ўз муносабатларининг айбдори, деб ҳисоблашга мойил бўлиб, мақсадни танлаш ва унга эришиш учун жиддий киришишга қодир бўлмайди.

Болани ҳақиқий ҳаётини муаммолардан хабардорлиги, уларни ҳал этишда баҳоли қудрат қатнашиши узундан-узок панднасихатлардан кўра яхшироқ тарбиялайди. Топширилган иш учун масъулият ҳамда иш бажарилгач ўзига ҳамда атрофдагиларга ҳақиқий фойда келтиргач, бола ҳис этадиган руҳий кўтаринкилик ишга нисбатан, қийинчиликларни енгиб ўтишдаги ирода, fairat-шижоатига нисбатан ижобий кайфият уйғотади. Меҳнат ўз кадр-қимматини англаш туйғусини, ўзининг зарурлигини ҳис этишни, мақсадга эришишда қатъиятли ва изчил бўлишни ҳосил қилишга кўмаклашади. Шахснинг ўзини-ўзи баҳолаши, ўзига ишончи, ўз эътиқодларини амалда рўёбга чиқаришга тайёргарлиги кўп жиҳатдан болалигида ота-она унга топширган иш қанчалик масъулиятли бўлганига боғлиқ.

Яхши маълумот олган, бироқ масъулиятсиз ва ялқов одам

доимо бадастурликни, интизомни, ўзини ўзи назорат қилишни талаб этадиган ижодга яроқсиздир. Ҳеч қандай ташқи назорат эркин ижод учун шароит яратиб бера олмайди — бу ҳар қачон мажбурланган меҳнат бўлади.

Ота-оналар фарзандига қўядиган талаб кўрсатма шаклида бўлмай, асосланган тарзда бўлиши мумкин. Шундагина у итоаткор ижрочи эмас, балки фикрловчи ва вазиятни баҳолай оладиган, ўз шахсий позициясини асослаб бера оладиган одам бўлиб етишади.

Нутқ маданияти, ўз эътиқодини аниқ-равшан баён эта олишга, ҳақиқий аҳвол ва муҳолифлар фикрларидан келиб чиқиб, уни далил-исботлар билан ҳимоя қилишга қодирлик катта аҳамиятга эга. Фарзанд нутқнинг тўғри шаклланишига ота-онанинг таъсири катта бўлиши мумкин — бола гапиришни, энг аввало ота-онасидан ўрганади. Бироқ у ота-онасидан илк нутқ кўникмасининг ўрганмайди. Оилада саводли адабий тилда тўғри гапириш расм бўлса, бола уни табиий равишда, асти қийналмай ўзлаштиради. Бадий адабиёт ўқиш ҳам шунга кўмаклашади.

Маънавий фаол фарзандни тарбиялаш ота-онани муайян мақсадга йўналтирилган мунтазам хатти-ҳаракатни талаб қилади.

Тарбия жараёни ота-оналарнинг турли тарбия ва таълим

муассасалари билан чамбарчас алоқада бўлишни талаб этади, у ердаги мутахассислар ота-оналарнинг бола тарбиясига педагогик ва психологик тайёргарлик кўришига кўпроқ эътибор беришади. Афсуски, ҳозирги пайтда ота-оналарнинг педагоглар билан мулоқоти расман бўлиб, ўқитувчилар болаларнинг хулқи ва ўзлаштириши тўғрисида ота-оналарга хабар бериб, бола қониқарсиз ривожланаётган бўлса, чора кўришни илтимос қилишади. Лекин бола қалбига озор етказиб қўймаган ҳолда унинг онгига қандай таъсир кўрсатиш кераклигини кўп ота-оналар билишмайди. Уларнинг ўзларига батафсил педагогик маслаҳат бериш, кези келганда матбуот ва бадий адабиёт билан мунтазам текшириш олиб бориш зарур. Бу ишни шусиз ҳам қаттиқ банд бўлган мактаб ўқитувчиларига топшириб қўйиш оқилона иш бўлмайди.

Шундай қилиб, бола тарбияси, бинобарин уни ижтимоий фаол қилиб вояга етказиш ўта мураккаб ва нозик, аynи пайтда мунтазамлик ва интизомни талаб этадиган ишдир. Бу борада маориф тизимининг ҳам, ота-она ва муҳитнинг таъсири бевосита бўлгани боис барчамиз масъул ва жавобгар ҳисобланамиз.

**Сайёра ТҲҲИЕВА,**  
фалсафа фанлари номзоди.

## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Антонина ИПЛИНА

# БАҲОР МУЎЖИЗАСИ

*Бу муъжиза, тевааракка боқ,  
Наҳот яна қайтиб келди қиш.  
Дарахтларнинг новдаси ошпоқ,  
Яна ошпоқ қорга буржанмиш.*

*Далаларда анқийди асал,  
Атр нурқар ҳавога бу қор.  
Қуёш уфққа бош қўйган маҳал  
Қизаради бирам мафтунқор.*

*Уйқусидан уйғонди қалқиб,  
Табиатда ўзгача виқор.  
Борлиғида ҳаяжон балқиб,  
Кўклам келди, бошланди баҳор.*

\*\*\*

*Нозиккина эгнига бодом  
Кўйлақ кийиб олди оч пушти —  
Баҳор - қайноқ қалбли гуландом,  
Энди қувиб юборди қишни.*

*Қуёшга лаб очди куртақлар,  
Дарахтлар қўл чўзди кўкка ҳур.  
Эриган муз каби қўлмақлар,  
Сувга тушиб ярқирайди нур.*

*Эгни яланг дарахтлар улкан  
Бошларини чайқар интизор —  
Келаятган кўклам сенида  
Яшил рангли асл куйлақ бор.*

*Кўклам ўтиб кетар вақт етиб,  
Ўтар қийғоч гуллаган наҳор.  
Новдадаги қушдек пир этиб,  
Бирдан учиб кетади баҳор.*

*Бироқ меҳр-муҳаббат нурин  
Ўмид билан сочгайдир фалак.  
Ўз меваси сингари ширин  
Таъм олгайдир қирмизи юрак.*

\*\*\*

*Келин бўлиб келди навбҳор,  
Чимилдикдек безанди боғлар.  
Тўй либоси қордек беғубор,  
Ошпоқ гулга кирди бутоқлар.*

*Фақатгина Вақт шошқалок,  
Қуйлагини алмаштирар тез.  
Кўзида ўт чақнайди бироқ  
Дола гулли либос кийган кез.*

*Ўзилади чимилдик банди,  
Қордек либос учади елга —  
Новдаларининг ошпоқ гулбарги  
Чойшаб бўлиб тўшалар ерга.*

*Тўхта, шошиб кетаётган Вақт!  
Тўхта, елдек ўтаётган Замон!  
Навбахорнинг базмида хушбахт  
Ўйнаб-қулиб завқлан беармон!*



Антонина ИПЛИНА 1981 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Наманган давлат университетининг ясаҳон тиллари факультетида таҳсил олган. Айни дамда Наманган вилоят ёш снэсатчилар ва ўлкашуннослар марказида “Этнография” тўғрисида раҳбар.

2002 йилда “Всё пробуждается весной” номли илк шеърый тўплами вилоят нашриётида чоп этилган. “Ёшлик”да илк чиқиши.

# ЗҮР ҚҮШИҚЧИ

Илҳомий ёш, умидли шоирлардан. Уч-тўрт китоби чиққан. Ўзи-гараша мухлислари бор.

Бир куни шу шоирнинг уйига кўнғироқ қилишди.

— Исмин Наргиска, - деди қиз бола овози. — Кўшув зйтаман. Манхур бўлиши истийман. Хуллас, манга битта чёткий шеър кере. Сиздан уни қачон осам бўлади?

Илҳомий каловланиб қолди. Тўғриси, унинг ўзи ҳам шеърлари кўшиқ бўлишини истарди. Бу манхурлик сари дадил қадам экапгишиям биларди.

Яна Наргиска деганлариниям эшитгани бор эди. У қизнинг бир-икки клишини телевизорда кўрганди.

— Яхши, - деди ниҳоят Илҳомий, — шеър қайси мавзуда бўлсин?

— О, албатта мухабат! — дея Наргиска “мухабат” сўзини русча талаффуз қилди.

— Яхши, - ширин энтикди шоир. — Эртага соат ўнда келинг. Шеър тайёр бўлади.

Кечаси Илҳомий яхши ухлай олмади. Қизнинг эхтироси сўзлари, “мухабат!” дегани қулоғи остида жаранглайверди. Наргисканинг қанақа экапигини эслашга ҳаракат қилди. Эслолмади. Уни хаёлида қайта яратди. Атлас кўйлакли, сочи тақимини ўнган, чамандагул дўшиси ярашган қиз деб тасаввур қилди.

У билан гўлзор айланди. Боғларга кириб чиқди. Мева-чева терди. Хуллас, тонгда севги ҳақида ажойиб шеър яради.

Соат ўн бўлди. Эшик жиринглади. Илҳомий яна бир бор ойнага қараб галстугини тўғирлади. Гелланган сочини таради. Бешинчи марта атир сешиб, эшикка қараб юрди. Шоирнинг юраги гурс-гурс урарди. У эшикни очди ва...

Наргиска деганлари белигача тушадиган жингалак сочини ёйиб, уч хил ранга бўяди. Бетига ула-эликни чунона чаплагиники, юзининг аёл терисини кўриш учун ярим соат совулаб ювиш керак. Қош-қўзлар малла рангга, лаб нимагадир ҳаво рангга бўйланган. Қулоғининг биттасида бешта исирга, иккинчисида биттаям йўқ. “Яримта” кофтаси билан калта шими шу даражада торки, кийилаётганида йиртилиб кетмаганига ҳайрон қолсан киши.

— Са-лом, - Наргиска шоирга ола қараш қилди. Қотиб қолган Илҳомий алик олиб, йўл бўшатди.

Наргиска ичкари кира солиб, мақсадга ўтди.

— Ну, қани шеър?

Илҳомий шеърни кўрсатди. Ўқиб берди. Наргисканинг афти бўжмади. Бурни жириди.

— Ну, қайси тилда ёзгансиз буни. — Наргиска тирноғи ярим метрлик бармоғи билан қозонинг бир учидан ушлади.

— Ну-ка, “фигон”, каюйта “фарёд”, “алик”, “ҳажр”, “висол”, “васл”... это что?! Ман бу сўзларни зйтолмайман. Молодёжлар ҳам бу қушунни қабул қилишмайди. Тушуншмайди!

Илҳомий сўзларни тушунтирмоқчи бўлиб, эндигина оғиз жуфтлаган эдики, Наргиска бошини сарак-сарак қилди.

— Бўлди. Бошқа... шеър ёзасиз! Келишдик? Мана, - қиз кўлтири остидаги узун қора сумкачасини очди:

- Ваш гонорар!

Юз долларликни кўрган Илҳомийнинг оғзи очилиб қолди. Тўғри-да, ахир, ҳозирги замонда пул бериб шеърини кўшиқ қилдирадиган, пул бериб айттирадиганлар камми?

У гонорар олишни хаёлигаям келтирмаганди. Айниқса биринчи шеърига ҳали кўшиқчига фойда келтирмай туриб.

— Хўп, синглим, сиз айтгандай бўлади.

— Шеър ёзасиз - гонорар оласиз! — Шундай деб Наргиска кўлтиридаги пулни сумкачасига солиб қўйди.

— Ўзига ишпиққина экан, - деб ўйлади Илҳомий қиз кетгандан сўнг. — Ҳа, майли, насыя бўлсам ваъда қилди-ку.

Илҳомий яна шеър ёзди. Бу сафар унинг кўзи олдида хаёлий Наргиска эмас, унинг сўзлари ва юз доллар турди. Ўртачароқ шеър пайдо бўлди.

Кетар чоғда қиз “энди ман келмайман, энди Сиз борасиз”, дегани учун Илҳомий эртаси куни шеърни олиб келишилган жойга йўл олди. Энди у аввалгидек ҳаяжонланмас, ўзини ҳамкорини қутаётган ишбилармонлардай ҳис қиларди.

Наргиска келди. У кечагидек, фақат бошқача фасонли яримта кофта билан этаги кийишқ юбка кийганди. Қўзида ингичкагина жигарранг кўзойнак.

— Салом. Ну-ка. - Қиз кўзойнагини ҳам ечмай шеърни олди. Уни ўқий бошлади.

— Ҳмм, хорош... бу нимаси? Яна тушунарсиз сўзлар. Каюйта “армон”, “жонон” - гўзал денг, гўзал. “Чунон”. Что это “чунон”?

— И... и...

— Бўмийди!

Илҳомийнинг оғзидаги оғзида қолди. Яна бошқа “шеър” ёзиш учун насыя юз долларини ўйлаганча уйига қайтди. Илҳомийнинг фигурни фалакка чиқди. У уйини қулдонга айлантирганча икки пачка сигарет чекиб, навбатдаги “шеър”ни ёзди. Бўшроққина бир нарса чиқди.

Шеърни ўқиган Наргиска аввал жилмайди. Кейин бирдан жиддий тортди.

— “Пояндоз”. Что это “пояндоз”. Хокандоз что ли? Йўқ, бунақаси кетмийди.

— Шу битта сўзми! Ҳозир алмаштириб бераман.

— Йўқ, йўқ. Нима, шеър сизга ўйинчоқми, бир минутда алмаштирасиз? Буни ўйингизга олиб кетинг. — Қиз шеърни йигитга қайтариб берди. — Эртага бошқасини ёзиб, ўзингиз уйимга олиб бориб берасиз. - Қиз шундай деди-да, таширф қозғ узатди.

Хўп, дейишдан бошқа иложи қолмаганди бечора Илҳомийнинг.

Илҳомий ҳаяжонланмади. Илҳомланмади, ҳеч нимани ўйламади. Ўзиниям қулдонга айлантирмади. Фақат ёзди. Дабдала бир нарса чиқди.

У “шеър”ни кўтариб, таширф қозғидидаги манзилгоҳга борди. Эшикни ўрта ёшлардаги берилиб пардоз қилган аёл очди.

— Ким керак?

— Мен шоирман. Наргиска билан...

— Яхши. Наргиска, сенга келишибди.

— Ким? А-ха, - шоирни кўрган Наргиска шундай аҳволда эдики, унинг хурсанд бўлганиниям, энаси қотаниниям билиб бўлмади. У салом-аликесиз шоирнинг қўлидаги “шеър”ни юлиб олди. Илҳомий ташқарида, у ичкарида турган ҳолда, йигитни уйга таклиф қилишни хаёлигаям келтирмаганча ўқиниша тушди.

Шоир зимдан қизга назар солди. Унинг эғнида қора майка билан калта оқ шорти бор. Сумбул сочлари одатдагидек турмакланмаган. Қиз “шеър”ни бу сафар овоз чиқариб ўқиди.

*Кеча-кундуз мен сени*

*Ўйлаганим-ўйлаган.*

*Сен ҳақда кўшиқ айтиб*

*Кўйлаганим-қўйлаган.*

*Юрагимни тиламан,*

*Севгишимни тиламан.*

*Лекин, сенга севгимни*

*Қандай изҳор қиламан.*

*Сени бир кун кўрмасам,*

*Соғинаман, азизам.*

*Кўзим ёшлаб, сен учун*

*Оғринаман азизам.*

*Сени севаман, жоппм,*

*Фақат сенда хаёлим.*

*Ёлғиз ўзинг гўзалим,*

*Севгилимсан, асалим.*

— О! Браво, яхши! - Қиз севиниб кетди. Кейин шоирга бармоқчасини сарак-сарак қилиб дакки берган бўлди.

— Бўларкан-ку!

— Ҳа, - деди Илҳомий ҳам тақдирга тап берган кўйи. — Бўлар экан!

— Ҳо-зир. - Қиз уйига кириб, юз долларликни олиб чиқди.

— Мана сизга гонорар. Айтгандай шеърга фамилиянгизни, тойис, тахаллусингизни ёзмабсиз.

— Қўяверинг, - Илҳомий қизнинг қўлини қайтарди. — Фақат, илтимос, бу “шеър” меники экапигини ҳеч ким билмасин!

ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI

MUASSISLAR:  
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

O'rozboy ABDURAHMONOV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

**Bosh muharrir**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

Yo'ldosh ESHBEK

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yil-  
dan chiqa boshlagan.

© "Yoshlik" № 2 (194) 2004 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining  
kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

**MUNDARIJA****XOTIRA**

Muhammad YUSUF yodi..... 1

**NASR**

Uyg'un RO'ZIYEV

Qadr kechasi. Qissa. .... 12

Dilfuza QO'ZIYEVA

Oqsoq qizning qismati. Hikoya. .... 40

**NAZM**

Farida AFRO'Z

So'z ishqida jonim halak ..... 5

Kamoliddin MINGBOYEV

Sevgilim, sog'indingmi? ..... 38

Davron RAJAB

O'zimni tarqatdim so'zlarga bo'lib..... 44

**BIRINCHI UCHRASHUV**

Bahora BAHRIDDIN QIZI

Sizni desam yuragimda mehr toshadi..... 11

Nazira BOYMURODOVA

Qaro ko'zlar qarog'ida yashayman..... 39

Antonina IPLINA

Bahor mo'jizasi..... 46

**IJTIMOIY ONG, DUNYOQARASH, YOSHLAR**

Abdovohid O'NAROV

Terrorchining uyi kuysin..... 4

**YOSHLAR VA BIZ**

Oilaning shaxs faolligiga ta'siri..... 45

**ADABIY JARAYON**

Jabbor ESHONQUL

Kafka va biz..... 8

**MUHABBATNOMA**

Vahob RAHMONOV

Alisher Navoiy ko'ngil qo'ygan sanam..... 37

**YELPUG'ICH**

Zuhra MAMADALIYEVA

Zo'r qo'shiqchi..... 47

**Muqovalarimizda:**1-betda: «Munavvar tong» axborot-musiqiy ko'rsatuvi  
boshlovchisi **Sevara XO'JAQULOVA****Muqovalarimizda fotojurnalist No'monjon  
MUHAMMADJONOV suratlaridan foydalanildi.**